

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ

А К А Д Е М И Я

С. Н. БЕРДИКУЛОВ

ЎЗБЕКИСТОНДА КЎППАРТИЯВИЙЛИК
МИЛЛИЙ МОДЕЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ИСТИҚБОЛЛАРИ

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

ТОШКЕНТ 2016

Тақризчилар:

тарих фанлар доктори, профессор **К. Н. Норматов**;

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий кенгаши
Ижроия қўмитаси Марказий аппарати Ташкилий-партиявий ишлар
бўлими мудир **М. М. Хайитов**

Бердикулов С. Н.

Б-48 **Ўзбекистонда кўппартиявийлик миллий моделини ривож-
лантириш истиқболлари:** Ўқув қўлланма / Масъул муҳаррир фалсафа
фанлари доктори, профессор Ш. О. Мамадалиев. – Т.: Ўзбекистон
Республикаси ИИВ Академияси, 2016. – 108 б.

Қўлланмада Ўзбекистон Республикасида кўппартиявийлик миллий моделининг шаклланиши ва ривожланиш йўналишлари, кўппартиявийлик тизими назариясининг умумий ва хусусий жиҳатлари, кўппартиявийлик миллий моделида демократик бошқарувнинг ўзига хослиги, вилоят, туман, шаҳар кенгашларида партия гуруҳлари фаолиятини мустаҳкамлаш, кўппартиявийлик миллий модели ва сайлов тизимининг ўзаро боғлиқлиги, мамлакатимизда кўппартиявийлик тизими ҳуқуқий муносабатларини, сиёсий партиялар фракцияларининг қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнидаги фаолиятини такомиллаштириш каби масалалар ёритилган.

Ушбу қўлланма олий таълим муассасаларининг талабаларига мўлжалланган бўлса-да, ундан профессор-ўқитувчилар, илмий ходимлар, сиёсий партиялар ва давлат идораларининг хизматчилари ва кенг китобхонлар оммаси ҳам фойдаланиши мумкин.

**КБК 66.3(5У)я73
УЎК 321**

Ўқув қўлланма А-1-163 «Демократик жараёнларда «ўзбек модели»нинг концептуал масалалари таҳлили ва изчил ривожланишининг назарий-методологик асослари» мавзудаги 2015-2017 йилларга мўлжалланган амалий лойиҳа доирасида тайёрланди

СЎЗ БОШИ

Жаҳонда глобаллашув жараёнлари кечаётган сўнгги йилларда дунёнинг ривожланган мамлакатларида кўппартиявийлик тизими тобора ўз мақомини мустаҳкамлаб бормоқда. Шу боис ҳам Ўзбекистон Республикасида мустақиллик туфайли кўппартиявийлик тизими қарор топди. Унга қадар ҳукмронлик қилган якка партияли тузум мамлакатда демократик ривожланиш жараёнларига тўсқинлик қилгани бугун барча эътироф этган тарихий ҳақиқатга айланди.

Кўппартиявийлик тизими мамлакатда ижтимоий-сиёсий барқарорлик ҳамда фикрлар плюрализмини таъминлаб, жамиятни янада демократлаштириш учун асосий омил бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, «Кўппартиявийлик тизимини мустаҳкамлаш, давлат ва жамият ҳаётида сиёсий партияларнинг таъсирини ошириш, улар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш»¹ вазифаси бугунги кунда объектив ижтимоий зарурат туфайли юзага келмоқда. Қолаверса, Асосий қонунимизнинг 12-моддасида: «Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади»², – деб қайд этилган.

Кўппартиявийлик тизими – сиёсий институтларнинг энг фаол қисми бўлиб, ҳозирги пайтда Ўзбекистонда ушбу тизимга демократик қадрият ва принципларни ҳаракатлантирувчи куч сифатида қаралмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида кўппартиявийлик тизимига фуқаролик жамияти ривожланишининг омили сифатида қаралган бўлиб, унга оид ҳуқуқий муносабатлар тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда янада батафсил тартибга солинган. Айниқса,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг дастури // URL – <http://uzlidep.uz/uzc/news/uzbekiston-respublikasi-prezidentligiga-nomzod-shavkat-miromonovich-mirziyoevning-dasturi>.

² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014. – Б. 5.

Конституциямизнинг айрим моддаларига (жумладан 93-моддасининг 15-банди, 98-моддасига) ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги (2011 йил 18 апрель), «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги (2007 йил 11 апрель), «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги (1996 йил 26 декабрь) қонунларда мамлакатда кўппартиявийлик тизими сифат жиҳатдан янги босқичга ўтганлиги ўз ифодасини топган. Шунингдек, қонунларда давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов фақат **кўппартиявийлик** асосида ўтказилиши қатъий белгилаб қўйилди¹.

Кўппартиявийлик миллий моделининг ривожланиши, бу борада қўлга киритилган ютуқ ва муаммоларни илмий-назарий таҳлил қилиш асосида тайёрланган ҳамда олий таълим муассасаларида ўқитиладиган тегишли фанларнинг айрим мавзуларини (хусусан, Демократик жамият куриш назарияси ва амалиёти фанининг «Ўзбекистон сиёсий партияларининг фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатни ривожлантиришдаги ўрни» номли 5-мавзусини) тўлдиришга хизмат қиладиган мазкур қўлланма китобхонларга фойдали балади, деган умиддамиз.

Қўлланмада фойдаланилган қисқартмалар

ЎзР – Ўзбекистон Республикаси

ЎзР МДА – Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви

МДХ – Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги

ХХР – Хитой Халқ Республикаси

«Адолат» СДП – Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси

«Миллий тикланиш» ДП – Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси

Ўзбекистон ХДП – Ўзбекистон халқ демократик партияси

ЎзЛиДеП – Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси

¹ Қаранг: *Каримов И. А.* Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – Б. 42–43.

I боб.

КЎППАРТИЯВИЙЛИК МИЛЛИЙ МОДЕЛИ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ

1-§. Кўппартиявийликнинг умумий ва хусусий жиҳатлари

Мамлакат сиёсий тизимида мавжуд сиёсий партиялар ўзаро муносабатларга киришади. Улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар партиявий тизимни ҳосил қилади. Мамлакатдаги бир неча партиялар ўртасидаги рақобат ёки ҳамкорлик кўринишидаги ўзаро муносабат давлат ҳамда жамият ўртасидаги алоқанинг самарали тарзда шаклланишига имкон яратиб партиявий тизимни юзага келтиради. Шубҳасиз, у фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришда ҳам ўзига хос роль ўйнайди.

Ҳар қандай мамлакатда (бир партияли режим ўрнатилган давлатларни ҳисобга олмаганда) бир қанча партиялар бирга (бир жойда, бир вақтда) мавжуд бўлади: бу биргаликнинг шакл ва усули кўриб чиқиладиган мамлакатнинг партиявий тизим билан боғлиқ (Дюверже). Демак, сиёсий партиялар фаолият олиб бораётган барча мамлакатларда партиявий тизим мавжудлигини, унинг шакл ва усуллари қандайлигини улар орасидаги муносабатлар орқали биламиз. Буни турли партия тизимлари қарор топган мамлакатлар мисолида кўриш мумкин. Масалан, бир партияли тизим амал қиладиган ХХРда Хитой коммунистик партияси (ХКП)дан ташқари яна саккизта кичик партия фаолият олиб боради. ХКП ва Хитой демократик партиялари ўртасида «кўппартиявий ҳамкорлик» тизими қарор топган. Бу қуйидагиларда кўринади: бир томондан, Хитойда демократик партиялар жамоатчилик фикрини ифодалашнинг муҳим воситаси ҳисобланади, улар маслаҳатлашув механизми орқали давлатнинг сиёсий мақсадларини белгилашга, қонунларни қабул қилишга амалий таъсир кўрсатади, давлат ҳокимияти органлари фаолиятида иштирок этади (демократик партия делегатлари давлат ҳокимиятининг барча тармоқларида юқори лавозимларни эгаллашади); иккинчи томондан, улар ўз фаолиятида Компартиянинг айрим сиёсий кўрсатмаларини қўллаб-қув-

ватлашлари керак бўлади. Таъкидлаш зарурки, Хитой демократик партиялари коммунистик партиядан мустақил эмас, балки унинг қаноти (фракцияси) сифатида фаолият юритади.

Ёки икки партияли сиёсий тизим амал қиладиган АҚШда Республикачилар ва Демократлар партияларидан ташқари яна ўнлаб сиёсий партия фаолият кўрсатади. Аммо сайлов орқали давлат ҳокимиятини шакллантиришда бошқа партияларнинг ўрни деярли сезилмайди. Кўппартиявийлик тизимига асосланган Германия Бундестаги (парламенти)да Германия социал-демократик партияси, Христиан-демократик иттифоқи (CDU), Христиан-социал иттифоқи (SPD), Иттифоқ 90/Яшиллар (GRÜNE), Эркин демократик партия (FDP), Сўл партия (Die Linke) партиялари муайян ўрин эгаллаган бўлса-да, марксча-ленинча партия (MLPD), Христиан инжилига содиқлар партияси (PBC), Германия оила партияси (FAMILIEN), Феминистик партия (Die Frauen), Инсон, атроф муҳит ва ҳайвонлар ҳимояси партияси – Die Tierschutzpartei кабилар фаолият юритади.

В. Хофмейстер, К. Грабовлар мамлакатдаги барча партиялар сиёсий партиялар тизимини шакллантиради ҳамда партиявий тизим алоҳида партиялар ўртасидаги ўзаро муносабатни акс эттиришини таъкидлайдилар. Дарҳақиқат, сиёсий партиялар жамиятда муайян ғоя учун кураш олиб бориш жараёнида ўзаро муносабатга киришади. Улар бир-бири билан сайловларда, парламент доирасида рақобатда бўлишади, иттифоқлар, блоклар тузади, ҳамкорлик қилади. Масалан, Германияда 1982-1990 йилларда Христиан-демократик иттифоқ/Христиан-социал иттифоқ устунлик мавқеидаги блок ҳамда консерватив-либерал коалиция (иттифоқ) мавжуд бўлган, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида 2004-2014 йилларда ЎзЛиДеП, «Адолат» СДП ва «Миллий тикланиш» ДП фракциялари демократик блокка бирлашган бўлса, 2015 йилда шаклланган қуйи палатада ЎзЛиДеП ва «Миллий тикланиш» ДП фракциялари демократик кучлар блокига бирлашди.

М.Қирғизбоев «Партиявий тизим тушунчаси, бу – муайян сон ва ўлчовлар (сайловчилар ҳажми, ички тизимлар турлари ва бошқа меъёрлар), шунингдек, бир-бири билан ҳамкорлик қилиш имконият-

ларига эга бўлган мустақил субъект (партия)лар мажмуасидан иборат сиёсий кенглик демакдир», деган фикрни келтиради. Шу билан бирга, жамият ижтимоий-сиёсий тизимида сиёсий партиялардан ташқари, бошқа жамоат бирлашмалари (нодавлат нотижорат ташкилотлари, сиёсий бўлмаган партиялар, ижтимоий, сиёсий ҳаракатлар ва бошқ.) ҳам муйян сон ва ўлчовга эга, улар ҳам бир-бири билан ҳамкорлик қилишади. Мустақил таркибий қисм (партиялар) ва уларнинг сони, параметри (сайловчилар сони, ички тузилмавий тури), шунингдек коалиция имкониятларидан ташкил топган сиёсий кенгликлар доираси (Шмачкова) партиявий тизимни ташкил этади. Шунингдек, партиявий тизимда муайян сиёсий партия бошқаси билан ўзаро алоқадорликда, ўзаро муносабатда бўлади, бу муносабат фақат коалиция доираси билан чекланиб қолмай, ўзаро рақобат, мухолафат жараёнларида ҳам кузатилади.

Партиявий тизимда партиялар мажмуи, давлат ҳокимиятини шакллантириш ва амалга ошириш жараёнида улар ўртасидаги ўзаро муносабат ва сиёсий фаолиятда қатнашиш қамраб олинади. Демак, жамиятда партиявий тизимнинг қарор топиши учун у муайян қонуниятга бўйсунishi, ўзаро муносабатга киришиши ҳамда давлат ҳокимиятини шакллантиришда иштирок этиши ниҳоятда муҳимдир. Буни Б. А. Стародубскийнинг: «Партиявий тизим, биринчидан, мамлакатда мавжуд партиялар сони, хусусияти ва ўзаро муносабати, иккинчидан, мазкур партиялар фаолиятида ўзига хос шароит, учинчидан, уларнинг давлат ишларига раҳбарлик борасида, айниқса, ҳукуматни шакллантириш соҳасидаги ҳақиқий роли билан белгиланади»¹, – деган фикри ҳам тасдиқлайди.

Шундан келиб чиқиб, маълум мамлакатда қонуний фаолият олиб боровчи партиялар ўртасидаги ўзаро муносабат, ўзаро алоқадорлик муҳитида уларнинг муайян принципларга бўйсунishi ҳамда давлат ҳокимиятини шакллантириш жараёнидаги иштирокига *партиявий тизим* дейилади. Дарҳақиқат, жамиятда партиявий тизим мавжуд бўлиши ва қарор топиши учун сиёсий партияга қуйидагилар керак:

¹ *Стародубский Б. А.* Понятие и виды партийной системы в буржуазных странах // Правоведение. – 1969. – № 4. – С. 8.

биринчидан, қонуний фаолият юритиши учун ҳуқуқий асос (мамлакатда партия ёки партиялар тузилиши учун асосий қонун ёхуд қонунлар орқали имкониятлар яратилганлиги);

иккинчидан, рўйхатдан ўтказилиши (партия тузиш ташаббуси билан чиқиши, таъсис мажлисини чақириши, рўйхатдан ўтиш учун имзо тўплаши, рўйхатдан ўтказилиши ва фаолият олиб бориши);

учинчидан, партиялар ўртасида ўзаро муносабат ва ҳамкорлик муҳити мавжуд бўлиши (рақобат муҳити, бир-бирига нисбатан муҳолафат деб эълон қилиш, сайловлар жараёнида ўзаро қўллаб-қувватлаш, блоклар, иттифоқлар тузиш, коалицион ҳукуматни шакллантириш);

тўртинчидан, ўзаро муносабатга киришиш жараёнида муайян принципларга (қонунийлик, демократия, ўзаро ҳурмат қоидаларига) бўйсунуши;

бешинчидан, давлат ҳокимиятини шакллантиришда иштирок этиши (давлатнинг олий вакиллик ва маҳаллий органларига номзод кўрсатиш, парламентни шакллантириш, президентни сайлаш, маҳаллий бошқарув органлари раҳбарлари ёки вакиллари сайлашда иштирок этиши).

Юқорида келтирилган белгилар мавжуд бир неча сиёсий партиянинг мамлакатда вужудга келиши ва фаолият олиб бориши натижасида партиявий тизим қарор топади. Партиявий тизим шаклланган мамлакатларда демократик тартиб-қоидалар ҳам юксак даражада бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Улар ўртасидаги муносабат қонун доирасида, ахлоқ ва маънавият измида бўлиши жамиятда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлайди.

Партиявий тизим турларининг юзага келишида мамлакатдаги қонунчиликнинг ҳам таъсири бўлади, яъни айрим мамлакатлар қонунларида партиялар сони аниқ кўрсатилади. Бундай тартиб мавжуд режим учун кераксиз партиялар вужудга келишига йўл қўймаслик мақсадида белгиланади. Шу сингари сунъий икки партияли тизим 1966-1979 йилларда Бразилияда, уч партияли тизим 1976-1990 йилларда Сенегалда, 1977-1980 йилларда Буркина Фасода, 1966-1998 йилларда Индонезияда мавжуд эди (Азизхўжаев).

Дарҳақиқат, ҳозирги пайтда мутахассислар партия тизимларини тизимларининг қуйидаги хусусиятларини эътироф этишади: 1) сочилганлик, яъни партиявий тизимни ҳосил қилувчи қисмлар сони ва кучининг ўзгариши; 2) функционал ориентация, яъни анъанавий буржуа, диний ва этник партиялар ўртасидаги фарқлар; 3) қутбланиш, яъни «сўл-ўнг» шкала бўйича мафкуравий қарашларнинг ўзаро яқинлашиши ва узоқлашиши; 4) радикал ориентация, яъни сўл партиялар таъсири даражасидаги фарқлар; 5) ўзгарувчанлик, яъни партияларнинг фаоллашуви натижасида юзага келадиган фарқлар (Лейн ва Эрссон).


Партиявий тизимни ташкил этувчи партиялар ҳам шу хусусиятдан келиб чиқиб шаклланади ва фаолият олиб боради. Чунончи, айрим мамлакатларда диний эътиқод асосида бирлашган партиялар (масалан, Германия Христиан-демократик иттифоқи) фаолият кўрсатишига рухсат берилади, бошқаларида тақиқланади (жумладан, Ўзбекистонда). Айримларида эса муайян мамлакатда яшовчи кам сонли миллатларга ўз партияларини тузишларига рухсат берилади (масалан, Финландиядаги швед халқ партияси, Даниядаги немис халқ партияси). Болгарияда эса бундай партиялар тузилиши конституция билан тақиқлаб қўйилган.

Партия тизимларининг турларини таснифлаш борасида италян олими Жованни Сартори кўпгина ишларни амалга оширган. У шаклланадиган, ўзгарадиган партия тизимларига фақат миқдор мезонининг ўзи етарли эмас, деб ҳисоблайди. У миқдорга қўшимча сифат мезонлари – қутбланиш ва фрагментланиш турларини тақлиф этади. Шулардан келиб чиқиб, Ж.Сартори еттита асосий: бир партияли, гегемон, устунлик қилувчи, икки партиявий, чекланган плюралистик, қутбланиш плюралистик, атомланиш (ҳаддан зиёд партияларнинг кўплиги) партиявий тизим турлари мавжудлигини эътироф этади (Sartori).

Партиявий тизим турларини тадқиқотчи А. Лейпхарт томонидан тақлиф этилган самарали ишловчи партиялар сони билан ҳам белгилаш мумкин. Юқоридаги тасниф жадвал асосида мамлакатимизда кўппартиявийлик тизимининг устунлик қилувчи тури юзага келганлигини тахмин қилиш мумкин. Яъни, Ўзбекистон парламентининг

қуйи палатасига сиёсий партиялардан сайланган депутатлар миқдори қуйидагича: 52 (ЎзЛиДеП) – 36 (Миллий тикланиш ДП) – 27 (Ўзбекистон ХДП) – 20 (Адолат СДП) (2015–2019 йй.). Бундан ЎзЛиДеП бошқа сиёсий партиялардан парламент қуйи палатасида кўп ўринга эга бўлиб, кўппартиявийликнинг устунлик қилувчи турини ҳосил қилганлиги кўринади.

1-жадвал



Партиявий тизим турлари орасида **бир партияли тизим** ўзига хослиги билан ажралиб туради. Бу унинг бир қанча турларга бўлинганлиги билан изоҳланади. Кўпчилик партияшунос олимлар бир партияли тизим ҳақида салбий фикр билдиришади ва жамиятда унинг партия сифатидаги ўрни мавжуд эмаслигини таъкидлашади. Бир партияли тизим бутун жамият манфаатларига жавоб бермайди, аҳоли баъзи қатламларининг ҳуқуқларини поймол этади, жамиятдаги бутун ижтимоий спектрни акс эттирмайди ва антидемократик ҳодисани ифодалайди. Бу тизим халқнинг, аҳоли турли қатламларининг манфаатларини ҳимоя қилиш эмас, балки давлат ҳокимиятини сақлаб қолишга интилиши билан ажралиб туради. «Бир партиявийлик тизимида «партия» тушунчаси ўз маъносини йўқотади. Чунки у ягона ва ҳукмрон сиёсий ташкилот бўлиб қолади»¹. «Фуқаро – сиёсий партия – давлат» муносабатлар тизимида сиёсий партия давлат билан қоришиб кетади ва «фуқаро-давлат» муносабатлари қарор топади.

3. Исломов ягона партиянинг мамлакатда ҳукмронлик қилиши асосан тоталитар жамиятга хосдир, жамиятда бир партия ҳукмронлигининг ўрнатилиши ҳалокатли оқибатларга олиб келади, энг аввало,

¹ Хорижий мамлакатларнинг конституциявий ҳуқуқи: Дарслик / Масъул муҳаррир проф. А. А. Азизхўжаев. – Тошкент: ТДЮИ, 2010. – Б. 199.

демократия издан чиқади, халқ ҳокимиятдан ва ҳокимият халқдан ажралиб қолади, деган фикрни билдиради. У субъективизм, вольонтаризмга шароит яратиб бергани ҳолда, ҳокимият эгаларини бузади, жамиятда беқарорликни келтириб чиқаради ва жамият парокандаликка учрайди.

Француз мутафаккири Р. Ароннинг таъкидлашича, «сиёсий фаолиятда ягона партиянинг монополлашуви натижасида давлат ундан ажрала олмай қолади... Агар давлат ўрнида партиявий давлат мавжуд бўлса, у сиёсий баҳс эркинлигини мутлақо чеклайди... Давлат томонидан партия мафкураси аниқлаштириладиган партиявий тартибнинг моҳияти битта: турли нуқтаи назарларни кўрсатиб берадиган, очик муҳокамада юзага келувчи барча ғояларни тақиқлашдир»¹. Ҳақиқатан ҳам, мутлақ ҳақиқатга даъво қиладиган сиёсий партия якка ҳукмронликни келтириб чиқаради. У жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида ўзини оқламайди, фикрлар хилма-хиллигини тан олмайди ва чеклайди. Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар рисоласида билдирилган муайян гуруҳ ёки сиёсий партия ғоялари ҳукмрон мафкурага айланса, ҳурфикрлик, виждон эркинлиги ва қарашлар хилма-хиллиги чекланади, мутлақ ҳақиқатга эгалик даъвоси, мустабидлик тамойиллари кучаяди, деган фикр ҳам сўзимизни тасдиқлайди.

Таниқли француз олими М. Дюверже бир партияли тизимнинг *фашистик*, *коммунистик* ва *демократик* кўринишларини тавсифлаб беради. **Фашистик** кўринишига Италия ва Германиядаги, коммунистик кўринишига собиқ СССРдаги, демократик кўринишига 1923 йилдан 1950 йилга қадар фаолият олиб борган Туркиядаги «Халқ республикаси» ҳамда Португалиядаги «Миллий ҳамжиҳатлик» партияларини мисол қилиб келтиради. Фашистик партиялар бугунги кунда демократияга зидлиги боис халқ томонидан кўллаб-қувватланмаётгани, лекин айрим кучлар унинг авторитар ва тоталитар хусусиятларидан ўз манфаати йўлида фойдаланаётганлигини кузатамиз (Украинадаги – Ўнг сектор, «Озодлик» С14, Бендерачилар ҳаракати, Венгриядаги –

¹ Арон Р. Демократия и тоталитаризм // URL – <http://www.biblioclub.ru/book/26468/>

Йоббик, Венгрия адолат ва ҳаёт партияси, Франциядаги – «Миллий айнанлик блоки» ана шулар жумласидандир).

Коммунистик партиялар ҳозирги пайтда жаҳоннинг бир қанча давлатларида ҳукмрон мавқега эга бўлиб, ҳокимият уларнинг қўлидадир. Жумладан, Хитой, Куба, Лаос ва бошқа бир қатор мамлакатларда бир партияли тизимнинг коммунистик кўриниши мавжуд. Мисол тариқасида, Хитой қарийб қирқ йилдан буён иқтисодий тараққиёти билан ривожланган мамлакатлардан ўзиб кетмоқда. Мутахассисларнинг фикрига кўра, 1970 йилларнинг охирида Дэн Сяопин бошчилигида Хитой раҳбарияти янги давр ислохотларини амалга ошира бошлади. Улар иқтисодий ва мафкуравий бошқарувни либераллаштириб, иқтисодий ислохотларга алоҳида эътибор беришди. Натижада Хитойнинг ялпи ички маҳсулоти ўн баробар ошиб кетди. У иқтисодий ривожланиши бўйича иккинчи ўриндаги Японияни қувиб ўтиб, дунё мамлакатига айланди. Бундан кўринадики, Хитойда бир партияли тизим коммунистик кўринишдан демократик кўринишга босқичма-босқич ўтиши кечмоқда.

Демократик кўринишдаги бир партияли тизимда, аввало ягона партия тузилади, унинг ёрдамида давлат ҳокимияти шакллантирилади. У ҳар қандай «изм»лардан (коммунизм, тоталитаризм, фашизм) ёки диний-экстремистик йўналишдаги оқимлардан йироқлиги билан ажралиб туради. Бундай партияли тизим аста-секин, босқичма-босқич плюрализмга йўл очиб беради. Мамлакатда бир қанча партиялар фаолият юритиши учун шарт-шароит яратилади. Масалан, Туркияда бу жараённинг амалга оширилишига йигирма йилдан ортиқ (1924-1946 йиллар) вақт сарфланган. Туркменистонда эса 2012 йил 21 августдан бошлаб Демократик партия билан бирга Саноатчилар ва тадбиркорлар партияси ҳам фаолият кўрсатмоқда. 2013 йил парламентга бўлиб ўтган сайловда 125 та депутатлик ўринидан 47 тасини Туркменистон Демократик партияси, 14 тасини Саноатчилар ва тадбиркорлар партияси эгаллади. Шундай қилиб, Туркменистон бир партияли тизимдан икки партияли тизимга ўтди.

Партиявий тизимнинг иккинчи тури **икки партияли тизим** (бипартизм) ҳисобланади. Бипартизм шароитида ҳокимият учун

иккита партия кураш олиб боради. Ҳокимият учун курашда икки партиянинг монопол мавқени эгаллаши бошқа партияларнинг сиёсий майдондан четлашишига олиб келади. Ҳокимият иккита партия ўртасида «алмашинавереди», яъни бири ҳокимият тепасига келса, иккинчиси мухолафат мавқеини эгаллайди. «Мухолиф партиялар миллий тараққиёт учун муқобил дастурлар ишлаб чиқади ва жамоатчилик муҳокамасига ўз таклифларини беради, амалдаги ҳукумат фаолиятида мавжуд бўлган хато, нуқсонлар, суистеъмолчиликларни танқид қилади, бу билан ҳукуматни жамиятдаги мавжуд муаммоларни муваффақиятли ҳал этиш усулларини излаб топишга мажбур қилади. Масалан, Буюк Британия, Ҳиндистонда мухолиф партиялар томонидан «яширин кабинетлар» тузилади, унинг аъзоларига давлат хазинасидан маблағ тўланади ва улар баъзи имтиёзлардан ҳам фойдаланадилар, шу тариқа давлат ва жамият ҳаётидаги турли муаммоларни ҳал этишда фаол иштирок этадилар.

С. Е. Заславский таҳририда нашр қилинган «Сиёсий партияларнинг назарий асослари» ўқув қўлланмасида таъкидланишича, агар бир партияли тизим жамиятнинг нодемократик характеридан далолат берса, икки партияли ёки кўппартияли тизим сиёсий режим билан бевосита боғлиқ эмас. Бир партияли тизимнинг демократик шаклидан икки ёки кўппартиявий тизим ҳосил бўлиши мумкин. Шу билан бирга, икки партиявийлик тизими давлат бошқаруви, режими, шунингдек сайлов тизими билан боғлиқ ҳолда фаолият кўрсатади. Икки партияли тизим қарор топган муайян мамлакатда қандай бошқарув (президентлик ёки парламент) юзага келганлигига қараб, унинг биридан фарқли жиҳатлари кўринади.

АҚШда икки партияли тизимни ташкил этган – Республикачилар ва Демократлар – бир нечта оқим (фракция)ларга ажралиб кетганлигини кузатиш мумкин. Хусусан, Республикачилар бешта □анъанавий республикачилар, консерватив республикачилар (улар ҳам ўз навбатида молиячи консерватор, социал консерватор, палеоконсерватор, неоконсерваторларга), мўътадил республикачилар, либертариан республикачилар, либерал республикачилар □ оқимга, Демократлар ҳам тўртта (прогрессив демократлар, либертариан демократлар, консерватив демократлар, янги демократлар) оқимга ажралган.

АҚШда бу икки сиёсий партиядан ташқари, бошқа партиялар ҳам фаолият юритишига қарамасдан, сайловларда улар унча кўп овоз йиға олмайдилар. Мамлакатда сайловчилар асосан сиёсий майдондаги марказ партиялари (Республикачилар ва Демократлар)га овоз берадилар. Чунки марказ партиялари сайловчиларни «чўчитмайдиган», уларни ўзига жалб қила оладиган дастурларни тақдим этишади. Ўнг ва сўл қанот партияларининг сайловолди дастурлари камчилик, яъни ўта ўнг ёки ўта сўл қанот позициясини ёқловчи сайловчилар томонидан қўллаб-қувватланади. Масалан, 2008 йилда бўлиб ўтган президентлик сайловида кам сонли партиялар мустақил номзодлар билан биргаликда сайловчиларнинг 1,38% овозини олган, холос. Мустақил номзод Ральф Надер (0,56%), Озод партия – 0,41% ва Конституция партияси – 0,15 % овоз олиб, бошқаларига қараганда юқорироқ натижани кўрсатганлар, холос.

Икки партияли тизимда учинчи ва бошқа партиялар пайдо бўлса-да, аҳоли томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланмайди. Ўз навбатида, учинчи партия парламентда ҳам, давлат бошқаруви раҳбарлигига сайловда ҳам етарли овозга эга бўла олмайди. Масалан, икки партияли тизимнинг классик намунаси ҳисобланадиган Буюк Британияда 2015 йил 7 майда бўлиб ўтган сайловда либерал-демократик партия (учинчи партия) сайловчиларнинг 23,0 % овозини олиб, парламентда 650 ўриндан 56 тасини эгаллаган.

Юқорида биз бипартизмнинг классик намунаси қарор топган мамлакатлар мисолида ушбу тизимнинг бир-биридан фарқли ўзига хос миллий модели яратилганлигини кузатдик. Демак, бипартизм амал қилган мамлакатларда ҳам айнан ўхшаш партиявий тизим модели мавжуд бўлмайди. Фикримизча, бу давлат тузуми, бошқарув шакли, сайлов тизими ва мафкуралар майдони билан боғлиқ.

Умуман олганда, партиявий тизимнинг вужудга келиши жамиятнинг демократлашувига хизмат қилади. Партиявий тизимнинг ҳар бир тури ўзига хос манзарани ҳосил қилади, жамиятни ҳаракатга келтирувчи куч ҳисобланади. Демак, партиявий тизим жамиятда юзага келиб, бир партияли тизим қарор топган мамлакатларда у давлат ҳокимияти билан бирлашиб кетади, икки партияли тизим мавжуд

мамлакатларда эса давлат ҳокимиятини шакллантиришда иштирок этиб, бири давлат ҳокимиятини бошқарса, иккинчиси унинг фаолиятини назорат қилади ҳамда янги ғоя, таклиф ва тавсиялари билан тараққиётга ҳисса қўшади.

Кўппартиявийлик институтининг вужудга келиши – мамлакатда фуқаролик жамияти шаклланишининг энг муҳим белгиси ҳисобланади. Сиёсий партияларнинг шаклланиши ва ривожланиши жамиятда сиёсий тизимнинг самарадорлиги ҳамда давлатнинг демократик табиатини мустаҳкамлайди, фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларини таъминлайди. Жамиятда мавжуд сиёсий партияларнинг сони асосий мезон ҳисобланмай, унинг партиявий тизимда тутган ўрни ва тенглиги, партиялараро ўзаро алоқадорлик, давлат ва фуқаро ўртасида демократик институт сифатидаги аҳамияти муҳимдир.

Кўппартиявийлик тизими давлат ва фуқаролик жамияти ўртасидаги демократик институтдир. Кўппартиявийликда халқнинг манфаатларини ифодаловчи кўп векторли сиёсий-ҳуқуқий фаолият амалга оширилади. Бу эса жамият сиёсий тизимини яхшилаш ва мустаҳкамлашнинг муҳим механизмидир. Ҳақиқий кўппартиявийлик жамиятда бир неча партиянинг рўйхатдан ўтиб, фаолият кўрсатиши билан чекланмайди. Унда сиёсий партиялар фаолияти учун тенг сиёсий-ҳуқуқий макон яратилади, улар ўртасида ғоявий ва мафкуравий соғлом рақобат муҳити юзага келади, давлат ҳокимиятини шакллантиришда барча сайловчилар манфаатларининг уйғунлиги таъминланади.

Таъкидлаш жоизки, *кўппартиявийлик* икки ёки ундан ортиқ сиёсий партиянинг давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантириш, бошқариш ва назорат қилишда иштирок этишини таъминловчи сиёсий-ҳуқуқий тизимдир. Кўппартиявийлик тизими жамиятнинг барча қатламларини қамраб олади, яъни бундай тизим бошқа тизимларга нисбатан фуқарога танлов эркинлиги маконини кенгайтиради. Бу, ўз навбатида, мамлакатда сиёсий плюрализмни шакллантиради. Кўппартиявийлик тизимида партиялараро конструктив рақобат муҳити қарор топиши учун кенг шароит яратилади. Бу айниқса, ҳеч бири устун ёки етакчи бўлмаган кўппартиявийлик тизимида ўз самарасини беради. Жаҳондаги Дания, Бельгия, Австрия мамлакатларида шундай тизим қарор топган.

Айрим олимлар кўппартиявийлик тизимининг устунлик қилувчи тури ўзининг кўпроқ мукамал модификацияга эгалиги билан ажралиб туришини таъкидлашади. Тўғри, кўппартиявий тизимнинг етакчилик қилувчи тури барқарор ҳукуматни таъминлайди, лекин шу билан бирга узоқ вақт ҳокимият тепасида ва сайловларда ўзининг мавқеидан фойдаланиб, турғунлик ботқоғига ботиб қолиши мумкин. Кўппартиявийлик тизимининг устун бўлмаган ёки етакчи бўлмаган турида партиялар тенг ҳаракатни амалга ошириши, блокларга бирлашиши мумкин, шунингдек бундай пайтда амалий муҳолафат ва партиялараро рақобат муҳити учун зарур шароит яратилади. Бундан эса, албатта, электорат манфаатдор бўлади.

Кўппартиявийлик тизими ҳам бошқа барча партиявий тизимлар сингари идеал, яъни камчиликлардан холи эмас. Жумладан, профессор С. Адилходжаева кўппартиявийлик тизимининг қуйидаги камчиликларини санаб ўтади: 1) давлатнинг қонунчилик стратегиясини шакллантирадиган жамият аҳлининг кўпчилик қисми манфаатига жавоб бера оладиган кенг қамровли дастурни ярата олмайди; 2) сайловларнинг бевосита хусусиятга эгалиги, яъни сайловчининг йирик миллий ҳамда ўз тақдири билан боғлиқ бевосита қарорлар қабул қилиш жараёнларида иштирок эта олмаслиги, бу вазифа унинг вакили – депутат томонидан амалга оширилади; 3) кўп партиялардан ташкил топган парламент барқарор ва жипс бўлмаслиги, ҳукуматни қўллаб-қувватламаслигини тахмин қилиш мумкин. Ҳукуматнинг беқарорлиги парчаланган кўппартиявийлик учун олинган интиқомдир. Шунингдек, кўппартиявийлик тизими ўзининг бир қатор афзалликлари билан ажралиб туради. Булар қуйидагилардан иборат: тизим мувозанатини фақат марказ (сўл ва ўнг марказ) партиялари эмас, балки ўнг ва сўл қанот сиёсий кучлари ҳам таъминлаши; партиявий тизим тузилмасининг ўзида жамиятнинг тарихий йўли, миллий характери, этник ва диний турли-туманлиги акс этиши; электорат манфаатини тўлиқ қамраб олиш имконияти мавжудлиги; партиялараро рақобатнинг ўзига хослиги, яъни дастурларида белгиланган мақсад ва вазифаларни рўёбга чиқариш учун блокларга бирлашиши, коалицион ҳукумат тузиши, ўзаро консенсусга (муросага) киришиши; кенг

мафкуравий майдонда сиёсий плюрализмнинг қарор топиши назарда тутилади.

Дарҳақиқат, бипартизмнинг қаттиқлиги кўппартиявийлик тизимининг хилма-хиллиги ва мослашувчанлигига қарама-қарши қўйилади. Кўппартиявийлик тизимида парламент минбарида нафақат кам сонли партиялар, балки принципиал мухолафат ролини ўйнаётган ташкилотлар ҳам муносиб фаолият кўрсатиш ҳуқуқини олади. Бипартизм фаолиятида эса униси ҳам, буниси ҳам сиёсий сахнадан четлаштирилади.

Партиявий тизимда кўппартиявийлик беш даражали конструкцияда: бир вақтнинг ўзида ижтимоий, электорал, мафкуравий, парламент ва ҳукумат даражасида фаолият олиб бориши мумкин. Икки партияли тизимда, кўппартиявийлик тизимидан фарқли равишда, мафкуравий майдоннинг асоси марказга қаратилади, яъни бунда сайловчи кескинлик келтириб чиқарувчи чекка қанотларга қараганда марказни кўпроқ танлайди. Кўппартиявийлик тизимида мафкуравий макон четки сўл ва ўнг қанот оралиғида ҳосил бўлади. Демак, ушбу тизимда мафкуравий макон кўламининг кенглиги фуқарога танлов имкониятларини ҳам кенгайтиради.

Маълумки, муайян гуруҳлар ўз манфаат ва эҳтиёжларини ифодалаш мақсадида бирор партияга бирлашиши мумкин. Сиёсий партиялар эса, ўз навбатида, асосий функцияларидан келиб чиқиб, «демократик жамиятда фуқароларни бирлаштириш ва (муайян мақсадга. – С. Б.) сафарбар этиш; манфаатларни артикуляциялаш (қарор қабул қилувчи ташкилотлар учун талабларни баён этиш. – С. Б.) ва агрегациялаш (яъни манфаатларни умумлаштириш. – С. Б.); давлат сиёсатини ишлаб чиқиш; сиёсий лидерларни тўплаш; парламент ва ҳукуматни шакллантириш»¹, уюшган ижтимоий гуруҳ манфаатларини дастурларида эътироф этиш, давлат ҳокимиятини шакллантиришда ўзаро муносабатга киришиш (рақобат, блок, коалиция) вазифа-

¹ Extracted from Political Party Dialogue: A Facilitator's Guide. International IDEA, Strömsborg, 103 34 Stockholm, Sweden, 2013. – P. 24 // URL – <http://www.idea.int/publications/political-party-dialogue/upload/political-party-dialogue-part1.pdf>

ларини бажаради. Қайд қилиш жоизки, кўппартиявийлик тизими хилма-хил кўринишларига эга. Кўплаб мамлакатларда кўппартиявийлик учун асос бўлиб хизмат қиладиган бир нечта партиянинг қонуний фаолият юритиши учун тенг имконият яратиб берилади. Бу эса мавжуд партияларнинг ўз дастур ва уставларидаги вазифа ва мақсадлари, ғоя ва мафкуралари мамлакат қонунчилигига биноан амалга оширилишини таъминлайди.

Тадқиқотчи Р. Ароннинг таъкидлашича, кўп партияли режимларда ҳокимият ўз фаолиятини конституция асосида амалга оширади. Кўппартиявийлик ва конституциявий методнинг бирлиги режим олдидаги асосий муаммоларни аниқлаштиради. Кўппартиявийлик тартиби тарихий нуқтаи назардан конституциявий ёки либерал режимларнинг ворисидир. Уларга демократлаштириш сиёсати шароитида либерал кадриятларни сақлашга интилиш хосдир. Унинг самарали ишлаши учун ҳукумат етарли ҳуқуққа эга бўлиши, фуқароларнинг ҳуқуқларига риоя қилган ҳолда конституция талаблари доирасида амалга оширилиши лозим. Кўппартиявийлик тартибининг диалектикаси – бу либерализм ва демократия, демократия ва самарадорлик диалектикасидир... Кўппартиявийлик тизимида жамиятда эҳтирослар жўшқинлиги ҳамда манфаатлар тўқнашувига қарамасдан, давлат ҳокимияти фаолиятининг самарадорлиги ва конституцияга риоя қилиш таъминланишини сақлаб қолиш ниҳоятда зарур¹.

Дарвоқе, кўппартиявийлик тизими қарор топган мамлакатда конституция ва қонунларга амал қилинмас экан, бошбошдоқлик келиб чиқади. Бу эса мамлакатда сиёсий таназзул келтириб чиқаради. Қайд қилиш лозимки, Ўзбекистонда бу ҳодисага қарама-қарши ўлароқ, кўппартиявийлик миллий моделини ривожлантириш жараёнида Конституция ва қонунларга амал қилиш, шу билан бирга ахлоқ ва маънавият доирасида фаолият юритишга алоҳида эътибор қаратилади. «Сиёсий тизимда кўппартиявийлик қарор топган тақдирдагина давлат халқ манфаатларини ифода эта олиши ва жамиятдаги барқарорликнинг мустаҳкам негизларини ташкил қила олиши мумкин» (М. Дюверже).

¹ Арон Р. Демократия и тоталитаризм // URL – <http://www.biblioclub.ru/book/26468/>

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда кўппартиявийлик тизимида фуқаролик жамияти ва демократик ҳукуқий давлатнинг асоси сифатида қаралади. Зотан, Ислом Каримов таъкидлаганидек, «демократиянинг сифати партиялар сонининг кўп бўлиши билан белгиланмаслигини ҳам ёдда тутиш даркор. Ҳақиқатан ҳам, кенг ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилишга қодир бўлган сиёсий партиялар учун нормал сиёсий макон яратиб бериш муҳимдир. Партияларнинг пайдо бўлиши, уларнинг сони, дастурий йўл-йўриқларининг ўзига хослиги ва ҳоказолар эса ижтимоий манфаатлар йиғиндиси ва жамланиши орқали табиий йўл билан белгиланмоғи керак»¹. Шундай экан, қонуний фаолият натижасида ижтимоий барқарорликни таъминлаш, жамиятда табақалар ўртасидаги мувозанатни сақлаш, ўз дастурларида белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш кўппартиявийликнинг асосий мезони бўлиб қолади.

Жамиятда кўппартиявийлик тизими қарор топган экан, у ерда сиёсий партиялар ўзаро бир-бирини назорат қилади. Жамият ижтимоий-сиёсий тараққиёти учун кўппартиявийлик тизимининг юзага келишида унинг «юқори»дан эмас, «қуйи»дан шаклланиши самарали бўлади. Бундай ҳолатни Ўзбекистондаги тўртта партия фаолиятида кўришимиз мумкин. Уларнинг ҳар бири ўз дастурига эга бўлиб, жамият тараққиётининг у ёки бу соҳаларини қамраб олганлиги билан демократик тарзда иш олиб боради. Масалан, «Миллий тикланиш» ДП дастурининг муҳим вазифаларидан ҳисобланган фаолият: мамлакат аҳлини умумбашарий ва миллий қадриятлар, анъаналар ва удумлар ҳамда урф-одат ва расм-русумларни толерантлик асосида тарбиялашга йўналтиради.

Тоталитар жамиятда битта партиянинг якка ҳукмронлиги демократияни издан чиқаради, халқ ва ҳокимият бир-биридан бегоналашади, мамлакат таназзулга юз тутаяди. Бундай салбий ҳодисанинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизимида асосий эътибор қаратилди. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов раҳбарлигида жамиятни демократлаш-

¹ Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – Б. 152-153.

тириш ва модернизациялаш жараёни, аввало, коммунистик тоталитар тузум тартибларидан воз кечган, жаҳоннинг ривожланган давлатлари тажрибасини қиёсий-танқидий ўрганган ҳолда амалга оширилди. Бу эса Ўзбекистонда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда кўппартиявийлик тизимининг истиқболини объектив заруратга айлантди.

«Бироқ кўппартиявийлик – жамиятда бир партия ўрнига бир неча партиялар тузилган вазият, холос, деб ҳисоблаш тўғри бўлмайди. Партиялар бир нечта ва ҳатто, кўп ҳам бўлиши мумкин. Аммо уларнинг сиёсий жараёндаги иштироки рамзий бўлса, аъзолари сони кам ва ташкилий тузилиши номигагина бўлса, жамиятда кўппартиявийлик амалда мавжудлиги тўғрисида жиддий гап бўлиши мумкин эмас» (З. Исломов).

Дарҳақиқат, мамлакатда «уч партиядан чексизликкача» (Дювеже) бўлган партияларнинг бўлиши, лекин уларнинг рамзий жиҳатдан шаклланиши кўппартиявий тизим вужудга келганлигидан далолат бермайди. Аввало, кўппартиявий тизим ва бир нечта партияларнинг мавжудлиги ўртасида катта фарқ бор. Кўппартиявий тизим юзага келиши учун партиялар давлат ҳокимиятини шакллантиришда тенг ҳуқуқий имкониятларга эга бўлиши асосий талаблардан ҳисобланади.

Партиянинг асосий мақсади ҳокимиятни (*ижро ва вакиллик*) қўлга киритиш ва мансабларни бўлиб олиш эмас, балки ҳокимиятни шакллантиришда иштирок этиш ва партия ғояларини ҳаётга татбиқ этишдир. Айтиш жоизки, ушбу тизимда партиялар ўз электорати манфаатларини чинакам тарзда қўллаб-қувватлаши амалий аҳамият касб этади. Шунингдек, кўппартиявийлик тизими турли ижтимоий гуруҳларнинг манфаат ва эҳтиёжларини қўллаб-қувватлаш орқали сиёсий плюрализмни келтириб чиқаради. Ўз навбатида, сиёсий плюрализм ҳам кўппартиявийлик тизимини ривожлантирувчи муҳим омил ҳисобланади. Бу эса республикада кўппартиявийлик тизими миллий моделини ривожлантириш учун кенг имкониятларни вужудга келтирди.

Жамиятда фаолият олиб бораётган турли ижтимоий-сиёсий гуруҳлар ўз манфаатлари, мақсадлари ҳамда эҳтиёжларини ифодалаш

ва қарор топтириш учун сиёсий партия тузишга ҳаракат қилади. Мамлакатда бир неча сиёсий партиялардан иборат кўппартиявийлик тизими айнан улар томонидан юзага келади ва манфаатларини рўёбга чиқаришга ҳаракат қилади. Кўппартиявийлик тизимида муайян сиёсий партия монопол мавқени эгалламайди. Ҳақиқатан ҳам, кўппартиявийлик тизимини тоталитар давлатлар ўзи учун ёт деб билса, демократик тараққиёт йўлини танлаган мамлакатлар учун у муҳим ижтимоий демократик институтдир. Шу боис Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, мамлакатимиз сиёсий ҳаётида ҳақиқий маънодаги кўппартиявийлик муҳити қарор топиши даркор. Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган кўппартиявийлик тизими турли ижтимоий-сиёсий гуруҳлар манфаати ҳамда мақсад ва эҳтиёжларини ифода этади. Ўзбекистон Республикасида сиёсий партияларнинг ташкилотлари, уларнинг ҳуқуқий асосларини пайдо бўлиши билан боғлиқ шаклланиш жараёнлари асосан яқунланди (Дубков).

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирги пайтда Ўзбекистонда кўппартиявийликнинг ўзига хос миллий модели яратилди. Ўзбекистондаги кўппартиявийлик миллий моделининг асосий хусусиятлари қонуний фаолият натижасида ижтимоий барқарорликни таъминлаш, ижтимоий гуруҳлар ўртасида манфаатлар мувозанатини сақлаш, сиёсий партия ғояларини қонунларга сингдириш, дастурларида белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш бўлиб, бунинг натижасида турли ижтимоий қатлам, сиёсий гуруҳларнинг манфаат, мақсад ва эҳтиёжлари рўёбга чиқади.

Такрорлаш учун савол ва топшириқлар

1. Партиявий тизим деганда нимани тушунасиш?
2. Партиявий тизимнинг қарор топиши шартларини айтиб беринг.
3. Ж. Сартори партиявий тизимнинг нечта турини кўрсатган?
4. Бир партияли тизимнинг белгиларини айтиб беринг.
5. Икки партияли тизимнинг афзалликлари ва камчиликлари ҳақида нималарни биласиз?
6. Кўппартиявийлик тизимининг ўзига хос белгилари ҳақидаги фикрларингиз.

Бобга оид адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2014. – 76 б
2. Каримов И. А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011.– 440 б.
3. Адилходжаева С.М. Роль политических партий в механизме демократии. – Ташкент: ТГЮИ, 2009. – 82 с.
4. Арон Р. Демократия и тоталитаризм // URL – <http://www.biblioclub.ru/book/26468/>
5. Бальчиндоржиева О. Б. Модернизация китайского общества: социально-философский анализ: Автореф. дис. ... д-ра филос. наук. – Улан-Удэ, Бурятский государственный университет, 2015. – С. 28.
6. Болингброк. Письма об изучении и пользе истории. – М.: Наука, 1978. – 360 с.
7. Гоббс Т. Левиафан или материя, форма и власть государства церковного и гражданского // http://krotov.info/library/04_g/ob/bes_03.htm#19.
8. Дюверже М. Политические партии. – М.: Академический Проект, 2000 // URL – http://bookz.ru/authors/duverje-moris/duverje_m01.html.
9. Исаев Б. А. Теория партий и партийных систем: Учеб. пособие для студентов вузов. – М.: Аспект Пресс, 2008. – С. 298.
10. Исломов З.М. Ўзбекистон модернизациялаш ва демократик тараккиёт сари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – Б.53.
11. Основы теории политических партий: Учебное пособие / Под. ред. С.Е. Заславского. – М.: Европа, 2007. – С. 238
12. Хорижий мамлакатларнинг конституциявий ҳуқуқи: Дарслик / Масъул муҳаррир проф. А.А.Азизхўжаев. – Тошкент: ТДЮИ, 2010. – Б. 172; 187; 197-198; 199.
13. Minzner C. Countries at the crossroads 2011: China // URL – https://freedomhouse.org/sites/default/files/inline_images/ChinaFINAL.pdf.
14. Political parties: functions and organisation in democratic societies / Wilhelm Hofmeister and Karsten Grabow. – Singapore: Konrad Adenauer Stiftung, 2011. – P. 18.
15. Susan V. Lawrence, Michael F. Martin. Understanding China's Political System. March 20, 2013 // URL – <https://www.fas.org/sgp/crs/row/R41007.pdf>.

2-§. Ўзбекистонда кўппартиявий тизим ҳуқуқий муносабатларини такомиллаштириш

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига асосланган демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, кучли фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнларида кўппартиявийлик тизимига, мустақил, барқарор, фаол ва кенг аҳоли қатламлари (электорат) томонидан қўллаб-қувватланадиган сиёсий партиялар ҳамда бошқа жамоат бирлашмаларини шакллантиришга катта аҳамият берилди. Республикада кўппартиявийлик тизимининг миллий моделини ривожлантиришга мамлакат тараққиётининг бирламчи ва долзарб масалаларидан бири сифатида қаралмоқда. Шу сабабли ҳам, «давлат сиёсий партияларнинг, жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий манфаатларини муҳофаза этади, уларга ижтимоий турмушда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий эркинлик яратиб беради»¹.

Маълумки, ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар қонунлар билан тартибга солинади. Ўзбекистондаги сиёсий партиялар ҳам ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар субъектлари сифатида жамиятнинг барча соҳаларини ривожлантиришда иштирок этади. Шундай экан, жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий соҳаларини ривожлантириш учун сиёсий партиялар ёрдамида, фикрлар хилма-хиллигига асосланиб, ишончли ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш лозим. Зеро, «ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётнинг аниқ устувор йўналишларини белгилаб олишда сиёсий партияларнинг ролини кескин кучайтириш, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш бўйича стратегик вазифаларни ҳал этишда уларнинг иштирокини кенгайтириш демократик ислоҳотларни изчил амалга оширишнинг энг муҳим омилига айланмоғи зарур»². Бунинг натижасида сиёсий партияларнинг жамиятдаги нуфузи ортади, унинг фаоллиги объектив қонуниятга айланади. Демократик институтлардан бири «сиёсий партия

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б.126.

² Каримов И. А. Амалга ошираётган ислоҳотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти куриш – ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир асосий омилидир / URL – <http://akadmvd/files/Prezident/Pr-20131206-uzb.pdf>.

фуқароларнинг мақсад ва манфаатларини рўёбга чиқарадиган куч сифатида одамлар ҳаётидаги муаммолардан доимо хабардор бўлиши керак»¹. Бунинг учун эса, сиёсий партияларга кенг ҳуқуқий макон яратилиб, уларнинг ваколатлари янада кенгайтирилиши муҳим аҳамият касб этади.

Дарвоқе, сиёсий партияларнинг давлат бошқарувини такомиллаштиришдаги ролини кучайтиришнинг энг муҳим омиллари бўлган уларга кенг қонуний имкониятлар яратиб бериш, кўппартиявийлик тизими ривожини учун ҳуқуқий асосларни таъминлашга мустақилликнинг илк йилларидан катта эътибор қаратилди. Кўппартиявийлик тизимининг миллий моделини шакллантириш бўйича қонунчилик шарт-шароитлари – яқка партия ҳукмрон бўлган ижтимоий-сиёсий тизимдан ҳақиқий кўппартиявийлик тизимига, мафкуравий монополизмдан сиёсий плюрализмга (кўпфирклилик) ўтиш вазифаси амалда таъминланди.

Кўппартиявийлик тизимининг ҳуқуқий асослари ҳақида фикр юритганда, тадқиқотчи Б. А. Исаевнинг сиёсий партияларни институциялаштириш ва конституциялаштириш масалаларидаги фикрига тўхталиб ўтиш жоиз. Институциялаштириш кенг (сиёсий партияларнинг ҳокимият сингари жамиятга зарурлиги, ижобий тажрибага эгаллиги, функционаллигини тан олиш) ва тор (сиёсий партиялар фаолияти учун ҳуқуқий база яратиш, жамиятда уларнинг ўрни ва ролини қонун ҳужжатларида қайд қилиш) маъноларда тушунилса, конституциялаштириш деганда, партияларнинг ўрни ва роли Конституцияда мустаҳкамланиши ёки, ҳеч бўлмаса, ижтимоий-давлат институти сифатида Асосий қонунда тан олинишини кўрсатиб ўтиш назарда тутилади.

Мамлакатимизда сиёсий партиялар фаолияти институционал ва конституционал жиҳатдан тартибга солинган. Буни қуйидагиларда кўриш мумкин.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг сиёсий партиялар фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик тизими босқичма-бо-

¹ *Мирзиёев Ш. М.* Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови // URL – <http://uza.uz/oz/politics/onun-ustuvorligi-va-inson-manfaatlarini-taminlash-yurt-tara--07-12-2016>.

сқич яратилди. Бу эса Ўзбекистондаги сиёсий партияларнинг фаолиятини ривожлантириш жараёнида алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон сиёсий партиялари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини сиёсий партияларга оид халқаро ҳуқуқ нормалари, ЎзРнинг сиёсий партиялар фаолиятига бевосита ёки билвосита алоқадор қонун ҳужжатлари ташкил этади.

1. Халқаро ҳуқуқ нормалари акс этган ҳужжатлар қуйидагилардир: Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги, Ирқий камситишнинг барча шаклларини тугатиш тўғрисидаги Конвенциялар;

2. ЎзРнинг сиёсий партиялар фаолиятига:

а) бевосита алоқадор қонунлари қуйидагилар: ЎзРнинг Конституцияси, ЎзРнинг «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонуни, «Жамоат бирлашмалари тўғрисида», «Сиёсий партиялар тўғрисида», «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги қонунлар;

б) билвосита боғлиқ қонун ҳужжатлари қуйидагилар: «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида», «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси тўғрисида», «Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунлар ва ҳ.к.

Келтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар доирасида мамлакатимиздаги сиёсий партиялар фаолияти тартибга солинмоқда. Жумладан, БМТ Бош Ассамблеясининг 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»нинг 20-моддаси 1-бандида – ҳар бир инсон тинч йиғинлар ўтказиш ва уюшмалар тузиш ҳуқуқига эга эканлиги, 2-бандида – ҳеч ким бирор уюшмага киришга мажбур қилиниши мумкин эмаслиги таъкидланган. Фуқаролик ва

сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Пактнинг 22-моддасида ҳар бир инсон учун бошқалар билан ассоциациялар тузиш эркинлиги белгиланган. Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги Конвенциянинг 7-моддаси «в» бандида аёлларга ҳам мамлакатнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётига доир муаммолар билан шуғулланадиган ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар ва уюшмаларнинг фаолиятида қатнашиш ҳуқуқи берилган. Ирқий камситишнинг барча шакллари тугатиш тўғрисидаги конвенциянинг 5-моддаси IX бандида ҳар бир шахс тинч йиғилишлар ва уюшмалар тузиш (бирлашиш) эркинлиги ҳуқуқига эгаллиги қайд этилган. Халқаро шартномалар бўйича ҳар бир инсонга уюшмалар, шу жумладан, сиёсий партиялар тузиш, уларнинг фаолиятида иштирок этиш, ўзининг сиёсий фаоллигини эркин амалга ошириш ҳуқуқлари берилганлиги катта эътиборга моликдир.

Таъкидлаш керакки, 1992 йил 8 декабрда ЎзРнинг Конституцияси қабул қилиниши, унда бир қатор энг муҳим ва асосий тушунчалар ҳамда принципларнинг мустаҳкамланиши мамлакатда парламентар демократияни, жаҳон андозаларига мос келувчи сиёсий плюрализм ва кўппартиявийлик миллий моделини шакллантириш учун ҳуқуқий асос яратилишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Унда Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий тизимида партиялар фаолиятининг таянч принциплари белгилаб берилди. ЎзР Конституциясининг айрим моддалари сиёсий партиялар фаолиятини тартибга солувчи муҳим демократик механизм сифатида хизмат қилади. Ҳақиқатан ҳам, Конституциямизда илк бор мамлакатдаги ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллиги асосида ривожланаётганлиги эътироф этилди. У фуқароларнинг сиёсий партиялар ва ижтимоий ҳаракатларга эркин бирлашиш ҳуқуқи асосида сиёсий партияларнинг фаолият кўрсатишига мустаҳкам ҳуқуқий замин яратди.

Фуқаролар сиёсий партиялар воситасида сайланган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини шакллантириш, бошқариш ва назорат қилиш имкониятига эга бўлдилар. Давлат уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимояланишини, уларга мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида иштирок этишлари учун тенг ҳуқуқий имко-

ниятлар берилишини кафолатлади. ЎзР Конституциясининг 34-моддасида «ЎзР фуқаролари касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқи»га эғалиги қайд этилди. Асосий қонунимизда белгиланган мазкур норма орқали сиёсий партиялар фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларини амалга оширишда иштирок этмоқда.

Кўппартиявийлик тизимининг миллий модели қарор топган мамлакатимизда халқимизнинг манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилишга қодир бўлган сиёсий партиялар учун ижтимоий-сиёсий ҳамда ҳуқуқий макон яратилди. Бу ЎзР Конституциясининг 12-моддасида эътироф этилган: «Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас». Фикрлар плюрализмига эркинлик берилиши фуқароларнинг муайян сиёсий институтларга, жумладан, партияларга ихтиёрий уюшишини таъминлаб берди.

Конституциямизнинг 57-моддасида: «...миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланади». Мазкур норманинг қонунчиликда ўз ифодасини топиши, биринчидан, мамлакатда муайян бир миллат ёки динга устуворлик берилмаганлигидан далолат беради. Иккинчидан, миллий мафкуранинг миллатлараро ҳамжиҳатлик ва диний бағрикенглик ғоялари умуминсоний кадрият сифатида эътироф этилиши билан боғланади. Учинчидан, айрим хорижий давлатларда бўлгани сингари шундай руҳдаги партияларнинг тузилиши ва фаолият юритиши ижтимоий-сиёсий барқарорликка путур етказди, бошбошдоқликни келтириб чиқаради, экстремистик кайфиятдаги кучларнинг ривожланишига олиб келади. Тўртинчидан, мамлакатимизда диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган. Улар бир-бирларининг фаолиятига аралашмайди. Шундай экан, Ўзбекистонда диний руҳдаги партияларнинг тузилиши мумкин эмас. Чунки бу, аввало, қонунчилигимизга зид, иккинчидан, мамлакатимизда дин давлатдан ажралган. Дин давлат ишларига аралашмайди. Кўп конфессияли, кўп миллатли давлатларда миллий ва диний руҳдаги партиялар тузилишига шароит

яратилиши шу турдаги партиялар томонидан миллий ёки диний низолар келтириб чиқарилишини объектив ҳодисага айлантиради. Учинчидан, бирор партияга устунлик берилиши кам сонли конфессиялар, кўпмиллатли давлатларда турли конфессияга мансуб фуқаролар ёки миллатларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари чекланишига олиб келиши мумкин.

Масалан, Тожикистонда ташкил топган Тожикистон ислом уйғониш партияси 1992-1997 йиллардаги фуқаролар урушида Бирлашган тожик муҳолафати томонида туриб ҳукумат қўшинларига қарши уруш олиб борган. Ёки Сурияда 1932 йилда ташкил этилган Сурия миллий-социал партияси Сурия, Ливан, Ироқ, Қувайт, Исроил, Кипр, Иордания мамлакатлари ҳудудини бирлаштирган Буюк Сурия давлати тузишни мақсад қилиб қўйган. Бу, аввало, мазкур давлатлар суверенитетига таҳдиддир.

Таъкидлаш зарурки, айрим мамлакатларда миллий руҳдаги партиялар тузилиши қонун билан тақиқланган. Масалан, Австрияда 1945 йил 8 майда «Германия миллий-социалистик ишчилар партияси (ГМСИП)ни тақиқлаш тўғрисида» қонун қабул қилинган. Унга асосан, нафақат ГМСИП ва шунга ўхшаш ташкилотларнинг фаолият кўрсатиши, балки уларни қайта ташкил этиш ҳам тақиқланган (1.1-§), шунингдек бу тақиқларнинг бузилишига қарши жиноий жавобгарлик белгиланган (3-§ «а»).

ЎЗРнинг «Жамоат бирлашмалари тўғрисида», «Сиёсий партиялар тўғрисида», «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги қонунлари, «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги конституциявий қонун ҳамда 2011 йил 18 апрелдаги ЎЗР Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги (мавзуга тегишлича 93-модда 15-банди, 98-моддаси), 2014 йилнинг 20 январидан қабул қилинган ЎЗРнинг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунлар ҳам сиёсий партияларнинг жамиятдаги ўрни ва роли юксалишига, сиёсий ҳаётда фаол ҳаракатлантирувчи кучга айланишига кенг шароит ва имкониятлар яратди.

Шунингдек, ушбу қонунлар мамлакатда кўппартиявийлик тизимининг ривожланишига зарур ҳуқуқий макон яратиб берди. Ҳозирги пайтда Ўзбекистондаги сиёсий партиялар юқорида келтириб ўтилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида жамиятнинг барча соҳаларида, миллати, дини, ижтимоий келиб чиқиши, ирқи, жинсидан қатъи назар, ўз электоратининг манфаатини ифодаламоқда.

Ўзбекистонда сиёсий партиялар фаолияти учун эркин маконни яратиб беришга ҳаракат нафақат мустақиллик йилларида, балки мустақилликка эришиш арафасидаёқ бошланган эди. ЎзР Олий Кенгаши томонидан 1991 йил 15 февралда қабул қилинган «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонун шулар жумласидандир. Ушбу қонун республикадаги жамоат бирлашмалари фаолиятини тубдан ислоҳ қилишга, уларнинг яккаҳоким мафкурадан покланишига, шунингдек жамоат бирлашмаларини давлат ва ҳукумат тизимидан ажратишга ҳуқуқий шарт-шароитлар яратди. Мазкур қонунда республика ижтимоий-сиёсий ҳаётида биринчи марта жамоат бирлашмаларининг мақсадлари халқаро ва демократик мезонлар асосида таърифлаб берилди: «Ўз ҳуқуқлари, эркинликларини ҳамда сиёсат, иқтисодиёт, ижтимоий ривожланиш, фан, маданият, экология ва ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги қонуний манфаатларини биргаликда рўёбга чиқариш учун бирлашган фуқароларнинг хоҳиш-иродаларини эркин билдиришлари натижасида вужудга келган ихтиёрий тузилма жамоат бирлашмасидир».

Демак, мамлакатда илк бор жамоат бирлашмаларининг мустақиллиги, уларнинг давлат ва ҳукуматдан алоҳида фаолият юритувчи субъект эканлиги тан олинди. Қонунда давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг – жамоат бирлашмалари фаолиятига, шунингдек жамоат бирлашмаларининг давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг фаолиятига аралashi мумкин эмаслиги белгилаб қўйилди. Бу қонун мамлакатимизда вужудга келган илк сиёсий партиялар фаолиятини ҳам тартибга солиб турди.

Таъкидлаш жоизки, ЎзРнинг 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонуни мамлакат қонунчилиги тарихида демократик институтларга қаратилган эътиборнинг муҳим

кўринишларидан бири ҳисобланади. Республикада мазкур қонун орқали мавжуд сиёсий партияларнинг фаолияти тартибга солинмоқда. Жаҳонда илк бор «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонун 1967 йилда Германияда қабул қилинган бўлса, сиёсий партияларга қисман боғлиқ қонун биринчилардан бўлиб Францияда вужудга келган. Францияда 1901 йил 1 июлда «Ассоциация (уюшма)лар тўғрисида» қонун қабул қилиниб, 1910 йилдан бошлаб сиёсий партияларга қонун бўйича сайловларда иштирок этиш имконияти яратилган (А.В. Курочкин). Жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида (Австралия, АҚШ (федерал даражада) ва Швейцария) махсус сиёсий партияларга бағишланган норматив-ҳуқуқий ҳужжат мавжуд эмас. Австралияда сиёсий партиялар фаолияти 1918 йилда қабул қилинган «Ҳамдўстлик сайлов акти» орқали тартибга солинади. Қонунинг XI қисмига мувофиқ сиёсий партиялар Австралия сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинади¹. Швейцария Конфедерацияси Федерал Конституциясининг (1999 йил 18.04.) 137-моддасида сиёсий партиялар ижтимоий фикр ва халқ иродасини шакллантиришга ёрдам беради², дейилган. Шунингдек, АҚШнинг Калифорния штати Конституциясининг 2-моддаси 6-бўлимида: «Ҳеч бир сиёсий партия ёки партиянинг марказий комитети партияга аъзо бўлмаган номзодни таклиф қилиш, қўллаб-қувватлаш ёки унга қарши чиқиш ҳуқуқига эга эмас»³, деб кўрсатилган.

Айрим мамлакатларда сиёсий партияларнинг фаолияти алоҳида қонунлар билан тартибга солинган. Чунончи, Германия (1967 йил), Австрия (1975 йил), Исроил (1992 йил), Бразилия (1995 йил), Буюк Британия (1998, 2000 йиллар) мамлакатлари шулар жумласига киради. Шунингдек, МДҲга аъзо мамлакатлар – Россия, Озарбайжон, Беларусь, Қирғизистон, Қозоғистон, Молдова, Тожикистон мамлакатларида ҳам сиёсий партиялар тўғрисидаги қонунлар амал қилмоқда.

¹ Australian Electoral Commission // URL – http://aec.gov.au/Parties_and_Representatives/Party_Registration/guide/intro.htm.

² Constitution fédérale de la Confédération suisse // URL – <http://business-swiss.ch/wp-content/uploads/2014/07/constitution-of-switzerland-fr.pdf>.

³ Конституция штата Калифорния (штат США) // URL – <http://worldconstitutions.ru/?p=173>.

Таъкидланганидек, Ўзбекистонда ҳам сиёсий партиялар тўғрисидаги алоҳида қонун мавжуд бўлиб, унда: «Сиёсий партия ЎЗР фуқароларининг қарашлар, манфаатлар ва мақсадлар муштараклиги асосида тузилган, давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда жамият муайян қисмининг сиёсий иродасини рўёбга чиқаришга интилувчи ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини идора этишда қатнашувчи кўнгилли бирлашмасидир», деб таърифланган. Ҳақиқатан ҳам, сиёсий тизимнинг энг фаол субъектларидан бири сиёсий партиялар ҳисобланади.

Фанда сиёсий партия, унинг моҳияти ва белгиларини англатувчи бир қанча таърифлар ишлаб чиқилган. Немис мутафаккири Р.Михельс: «Партия – бу фақат мақсадга эришиш воситаси» деган фикрни билдирса, сиёсатчи ва социолог М.Я.Острогорский «Демократия ва сиёсий партиялар» деб номланган асариде «Партия ўз табиатига кўра фуқароларнинг эркин уюшмаси ҳисобланади», – дейди. Ёки ҳуқуқшунос Ю.Юдиннинг фикрича, сиёсий партия сиёсий жараёнларда иштирок этишдан асосий мақсади давлат ҳокимиятини конституция асосида ва амалдаги қонунлар доирасида эгаллаш ва амалга ошириш (ёки амалга оширишда иштирок этиш) ҳуқуқига эга жамоат бирлашмасидир.

Лекин шуни таъкидлаш лозимки, ҳар доим ҳам сиёсий партиялар томонидан давлат ҳокимияти қонунлар доирасида шакллантирилмайди. Айрим ҳолларда сиёсий партиялар ҳокимиятни кўзғолонлар, инқилоблар, тўнтаришлар орқали эгаллайди. Бундай партияларни «сиёсий партия» деб баҳолаш мумкин-ми? Уларнинг фаолияти «сиёсий партия»нинг моҳиятига зид. Демак, уларни «уюшган жиноятчилар» десак тўғри бўлади. Уруш, кўзғолон, инқилоблар жамиятнинг боши берк кўчага кириб қолишига олиб келади. «Уюшган жиноятчилар» бундай салбий ҳодисаларнинг ташаббускорига айланади. Сиёсий партиянинг мақсади эса инқилоб, давлат тўнтаришлари орқали электорат манфаатини ифодалаш, уни рўёбга чиқариш эмас, балки тинч, парламент йўли билан, қонун доирасида, ахлоқ ва маънавият измида, партиялараро соғлом рақобатга киришган ҳолда фаолият юритиш ҳисобланади. Маданияти юксак жамиятда муаммоли ҳолатлар муросага келиш орқали ҳал этилади. Шубҳасиз, бундан нафақат

электорат, балки халқ, жамиятнинг барча қатламлари манфаатдор бўлади.

ЎЗРнинг Биринчи Президенти Ислон Каримов сиёсий партияларни таърифлаб, шундай деган эди: «Партия дегани – бу мансаб учун, лавозим учун кураш эмас, балки муайян ғоя учун, унинг жамиятда устувор бўлиши ва рўёбга чиқиши учун кураш демакдир». Айрим олимлар «партия» тушунчасининг мазмунига сайлов жараёнларида иштирок этиш, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятни эгаллаш учун интилиш каби жиҳатларни ҳам киритишган.

Юқоридаги фикрларни умумлаштирган ҳолда сиёсий партияларга қуйидагича таъриф бериш мумкин: *сиёсий партия давлат ҳокимиятининг қонуний алмашувини таъминловчи, ўз ғоя ва мафкураси, бошқарув тузилмаси, электорати ва ҳаракат дастурига эга бўлган фуқароларнинг ихтиёрий сиёсий уюшмасидир*. Демак, сиёсий партия – давлат ҳокимиятини сайлов орқали шакллантирувчи демократик институтдир.

«Сиёсий партиялар тўғрисида»ги ЎЗР қонунининг 4-моддасига биноан, ЎЗРнинг фуқароси фақат битта сиёсий партияга аъзо бўлиши мумкин. Маълум бир партияга аъзолигига кўра, унга нисбатан чеклаш, имтиёзлар ёхуд устунликлар берилмайди. Айтиш жоизки, Ўзбекистон қонунчилигига мувофиқ Президент ваколат муддати давомида ҳар қандай партияга аъзолигини тўхтатади.

Шу ўринда эслаш жоизки, Лорд Болингброк ўзининг «Ватанпарвар қирол ҳақида фикр» асарида ватанпарвар қирол партия манфаатларидан ўзини устун тутса ёки партияга хайрихоҳликдан воз кечса, бу унинг ҳақиқий фазилатларидандир, ким бундан бошқача йўл тутса, бу мақомга эгалик ҳуқуқини йўқотади, деган фикрни билдирган.

Шунингдек, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддаси тўртинчи қисмида судьялар, прокурорлар ва прокуратура терговчилари, ички ишлар идоралари ва миллий хавфсизлик хизматининг ходимлари, ҳарбий хизматчилар, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам сиёсий партияларга аъзо бўла олмаслиги кўрсатиб ўтилган. Чунки Конституция ва тегишли қонун ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқ-

ни муҳофаза қилиш идоралари хизматчилари маълум бир гуруҳ ҳуқуқи ва манфаатларини ифодаламасдан, умумхалқ ва умумдавлат манфаатлари ва мақсадларини кўзлаб фаолият юритадилар. Шу боисдан ҳуқуқ-тартибот идораларининг ходимлари ва ҳарбий хизматчилар сиёсий партияларнинг аъзолари бўла олмайдилар.

Мамлакатимизда сиёсий партиялар жамият аъзоларининг талаби ва объектив ижтимоий зарурат туфайли рўйхатга олинади. Бу талаб мамлакат фуқароларининг сиёсий партияга эҳтиёжи ва унинг рўйхатдан ўтишини қўллаб-қувватлаши билан изоҳланади. Хусусан, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонуннинг 6-моддаси биринчи қисмида белгиланганидек, сиёсий партия тузиш учун камида 8 та ҳудудий субъектда (вилоятда), шу жумладан, ҚР ва Тошкент шаҳрида яшаётган ҳамда партияга бирлашиш истагида бўлган камида 20 минг фуқаронинг имзоси бўлиши талаб этилади. Сиёсий партияларни рўйхатга олиш учун талаблар турли мамлакатларда турлича. Жумладан, Канада қонунчилигига кўра, сиёсий тизимнинг қонуний субъекти сифатида рўйхатдан ўтиш учун сиёсий партиялар сайловчи ҳисобланган 250 нафар аъзога эга бўлиши ҳамда камида битта сайлов округидан номзод кўрсатиши керак¹.

Ўзбекистонда сиёсий партиялар Адлия вазирлигида рўйхатга олинади. Уларнинг фаолиятини тугатиш эса Адлия вазирлиги ёки Бош прокурор тақдимномасига биноан ЎЗР Олий судининг қарори билан амалга оширилади (Қиёслаш учун, Буюк Британия, Австралия, Мексика каби мамлакатларда эса сиёсий партияларни Сайлов комиссияси рўйхатдан ўтказди). Қонуннинг 8- ва 9-моддаларида ЎЗРда сиёсий партияларни рўйхатга олиш ва рад этиш механизмлари белгилаб берилган. Етарли асос бўлган ҳолларда янги ташкил этилган сиёсий партиянинг низомини (ёки амалдаги партия низомига киритилаётган ўзгартишларни) рўйхатдан ўтказиш рад этилади. Бундан ташқари, сиёсий партияларнинг вилоят, туман ва шаҳар бўлимлари тегишли ҳудудий адлия идораларидан хабарнома орқали рўйхатдан ўтишлари шарт.

¹ *Makarenko J.* Political Parties and the Party System in Canada: History, Operation and Issues / URL – <http://mapleleafweb.com/features/political-parties-and-party-system-canada-history-operation-and-issues>

«Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонуннинг 10- ва 11-моддаларида сиёсий партиялар фаолиятини тўхтатиш ва тугатиш шартлари ҳамда тартиби белгилаб берилган. Зеро, агар сиёсий партия амалдаги қонунчиликни бузаётган бўлса, унинг фаолияти ЎзР Адлия вазирлиги ёки мамлакат Бош прокурорининг тақдимномасига биноан ЎзР Олий судининг қарори билан тўхтатиб қўйилиши ёки тугатилиши мумкин. Қиёслаш учун, Россия Федерацияси «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонунининг 37-модда 2-бандида сиёсий партия етти йил муддат давомида сайловларда иштирок этмаса, уларнинг фаолияти суд тартибда тўхтатилиши белгилаб қўйилган¹.

Бу билан мамлакатдаги сиёсий партияларга сайловларда фаол иштирок этиш мажбурияти юкланмоқда. Натижада сиёсий партиялар сиёсий маконда ўз ўрнини сақлаб қолиш учун ҳам ҳаракатга келади. Сайловолди кампанияси даврида юзага келган турли ижтимоий, сиёсий ва сайловда қатнашиш билан боғлиқ талаблар (хусусан, Президент сайловида сайловчиларнинг 1%, парламент сайловларида эса 40 минг сайловчининг имзосини тўплаш талаби)ни бажариш учун янада фаол курашиш таъминланади.

«Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонунда жамоат уюшмаларининг ўзига хос ташкилий-ҳуқуқий шакли – сиёсий партияларнинг ҳуқуқлари илк бор норматив-ҳуқуқий даражада мустаҳкамлаб қўйилди (12-модда). Булар ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни эркин тарқатиш, ўз ғоя, мақсад ва қарорларини тарғиб қилиш; сайлаб қўйиладиган давлат органларидаги ўз вакиллари орқали тегишли қарорларни тайёрлашда иштирок этиш; қонунда белгилаб қўйилган тартибда ЎзР Президенти, давлат ҳокимияти органлари сайловларида иштирок этиш; партия фаолияти билан боғлиқ йиғилиш, конференция ва бошқа тадбирларни ўтказиш; қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда оммавий ахборот воситалари таъсис этиш ва бошқа оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш; мамлакатнинг бошқа сиёсий партиялари билан иттифоқ (блок) тузиш, улар ҳамда бошқа жамоат

¹ Федеральный закон от 11.07.2001 №95-ФЗ (ред. от 21.07.2014) «О политических партиях» / URL – http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_166214/?frame=7

бирлашмалари билан шартнома муносабатлари ўрнатиш назарда тутилади.

«Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонунда ЎзР Олий Мажлисида (2005 йилдан – Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасида) сиёсий партиялар фракцияларини шакллантириш тартиби ҳамда ҳуқуқларини белгилаб берувчи қоидаларнинг мустаҳкамлаб қўйилиши алоҳида аҳамият касб этди. 2005 йил февралда мамлакатда икки палатали парламент шакллантирилгач, ушбу Қонуннинг сиёсий партиялар фракциялари ҳақидаги моддаси «ЎзРнинг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги конституциявий қонунининг тегишли моддалари билан тўлдирилди ва мустаҳкамланди. «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонун (ЎзРнинг 2014 йил 20 январдаги ЎРҚ-365-сонли қонунига асосан «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонуннинг 14-моддасига ўзгартиш киритилган, 14¹-модда қабул қилинган) ҳамда «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги конституциявий қонунда ҚР Жўқорғи Кенгеси ҳамда давлат ҳокимиятининг маҳаллий вакиллик органларидаги партия гуруҳлари фаолияти тартибга солинган.

Энг муҳими, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонун орқали давлат зиммасига сиёсий партияларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимояланишига кафолат бериш вазифаси (5-модда) ҳамда сиёсий партияларнинг низомларида кўрсатилган мақсадларини амалга оширишлари учун тенг шароитлар яратиб бериш мажбурияти юклатилди. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахсларига сиёсий партияларнинг ички ишларига аралашиб ўтириш ёхуд уларнинг қонун ва низомлари доирасида амалга ошираётган фаолиятига у ёки бу даражада тўсқинлик қилиш тақиқланади.

Сиёсий партиялар фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базасини ривожлантириш иши 2002 йил 27 январда бўлиб ўтган референдумдан кейин умумхалқ овози билан қўллаб-қувватланган парламент ислоҳоти доирасида давом эттирилди. Ушбу ислоҳотнинг бирламчи вазифаларидан бири мамлакатнинг янги икки палатали парламенти-нинг қўйи – Қонунчилик палатасида тўлақонли партия вакиллигини

таъминлашдан иборат эди. Мазкур вазифадан келиб чиққан ҳолда, Қонунчилик палатаси кўппартиявийлик тизими асосида шакллантирилиши мустаҳкамлаб қўйилди. Биринчи марта мамлакат парламенти ҳақидаги қонунчилик ҳужжатларига («Ўзбекистон Республикасининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги конституциявий қонун ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламенти тўғрисида»ги қонун) сиёсий партияларнинг парламентдаги фракцияларини тузиш тартиби ва улар фаолиятини меъёрга солувчи ҳамда «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонун моддаларини сезиларли даражада кенгайтирувчи ҳужжатлар мажмуаси киритилди.

Дарҳақиқат, республикада партия ва жамоат уюшмаларини ривожлантириш, сиёсий партияларнинг ғоя ва мафкуралари орқали сайловолди платформаларини шакллантириш, аҳолининг умумий сиёсий-ҳуқуқий маданиятини оширишнинг қонунчилик асосларини такомиллаштиришга урғу берилмоқда. Шу билан бирга, конституциявий тузумни куч билан ўзгартиришни мақсад қилиб олган, мамлакатнинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлиги, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб этувчи, миллий ва диний кўринишларда халқнинг саломатлиги ва ахлоқига тажовуз қилувчи сиёсий партияларнинг тузилиши ва фаолият кўрсатиши қонун билан ман этилган.

Ҳозирги пайтда сиёсий партияларга, кўппартиявийлик тизимини янада ривожлантиришга эътибор қаратилаётганлигини 2014 йил 20 январда қабул қилинган ЎЗРнинг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунда ҳам кўриш мумкин. «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонунга 14¹-модда киритилиб, амалда қўлланилмоқда. *Киритилган ушбу ўзгартиш ва қўшимчаларнинг аввалги таҳрирдаги қонундан бир қатор фарқли жиҳат ва афзалликлари мавжуд.* Биринчидан, қонунда маҳаллий Кенгашларда фаолият юритаётган партия гуруҳи, унга аъзолик, рўйхатдан ўтказиш, тузиш, фаолиятининг тугатилиши, бундан ташқари, партия гуруҳларининг ҳуқуқлари алоҳида моддада (14¹-модда) берилди. Иккинчидан, ушбу қонунда «партия гуруҳи» тушунчасига аниқлик киритилиб, «сиёсий партиядан кўрсатилган депутатлар томонидан партия манфаатларини

ҚР Жўқорғи Кенгесида, халқ депутатлари Кенгашида ифодалаш мақсадида тузиладиган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган депутатлар бирлашмаси» сифатида таърифланди. Кўппартиявийлик тизими шароитида партия гуруҳлари фаолиятининг ҳуқуқий таъминланиши жамиятда соғлом рақобатнинг юзага келишига, ҳар бир партия ўз вакиллари орқали дастурда белгиланган вазифаларни маҳаллий Кенгашларда кўриб чиқиши ва ижросини таъминлашга эришиш имконига эга бўлади. Бундан эса, албатта, халқ манфаатдор бўлади.

Шунингдек, сиёсий партиянинг жамиятдаги нуфузи, ривож ва истиқболи бир қатор *омилларга*, жумладан: 1) низоми ва дастурини доимо такомиллаштириб боришига, 2) сайловолди дастурида белгиланган вазифаларни бажариб, фуқароларнинг ишончини қозонишига, 3) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда нодавлат ноижорат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш бўйича шартномалар (дастурлар)нинг муқаррар тарзда бажарилишини таъминлашига боғлиқ. Ушбу талабларнинг сиёсий партиялар томонидан рўёбга чиқарилиши ижобий натижаларини беради.

Сиёсий партияларни молиялаштириш масаласи ҳам муҳим бўлиб, унга доир муносабатлар ЎзРнинг 2004 йил 29 апрелда қабул қилинган «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги қонунда тартибга солинган. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши кўппартиявийлик тизимини ривожлантириш, партиялар ўртасида амалий рақобатни юзага келтиришда ниҳоятда муҳим. Шунингдек, мамлакатимиздаги сиёсий партиялар ижтимоий ва сиёсий ҳаётда тўлақонли иштирок этиши, фуқаролик жамиятида ўз вазифаларини тўла адо эта олишлари учун мустаҳкам молиявий заминга эга бўладилар. Қонуннинг 3-моддасига биноан, уларнинг манбаларини «аъзолик бадаллари, агар сиёсий партиянинг уставида бундай бадалларни тўлаш назарда тутилган бўлса; қонун ҳужжатларига мувофиқ тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар; Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг ушбу Қонунга мувофиқ ажратиладиган маблағлари; Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари ва фуқаролари томонидан ушбу қонунга мувофиқ бериладиган хайр-эҳсон» ташкил этади.


Мазкур қонуннинг 2-боби сиёсий партияларни давлат томонидан молиялаштириш масалаларига бағишланган. Яъни, унда сиёсий партияларнинг уставда назарда тутилган фаолияти, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ва давлат ҳокимиятининг бошқа вакиллик органларига сайловларда иштирок этганлиги, Қонунчилик палатасидаги сиёсий партия фракцияларининг фаолиятини давлат томонидан молиялаштириш, шунингдек, давлат томонидан молиялаштириш манбаи ва уни ажратиш тартиби, сиёсий партияни давлат томонидан молиялаштиришни тўхтатиб туриш ёки тугатиш масалалари ўз аксини топган. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 16 мартдаги «Сиёсий партияларнинг уставда назарда тутилган фаолиятини давлат томонидан молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 86-сон Қарорига мувофиқ «...сайловлар якунлари бўйича тегишли сиёсий партиядан Қонунчилик палатаси фракциясини ташкил этиш учун зарур бўлган камида тўққиз депутат сайланган бўлса, ўзининг уставда назарда тутилган фаолиятини молиялаштириш учун давлат маблағларини олиш ҳуқуқига эга бўлади».

Мамлакатимизда сиёсий партияларнинг уставларида белгиланган фаолияти давлат томонидан молиялаштирилиши учун у Қонунчилик палатасида ўз фракциясига эга бўлиши лозим. «Сиёсий партияларнинг уставда назарда тутилган фаолиятини молиялаштириш учун ажратиладиган давлат маблағларининг йиллик ҳажми шу маблағларни ажратиш мўлжалланаётган йилдан олдинги йилнинг 1 январидаги ҳолатга кўра белгиланган энг кам иш ҳақининг икки фоизини Қонунчилик палатасига ўтказилган охириги сайловда сайловчилар рўйхатига киритилган фуқаролар сонига кўпайтмаси миқдоридан шакллантирилади». Мисол тариқасида 2016 йил давлат бюджетидан сиёсий партияларни давлат томонидан молиялаштирилишини тахминий равишда кўриб чиқамиз. 2015 йил 1 январь ҳолатига кўра, республикамизда энг кам иш ҳақи 118 400 сўмни ташкил этган, унинг 2 фоизи 2368 сўм бўлади. Республикада охириги марта 2014 йил 21 декабрда Қонунчилик палатасига сайлов бўлиб ўтди. Сайловда сайловчилар рўйхатига 20 миллион 789 минг 572 нафар фуқаро киритилди. Бу рақамни 2368 сўмга кўпайтирсак, 49 229 706 496 сўм бўлади. Бу давлат бюджетидан

республикада фаолият юритаётган барча сиёсий партиялар учун ажратиладиган маблағнинг умумий йиғиндисидир. Сиёсий партияларга Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялар аъзолари сонига қараб, ушбу маблағдан фоиз ажратилади.

Канадада ҳам сиёсий партияларга давлат томонидан субсидия ажратилиши ва молиялаштирилиши белгиланган. Бунинг учун улар парламентнинг қуйи палатасида (Chambre des communes – Палата общин) камида 12 та жойни банд этишлари керак бўлади¹. Ўзбекистонда фаолият юритаётган сиёсий партияларнинг давлат томонидан молиялаштирилиши самарали ташкил этилган. Хусусан, 2013 йил якунлари бўйича давлат томонидан ажратилган маблағ УзЛиДеП бюджетининг – 87,6%, Ўзбекистон ХДП бюджетининг – 62,7%, «Миллий тикланиш» ДП бюджетининг – 87,9%, «Адолат» СДП бюджетининг – 85,5%ини ташкил этган.

1-диаграмма



Шунингдек, республикада сайлов жараёнларида иштирок этадиган сиёсий партиялар давлат маблағлари ҳисобидан қуйидаги мақсадларда молиялаштирилади: 1) сайловолди кўргазмали ташвиқот воситаларини нашр қилиш; 2) Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг телевидение, радио эшиттириш ва бошқа ОАВларида чиқишларини ташкил этиш; 3) Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларини ташкил этиш; 4) Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг ишончли вакиллари ва бевосита сайлов округида сайловолди ташвиқотини ўтказиш

¹ Makarenko J. Political Parties and the Party System in Canada: History, Operation and Issues / URL – <http://mapleleafweb.com/features/political-parties-and-party-system-canada-history-operation-and-issues>

учун жалб қилинадиган бошқа фаоллар ишини ташкил қилиш ҳамда 5) сайлов кампаниясини ўтказишга доир умумпартиявий тадбирларни ўтказиш.

Демак, молиялаштириш сайлов жараёнида сиёсий партиядан фаолликни талаб этадиган механизм эканлигини эътироф этиш мумкин. Чунки, сиёсий партия Қонунчилик палатасига бўладиган сайловлар якуни бўйича фракция тузиш учун етарли ўринга эга бўлмаса, молиялаштирилган маблағ партиянинг бошқа манбалари ҳисобидан давлат бюджетига қайтарилиши белгиланган. Бунинг учун сиёсий партиялар сайлов кампанияси давомида ўз фаолликларини кўрсатишлари лозим. Дарвоқе, сайлов жараёнида сиёсий партия фаолларининг ташаббускорлиги, ишбилармонлиги, топқирлиги алоҳида аҳамият касб этади. Аввало, сиёсий партия номзодни тўғри танлаши, жойларда тарғибот-ташвиқотни кучайтириши зарур, у бошқа рақиб сиёсий партияларни бу масалаларда енгиб ўтсагина олдига қўйган мақсадига эришади.

Ўзбекистонда сиёсий партияларга жисмоний ва юридик шахслардан *хайрия ёрдами* кўрсатилиши ҳам белгиланган. ЎзРнинг «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги қонунининг 13 ва 14-моддаларига мувофиқ, сиёсий партия ЎзРнинг бир *фуқаросидан* бир йил мобайнида олган хайрия ёрдами суммаси хайрия ёрдами берилган йилнинг 1 январидаги ҳолатга кўра белгиланган энг кам иш ҳақининг 5 юз бараваридан, ЎзРнинг бир *юридик шахсидан* бир йил мобайнида олган хайрия ёрдами суммаси эса хайрия ёрдами берилган йилнинг 1 январидаги ҳолатга кўра белгиланган энг кам иш ҳақининг 5 минг бараваридан ошмаслиги лозим. Хайрия ёрдами чет давлатлар ҳамда уларнинг юридик шахслари, ваколатхоналари ва филиаллари, халқаро ташкилотлар, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан амалга оширилиши мумкин эмас. Қонунга мувофиқ, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, диний ташкилотлар ва номи яширин ёки тахаллуси кўрсатилган шахслар томонидан сиёсий партияларга пул маблағлари шаклида ёхуд мол-мулк бериш, хизматлар кўрсатиш, ишлар бажариш тарзида хайрия ёрдами кўрсатилишига йўл қўйилмайди.

Сиёсий партиялар молиявий аҳволи ва бюджетини барчанинг эътибори учун эълон қиладилар. Улар ўз фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисида Қонунчилик палатаси ёки у ваколат берган органга ҳар йили ҳисобот тақдим этадилар. Қонуннинг 16-моддаси иккинчи қисмига биноан, «сиёсий партиялар ҳар йили қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ҳамда тартибда молия органларига, давлат солиқ хизмати органларига, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ва Адлия вазирлигига ҳисобот даврида олинган ҳамда сарфланган молиявий ва бошқа маблағлар тўғрисида молиявий ҳисобот тақдим этиши шарт». Сиёсий партияларнинг ҳисобварақларига молиявий маблағларнинг келиб тушиши ҳамда улардан белгиланган мақсадда фойдаланилиши устидан назоратни ЎзР Ҳисоб палатаси амалга оширади. Шунингдек, Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида ўндан бир қисмидан иборат депутатлар гуруҳининг мурожаатига биноан Қонунчилик палатаси томонидан ҳам текшириш ишлари амалга оширилиши мумкин.

Қайд Этиш жоизки, сиёсий партияларни молиялаштириш даставвал Коста-Рика (1954 й.), Аргентина (1955 й.), Германия Федератив Республикасида (1959 й.) бошланган бўлса, XX асрнинг 80-йилларга келиб давлат томонидан молиялаштириш 21 та мамлакат қонунида назарда тутилди. 1990-йиллар ўрталарига келиб бу амалиёт оммалашиб, уни қўллайдиган мамлакатлар сони бир неча бор кўпайди: партияларни давлат томонидан молиялаштириш Африканинг 45 та, собиқ социалистик давлатларнинг 17 тасида, МДҲнинг айрим давлатларида қонунлаштирилди¹.

Ҳозирги пайтда бир қатор Ғарбий Европа мамлакатларидаги сиёсий партияларнинг актив фаолияти давлат томонидан молиялаштирилишига боғлиқ. Масалан, Францияда рўйхатга олинган сиёсий партияларга давлат бюджетидан ҳар йили 80 млн. евро сарфланади, Германияда эса 500–600 млн. евро маблағ ажратилади.

Айрим хорижий мамлакатларда хусусий шахсларга сайлов кампанияси ва сиёсий партияларни молиялаштириш тақиқланган

¹ *Ҳамидова К.* Сайловлар ва сиёсий партиялар фаолиятини молиялаштириш. – Т.: ТДЮИ, 2004. – Б. 24.

бўлса, баъзиларида қисман чекловлар киритилган. Хусусан, Францияда сайлов кампаниялари ва сиёсий партиялар фақат давлат бюджетидан молиялаштирилади, бошқа тўловлар эса қонун билан қатъиян тақиқланади. Норвегия ва Швецияда партияларга касаба уюшмалари ҳомийлик қилиши мумкин. Польшада чет эл хайрияси тақиқланади, аммо мамлакатдаги катта мулк эгаларига ҳомийлик қилиш учун кенг имкониятлар яратиб берилган. АҚШнинг 2002 йилги қонунига мувофиқ, шахсий хайриянинг энг юқори чегараси 2 минг доллар этиб белгиланган.

Айрим мамлакатларда эса сиёсий партияларга давлат томонидан *субсидиялар* ажратилиши кўзда тутилган. Масалан, Польша сиёсий партияларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш учун 2010 йилда – 26,9 млн., 2011 йилда – 13 млн., 2012 йилда – 12,8 млн. евро сарфлаган; ана шу мақсадда 2009-2010 йилларда Арманистон – 120 минг, Грузия – 2,4 млн.; Молдова эса 2,6 млн. евро маблағ ажратган.

Албатта, сиёсий партияга субсидия ажратилиши учун у муайян шартни бажариши зарур бўлади. Жумладан, Швецияда 1965 йилдан, Финландия 1967 йилдан, Норвегия ва Данияда 1970 йилдан бошлаб охирги ўтказилган умумхалқ сайловларида маълум миқдорда сайловчилар овозини тўплаган сиёсий партияларга давлат томонидан субсидия берилиши белгиланган ва қатъий тарзда қонунлаштирилган.

Францияда молиялаштиришнинг энг юқори чегараси президент сайловининг биринчи босқичидан ўтган барча номзодларга – 16 166 000 евро, иккинчи босқичида – 21 594 000 евро этиб белгиланган. Номзодлар жисмоний шахслардан (4600 евро) ва сиёсий партиялардан (7500 евро) хайрия олишлари мумкин. Биринчи турда овозларнинг 5 фоизини тўплаган номзод сайловолди ташвиқотига сарфлаган харажатлари учун 8 083 000 евро миқдорида компенсация; 5% дан кам овоз олган номзод эса ўн баравар кам, яъни 808 300 евро миқдорида товон пули олади.

Бундан ташқари, хорижий мамлакатлар қонунчилигида сиёсий партияларга хайрия ёрдами бериш ҳам тартибга солинган. Масалан, Финландияда хайрия ёрдами ҳар қандай манбадан, шу жумладан, номаълум шахс ёки чет эл фуқаросидан ҳам олиниши мумкин, лекин

жисмоний шахслардан олинадиган хайрия миқдори 1700 евродан ошмаслиги керак. Бельгиянинг 1989 йил 20 июлда қабул қилинган қонунига мувофиқ, юридик шахсларнинг хайрия қилиши тақиқланган, жисмоний шахсларга эса йил давомида (битта сиёсий партияга бир нафар сайловчи) 500 евро миқдорида хайрия қилиши мумкин.

Умуман олганда, сиёсий партияларнинг давлат томонидан молиялаштирилиши улар ўртасида кучли рақобатни юзага келтиришда муҳим механизм ҳисобланади. Чунки, партия парламентнинг қуйи палатасида қанча кўп ўрин эгалласа, шунча кўп маблағ билан таъминланади. Бу эса сиёсий партияларни нафақат сайлов жараёнида, балки бутун фаолияти давомида рақобат қилишга ундайди. Сиёсий партия бу жараёнда рақибдан кўпроқ маблағга эга бўлиши учун унга овоз берадиган сайловчиларни, шу жумладан, уни қўллайдиган тарафдорларни (электоратни) кўпайтиришга ҳаракат қилиши керак. Шунингдек, сиёсий партияларнинг давлат томонидан молиялаштирилиши коррупциялашиш даражасининг пасайиши ҳамда амалий рақобатнинг қарор топишини таъминлайди. Бу эса сиёсий партияларнинг янада фаолроқ ишлашини таъминлаши билан бирга, уларнинг бу жараёнда бошқа ноқонуний йўллар билан маблағ олишига чек қўяди.

ЎзРнинг «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги конституциявий қонуни мавжуд сиёсий партияларнинг устав ва дастурлари, давлат ҳокимиятини шакллантириш жараёнидаги иштироки, шунингдек, уларнинг фаолиятини тартибга солишда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Ушбу қонунда парламентдаги кўпчилик ва муҳолафатнинг ҳуқуқий мақоми аниқ белгилаб қўйилганлиги, сиёсий партиялар фракциялари раҳбарларини Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари этиб сайлаш бўйича ташкилий-ҳуқуқий чораларнинг кўрилганлиги ҳамда умуман давлат бошқарувини амалга оширишда сиёсий партияларнинг иштирокини тобора кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирларнинг кўрилатганлиги сиёсий партияларнинг парламент ҳаётидаги иштирокининг кескин ошишига, фракциялараро баҳс-мунозаралар, тортишувлар, қонунлар лойиҳалари ва долзарб масалалар юзасидан ўз позиция-

ларини қатъий ҳимоя қилиш амалиётининг мустаҳкам қарор топиб бораётганлигига олиб келди.

Конституциявий қонун, 2011 йил 18 апрель ва 2014 йил 20 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунлар кучга кириши билан сиёсий партиялар давлат ҳокимиятининг қонунчилик-вакиллик тармоғи фаолиятига ўз таъсирини кучайтириш, айти чоғда ижро ҳокимияти бўғинларини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини назорат қилишда бевосита қатнашиш имкониятига эга бўлди. Шунингдек, марказий ва маҳаллий ҳокимият органларида ўз вакилларига эга сиёсий партиялар ўртасида ҳалол амалий рақобатни янада авж олдиришга шарт-шароит ва хоҳиш-истакни юзага келтирди. Бироқ шуни ҳам таъкидлаш жоизки, рақобатчи куч сифатида майдонга тушаётган парламент муҳолафати ўз мақомига кўра, давлатнинг конституциявий тузумига қарши чиқадиган сиёсий куч ҳисобланмайди. Аксинча, у ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи-вакиллик тармоғида ҳукуматнинг фаолият дастурларини ва бу дастурлар ижросини холис танқид қилиш вазифасини бажарувчи узвий бўғинга айланди.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда жамиятни демократлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш, халқимизнинг сиёсий-ҳуқуқий онгини ошириш, кўппартиявийлик тизимини такомиллаштириш, давлат ҳокимияти ва бошқарувида амалга оширилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш, бу жараёнда сиёсий партияларнинг фаоллигини кучайтиришга қаратилган зарур шарт-шароитлар вужудга келишини талаб қилмоқда. Айтилса, бу ўринда мамлакат Бош вазири тайинлаш ва лавозимидан озод этишда сиёсий партияларнинг ўрни ва масъулияти ошганлигини яна бир бор эътироф этиш лозим. Жумладан, Конституциямизнинг 98-моддасига биноан, мамлакат Бош вазири номзоди ЎзР Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини кўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан таклиф этилади.

ЎзР Президенти тақдим этилган Бош вазир лавозимига номзодни кўриб чиққанидан кейин ўн кун муддат ичида уни ЎзР Олий

Мажлиси палаталари кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун таклиф қилади. Бош вазир лавозимига номзод ЎзР Олий Мажлисида унинг номзоди кўриб чиқиладиганда ва тасдиқланаётганда Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракат дастурини тақдим этади. Бош вазир номзоди унинг учун тегишинча ЎзР Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг ярмидан кўпи томонидан овоз берилган тақдирда тасдиқланган ҳисобланади. Бу:

биринчидан, сиёсий партияларга Парламент қуйи палатасида энг кўп ўринни эгаллаш учун аҳоли ҳамда ўз электорати доирасида кенг тарғибот-ташвиқот ишларини амалга оширишни талаб қилади;

иккинчидан, сиёсий партиялар ўртасида ўзаро рақобатнинг янада кучайишига олиб келади. Бунда сиёсий партиялар ўзаро конструктив муҳолафат позициясида бўлиши муҳим. Чунки, айрим партияларнинг конструктив позициядан воз кечиб, радикал муҳолафат позициясини эгаллаши мамлакатдаги ижтимоий барқарорликка, унинг тараққиётига салбий таъсир кўрсатиши мумкин;

учинчидан, мамлакатимизда сиёсий партияларни молиялаштириш механизмлари яратилганлиги партиялар ўртасида рақобатни кучайтиришга, партияни қўллаб-қувватловчи электоратни кўпайтиришга, ноқонуний йўллар билан маблағ ундириш коррупцион ҳаракатларининг олдини олишга хизмат қилади;

тўртинчидан, сиёсий партияларнинг ҳукумат раҳбари номзодини кўрсатиши учун ҳуқуқий асоснинг юзага келганлиги сиёсий партияларнинг жамиятдаги ўрни юксалишига, улар ўртасидаги амалий рақобатнинг кучайишига олиб келади;

бешинчидан, Ўзбекистон сиёсий партиялари қонун асосида, ахлоқ ва маънавият доирасида фаолият олиб борувчи парламент типидagi сиёсий партиялардир. Улар давлат ҳокимияти вакиллик органларининг қонун йўли билан алмашинувини таъминлайди, электоратнинг манфаатларини рўёбга чиқаришда ахлоқ ва маънавият мезонларига таянади.

Умуман олганда, мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнларида кўппартиявий-

лик тизимининг фаоллиги учун кенг ҳуқуқий замин яратилди. Яъни, Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизими ривожланишининг дастлабки йиллариданоқ мамлакат фуқаролари ўз сиёсий турмуш тарзини танлаш ҳуқуқи билан таъминланди. Халқ ўз ҳокимиятини қонуний асосда, бевосита ҳамда билвосита (ўз вакиллари орқали) амалга ошириш имкониятига эга бўлди.

Такрорлаш учун савол ва топшириқлар

1. Сиёсий партияларнинг ролини кучайтиришнинг энг муҳим омилларини санаб беринг.
2. Ўзбекистонда сиёсий партиялар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини неча гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин?
3. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қайси моддалари бевосита сиёсий партиялар билан боғлиқ?
4. Ўзбекистонда сиёсий партиялар фаолияти билан бевосита боғлиқ қонунларни санаб беринг.
5. Ўзбекистонда сиёсий партиялар фаолиятини молиялаштириш тартибини тушунтириб беринг.
6. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги конституциявий қонуни-нинг аҳамияти ҳақида нималар биласиз?

Бобга оид адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2014. – 76 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1997. – № 2. – 36-м.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 2004. – 5-сон. – 86-м.
4. Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 364 б.
5. Каримов И. А. Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш – ёруғ келажагимизнинг асосий омили-

- дир асосий омилидир / URL – <http://akadmvd/files/Prezident/Pr-20131206-uzb.pdf>.
6. Абдуллаев Ж.М. Ижро этувчи ҳокимият органлари фаолияти устидан парламент назоратини амалга оширишда сиёсий партиялар ролининг кучайиши // Жамоатчилик назорати ва унинг шакллари: илмий-назарий жиҳатлари. – Тошкент: ТДЮИ нашриёти, 2012. – 206 б.
 7. Афлотун. Қонунлар. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2008. – 452 б.
 8. Болингброк. Письма об изучении и пользе истории. – М.: Наука, 1978. – 360 с.
 9. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси // Одам савдосига қарши кураш соҳасидаги миллий ва халқаро ҳуқуқ нормалари. – Тошкент: Yurist-media markazi, 2010. – 312 б.
 10. Курочкин А. В. Механизм государственной регистрации политических партий в законодательстве зарубежных государств (на примере Германии) // Успехи современного естествознания: материалы конференций. – 2009. – № 5 / URL – <http://www.rae.ru/use/pdf/2009/5/90.pdf>
 11. Мамадалиев Ш.О. Ўзбекистон сиёсий партиялари: шаклланиш жараёнлари ва ривожланиш истикболлари. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2004. – 50 б.
 12. Михельс Р. Социология политической партии в условиях демократии / URL – http://www.gumer.info/bibliotek_Buks/Polit/Hrestom/58.php
 13. Мусаев Ф. Демократик давлат қуришнинг фалсафий-ҳуқуқий асослари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. – 272 б.
 14. Острогорский М. Я. Демократия и политические партии. – М.: РОССПЭН, 1997. – 640 с.
 15. Салихов Э. Развитие гражданского общества Узбекистана. – Ташкент: Vaktria press, 2014. – 40 с.
 16. Современные избирательные системы. Вып. 1: Великобритания, Канада, Мексика, Польша. – М.: РЦОИТ: Норма, 2006. – 496 с.
 17. Юдин Ю. Политические партии и право в современном государстве. – М.: Форум-Инфра-М, 1998. – 288 с.
 18. Хамидова К. Сайловлар ва сиёсий партиялар фаолиятини молиялаштириш. – Тошкент: ТДЮИ, 2004. – 39 б.
 19. Қудратхўжаев Ш.Т. Ўзбекистонда профессионал парламент тизимининг сиёсий институт сифатида шаклланиши ва ривожланиши истикболлари. – Тошкент: Шарқ, 2007. – 152 б.
 20. Makarenko J. Political Parties and the Party System in Canada: History, Operation and Issues / URL – <http://mapleleafweb.com/features/political-parties-and-party-system-canada-history-operation-and-issues>

3-§. Кўппартиявийлик миллий модели ва сайлов тизимининг ўзаро боғлиқлиги

Кишилик жамиятида вужудга келган сайлов демократиянинг муҳим институти ҳисобланади. Бир неча минг йиллик тарихга эга бўлган сайлов тизими жамиятда адолатни таъминлаш, кишиларнинг ўз манфаатларини рўёбга чиқариши ва мамлакат сиёсий тизимида иштирок этиши учун шароит яратиш вазифаларини бажарган. Инсониятнинг бошқарув органларини сайлаш механизмидан фойдаланиши узок тарихга бориб тақалади. Чунончи, милоддан аввалги VI–IV асрларда Афина, Римда сайловнинг содда шакли вужудга келган, бу ҳуқуқдан жамиятнинг обрўли кишилари фойдаланган. Масалан, қадимги Спартада олий давлат органи (герусия) ҳисобланган. Унинг умумий йиғилиш (апелли)да бақир-чақир овозлари билан спартиатлар муайян масала юзасидан овоз беришган. Бу эса «овоз бериш» қадимий Спартада пайдо бўлганлигини англатади. Қадимги Афинада олий давлат органига сайловда «кути»га қора ёки оқ тош ташланган. Қора тош қарши овозни, оқ тош эса ёқлаб овоз беришни англатган.

Милодий I асрдан XVIII асрнинг охиригача сайлов орқали давлат органлари деярли шакллантирилмаган. Бу даврларда ҳокимият алмашинуви ворисийлик ва давлат тўнтариши орқали амалга оширилган. Давлат ҳокимияти алмашинувининг тарихан таркиб топган бу амалиёти тинчлик, эркинлик ва тараққиётни таъминлай олмаслиги исботлаганлиги боис, ушбу давр файласуф, сиёсатшунос, ҳуқуқшунос олимларининг илмий тадқиқотларида ҳокимият алмашинувининг маданий йўли ахтарилган. Кўп йиллик илмий изланишлар натижа-сида француз олимлари Ж. Ж. Руссо, Ш. Монтескьё, инглиз файласуфлари Т. Гоббс, Ж. Локк кабиларнинг сайлов тизими тўғрисидаги назариялари юзага келди. Кейинчалик бу назариялар жаҳон сиёсий-ҳуқуқий амалиётига татбиқ этилди. Жумладан, АКШ, Франция давлатларининг конституциялари бунга мисол бўлади. XX аср охири – XXI аср бошларига келиб Ер юзида сайлов тизими билан боғлиқ юздан ортиқ халқаро ва миллий ҳуқуқий ҳужжатлар пайдо бўлди.

Ҳозир ҳам сайлов жараёни кўплаб демократик давлатларда турли кўринишларда амалга оширилмоқда. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон

декларациясининг 21-моддасида: «Ҳар бир инсон бевосита ёки эркин сайланган вакиллар орқали ўз мамлакатини бошқаришда қатнашиш ҳуқуқига эга. Ҳар бир инсон ўз мамлакатида давлат хизматида киришда тенг ҳуқуққа эга. Халқ иродаси ҳукумат ҳокимиятининг асоси бўлиши лозим; бу ирода даврий ва сохталаштирилмаган, умумий ва тенг сайлов ҳуқуқидан, яширин овоз бериш йўли билан ёки овоз бериш эркинлигини таъминлайдиган бошқа тенг қийматли шакллар воситасида ўтказиладиган сайловларда ўз аксини топиши лозим» эканлиги белгилаб қўйилгани ҳам унинг жамиятда объектив зарурат туфайли юзага келганидан далолат беради. Шу нуқтаи назардан, «сайлов – бу, аввало, эркин танлаш ҳуқуқи демакдир»¹.

Шуни таъкидлаш зарурки, демократияни сайловсиз, сайловни сиёсий партиясиз тасаввур этиб бўлмайди. Сайлов кампанияси давомида сиёсий партиялар фаолияти синовдан ўтади, улар томонидан илгари сурилган сайловолди дастуридаги қоидаларга сайловчилар томонидан уларнинг орзу-умидлари ва истакларига мувофиқ баҳо берилади. Ҳақиқатан ҳам, сайлов кампанияси сиёсий партиялар учун аҳамиятли бўлиб, бу жараёнда сиёсий партия ўзини тўлиқ намоён этиш имконига эга бўлади. Кўпроқ ўз тарафдорларига эга бўлиш орқали давлат ҳокимиятини шакллантиришда иштирок этади ҳамда ўз вакилларининг давлат бошқарувида иштирок этишини таъминлайди. Сайловда ғолиб чиққан сиёсий партиянинг вакиллари эса, ўз навбатида, унинг дастурида белгиланган вазифа, мақсад ва муддаоларни амалга оширишга ҳаракат қилади.

Демократик мамлакатларда сайлов жараёнининг деярли барча босқичларида – номзод кўрсатиш, тарғибот-ташвиқот, овоз бериш ва сайловнинг якунланишида – сиёсий партиялар иштирок этади. Сиёсий партияларнинг сайлов билан узвийлигини кўрсатувчи мисоллардан бирини Буюк Британиянинг 1998 йилда қабул қилинган «Сиёсий партияларни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги Акт»ида ҳам кўриш мумкин. Унда ҳар қандай партия сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинishi кўрсатиб ўтилган. Ёки Канаданинг 2003 йилда қабул

¹ Каримов И. А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т.: Ўзбекистон, 2015. – Б. 105.

қилинган «Сайлов тўғрисида»ги қонунининг 366-моддаси «j» параграфида сиёсий партия жамоат ишларида бир ёки бир нечта аъзоларини номзод сифатида қўллаб-қувватлаш механизми орқали қатнашиши ва уларнинг сайланишига кўмаклашувчи ташкилот эканлиги кўрсатилган. Шунингдек, қонунга мувофиқ партия Марказий сайлов маҳкамаси томонидан рўйхатга олинади.

ЎЗРда давлат ҳокимиятини шакллантириш, давлат органлари, мансабдор шахслар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда сайловчиларнинг ўрни беқиёсдир. Ўзбекистон халқи сайловлар орқали том маънода давлат ҳокимиятининг эгаси эканлигини намойиш этади. «Сайлов – бу демократия дегани, демократия – бу сайлов деганидир» (И.Каримов). Бинобарин, демократиянинг моҳияти сайлов орқали халқ иродасини ифодалаш демакдир. Ҳақиқатан ҳам, сайлов жамиятдаги ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаш, кишиларнинг манфаат ва эҳтиёжларини амалга оширишда уларнинг иродаларини амалга ошириш шаклидир.

Ўзбекистон жаҳондаги ривожланган демократик мамлакатлар қаторидан муносиб ўрин олиш мақсадида ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришни ўз олдига мақсад қилиб олди. Ягона раҳбар партиянинг «етакчилик роли»га асосланган сайлов тизимидан кўппартияли сайлов тизимига ўтишнинг қонуний қафолати таъминланди. «Қонунларда давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловларнинг фақат кўппартиявийлик асосида ўтказилиши қатъий белгилаб қўйилди»¹.

Асосий конституциявий қоидалар доирасида мамлакатда узлуксиз равишда кўппартиявийлик принципига асосланган мутлақо янги сайлов қонунчилиги ривожлана бошлади. 1994 йилда «Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари қафолатлари тўғрисида» қонун қабул қилиниши фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари ва ўз хоҳиш-иродаларини эркин тарзда ифодалашларини амалда рўёбга чиқариш механизмини мустаҳкамлаб берди. Бугунги кунда сиёсий партиялар аҳолининг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, фуқароларнинг сиёсий-ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг сайлов жараёнларида хоҳиш-

¹ Каримов И. А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т. 7. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999. – Б.384.

иродаси ва фикрини ифодалаш, давлат ҳокимияти органларини шакллантириш каби муҳим вазифаларни амалга оширишда асосий ҳаракатлантирувчи куч бўлиши алоҳида аҳамиятга эга.

Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятида кўппартиявийлик миллий моделининг аҳамияти сиёсий партияларнинг сайлов жараёнидаги фаолиятида янада яққол кўзга ташланади. Кўппартиявийлик тизимининг асосий механизмлари фикрлар плюрализми (хилма-хиллиги), фуқароларнинг эркин танловини таъминлаш демократик институт – сайлов орқали амалга оширилади. Сиёсий тизимнинг бир ёки икки партияли шаклида ушбу механизмлар етарли даражада ўз ифодасини тополмайди. Бир партияли тизимдаги сайлов ягона партия монополиясидир. Бу ўринда сўз ва танлов эркинлиги ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. И. Ильиннинг фикрича, ҳокимиятни эгаллаш учун демократик партия рухсат этилган ёки ярим рухсат этилган йўллар билан, антидемократик партиялар эса рухсат этилган ва рухсат этилмаган воситалар билан ҳаракат қилади. Бунда, *биринчиси* – бир қанча вақт ўтгандан сўнг «ўйин»ни, яъни курашни янгидан бошлашни, *иккинчиси* эса бошқа партияларни йўқ қилиш ва ҳокимиятни ўзида «умрбод» қолдиришни (шубҳасиз, улар бунга эришолмайдилар) кўзлайди.

Кўппартиявийлик тизимини ривожлантирувчи омиллар бевосита сайлов жараёнлари билан боғлиқдир. Зеро, «ҳозирги пайтда сиёсий партиялар фуқароларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, аҳолининг айниқса сайлов жараёнларида хоҳиш-иродаси ва фикрини ифодалаш, марказда ва жойларда давлат ҳокимияти органларини шакллантиришнинг муҳим таъсир ўтказувчи воситасига айланиши алоҳида аҳамият касб этади»¹. Демак, кўппартиявийликнинг асосий белгилари, яъни маълум мамлакатда бир нечта сиёсий партияларнинг мавжудлиги, уларнинг давлат ҳокимиятини шакллантиришда иштироки ҳамда ўз вакилларининг марказий ва маҳаллий ҳокимиятларда ўрин эгаллаши кабилар ташкил этади. Айтиш жоизки, демократик ривожланган мамлакатларда сиёсий партиялар ҳокимиятга сайлов

¹ Каримов И. А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т. 16. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – Б. 38.

йўли билан эришади. Яъни, сайлов тизими партиялар сони ва улар ўртасидаги ўзаро муносабатларга таъсир этади. Нисбатан кўпчилик овозни тўплаган бир турдаги мажоритар сайлов тизимида иккита партия ҳокимиятни галма-галдан қўлга киритади. Пропорционал сайлов тизими кўп сонли майда, ҳаракатсиз партияларнинг шаклланишига олиб келади. Мазкур тизимда ҳар бир партия сайлов натижаларига кўра парламентда пропорционал тарзда депутатлик ўринларини эгаллайди. Натижада ҳар қандай партиянинг парламентдан ўрин олиши таъминланади.

Ўзбекистонда мажоритар сайлов тизими амал қилади. Унга асосан, бир нечта сиёсий партиялардан кўрсатилган номзодлардан бирига 50%+1, яъни сайловчиларнинг ярмидан ортиғи овоз берган тақдирда сайланади. Агар бундай натижага бирор номзод эришмаса, энг кўп овоз тўплаган икки номзод учун такрорий овоз берилади. Такрорий овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг овозини бошқа номзодга нисбатан кўпроқ олган номзод сайланган деб ҳисобланади.

Мажоритар сайлов тизимининг афзаллиги сайловчи номзоднинг ким эканлигини аниқ билишида кўринади. Бу халқ ҳокимиятини қарор топтиришда тасодифий шахслар сайланишининг олдини олади.

Пропорционал сайлов тизимининг афзаллиги камхаржлигида. Яъни бўшаб қолган вакиллик органлари партия рўйхатида турган навбатдаги номзод билан тўлдириб борилади.

Жаҳондаги кўплаб давлатларда (хусусан Испания, Япония, Дания, Бельгияда) кўппартиявийлик тизими қарор топган ва жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин эгаллаган. Испанияда кўппартиявийлик тизимининг сайлов институти билан боғлиқлигини акс эттирувчи 2002 йил 27 июнда қабул қилинган «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонуннинг 20-моддасида улар сайлов комиссиялари билан муносабатга киришиши давомида қисман назоратни амалга ошириши белгиланган, 65-моддасида сайловолди тарғиботи учун вақт тақсимланишига масъул Марказий сайлов комиссияси раҳбарлигидаги Радиоэшиттириш ва телекўрсатувлар бўйича миллий комиссияга вакиллар тайинлаши кўрсатилган, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонуннинг 66-моддасида ҳамда Марказий сай-

лов комиссияси Низомининг (1985 йил 4 ноябрь) 2-моддасида уларга сайлов даврида давлат, шунингдек нодавлат оммавий ахборот воситалари маъмурий органлари ҳаракатидан шикоят қилиш ҳуқуқлари берилган. Бу амалиёт сиёсий партияларнинг жамиятдаги ролини оширишга ва сайловларнинг очиклигини таъминлашга хизмат қилади.

Сиёсий партиялар барча даражалардаги сайловларнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб, ўз дастурлари орқали жамоанинг анъана ва имтиёзларини шакллантиради ҳамда электоратга муқобилликни таклиф этади. Ҳақиқатан ҳам, сайлов кампаниясида иштирок этувчи партиялар сайловолди дастурларини қабул қилади ва унинг ташвиқотини амалга оширади. Айниқса, кўппартиявийлик тизимида сайлов жараёнларида фуқаро қайси партиянинг ғоя ва дастурини маъқул топса, ўша партия учун овоз беради. Кўппартиявийлик тизимида сиёсий партиялар электорат манфаатига мос келадиган, уларнинг эҳтиёж ва истакларини ўз ичига олган дастурларни таклиф этади ва натижада партия учун овоз берувчилар сонининг ошиши таъминланади. Демак, сиёсий партиянинг сайловни ҳаракатлантирувчи куч сифатидаги ўрни бевосита у илгари сурган сайловолди дастури билан уйғунлашиб кетади.

Қайд этиш керакки, 2008 йил 25 декабрдаги «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан ЎзРнинг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонуни қабул қилиниши натижасида Президент сайлови тўғрисидаги қонуннинг 24-, Олий Мажлисга сайлов тўғрисидаги, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисидаги қонунларнинг 20-моддаларида (Халқ депутатлари вилоят Кенгашлари депутатлигига) номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига фақат сиёсий партиялар эга эканлиги белгилаб қўйилди. Бу эса мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партияларга билдирилган катта ишонч ва имкониятдир. Ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда бўлиб ўтган Парламент сайловларида депутатликка номзод кўрсатиш ҳуқуқига маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари (1994, 1999 й.), сайловчилар ташаббускор гуруҳи (1994, 1999, 2004 й.) ва сиёсий партиялар эга бўлган бўлса, 2009 йил 1 июлдан кучга кирган қонунга мувофиқ

сайлов жараёнида фақат сиёсий партияларга номзод кўрсатиш ҳуқуқи берилди. Демак, Қонунчилик палатасидаги 150 депутатлик ўрнининг 135 тасини сиёсий партиялардан кўрсатилган номзодлар, 15 нафарини сайлов квотаси ҳисобига Ўзбекистон экологик ҳаракати эгаллаши белгилаб қўйилди.

Қиёслаш учун, АҚШ, Канада, Мексика, Португалия мамлакатларида номзод кўрсатиш ҳуқуқи фақат сиёсий партияларга берилган. АҚШда номзодлар партия кокусини (сиёсий партиянинг ташкилий ва стратегик муаммоларни ҳал қилиш, партиялардан маҳаллий партия ташкилотлари ва президентликка номзод кўрсатиш учун ўтказилган ва партия томонидан молиялаштирилган мажлиси) ёки праймериз (сиёсий партиядан кўрсатилган номзодга асосий сайловда иштирок этиши учун овоз берилган ва давлат бюджетидан молиялаштирилган дастлабки сайлов)да кўрсатилади. Канадада номзоднинг бирор партияга тегишли эканлиги партия етакчиси ёки унинг ўринбосари имзосини билан тасдиқланади. Мексика, Бразилия ва Португалияда ҳам номзод кўрсатиш ҳуқуқи фақат сиёсий партияларга берилган.

Ўзбекистонда сиёсий партияларга номзод кўрсатиш ҳуқуқи берилиши билан бўлажак сайловларда тарғибот ва ташвиқотни кучайтириш ҳамда фуқаролар ишончини қозониш энг муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланди. Яъни, ҳозирги сайловчилар ўзининг маълумоти, дунёқараши, маданияти билан аввалгиларидан фарқ қилади. Улар фақат танқидчининг орқасидан эргашадиган инсонлар эмас. Уларни бугун аниқ таклиф ва амалиётлар, мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётини янада жадаллаштиришга қаратилган фаолият қизиқтирмақда. Республикада Президент, парламент ёки маҳаллий Кенгашларга бўладиган сайловларда сиёсий партиялар етакчи кучга айланди. ЎзР Президенти, Қонунчилик палатаси (135 нафар), халқ депутатлари вилоят Кенгашларига (806 нафар) сайловларда номзодлар фақат сиёсий партиялардан кўрсатилади. Бу эса бевосита сиёсий партияларга норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар (қонун, қарорлар) ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнларида партия дастурларини амалга ошириш ҳамда электоратининг манфаатини рўёбга чиқариш учун кенг имкониятлар яратади.

Ўзбекистонда парламентга бўлган сайлов жараёнларини модернизация қилиш ва либераллаштириш билан боғлиқ ислохотлар «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун (2008 йил 25 декабрь) билан боғлиқдир. Унга мувофиқ, сиёсий партияларнинг сайлов жараёнларидаги ўрнини кўрсатиб берадиган ҳамда янада либераллашувини таъминлайдиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. ЎзР Олий Мажлисига сайловда иштирок этадиган сиёсий партияларнинг рўйхатдан ўтиши учун белгиланган муддат 6 ойдан 4 ойга туширилди. Сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этиши учун тўпланиши белгиланган сайловчилар имзосининг миқдори аввалги 50 минг ўрнига 40 минг қилиб белгиланди. Депутатликка номзодларнинг ишончли вакиллари сони 5 нафардан 10 нафаргача кўпайтирилди. Сиёсий партияларнинг «ваколатли вакили» деган янги институт жорий этилди.

Мамлакатимизда сайлов жараёнларини модернизация қилиш ва либераллаштириш бўйича ислохотлар нафақат парламент, балки Президент сайловини амалга ошириш билан боғлиқ жараёнларни ҳам қамраб олмоқда. Чунончи, «ЎзРнинг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги (2015 йил 29 декабрдаги 396-сонли) қонуннинг 1-моддаси билан «ЎзР Президенти сайлови тўғрисида»ги қонуннинг 24²-моддаси бешинчи қисми бешинчи хатбошисига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга мувофиқ, сиёсий партияларнинг ЎзР Президенти сайловида иштирок этиши учун сайловчилар имзосининг миқдори 5 фоиздан 1 фоизга камайтирилди. Қонунга киритилган мазкур ўзгартиш Венеция комиссиясининг тегишли (Сайлов масалалари бўйича илғор тажриба кодексининг 1.3.ii бўлимидаги «қонун тегишли сайлов округидаги сайловчиларнинг 1 фоиздан ортиқ имзоларни тўплаш бўйича талаб қўймаслиги керак» деган) шартига тўлиқ мос келади. Ушбу миқдор бўйича тасаввур ҳосил қилиш учун 2015 йил 29 март куни бўлиб ўтган ЎзР Президенти сайловида рўйхатга олинган сайловчилар мисолида кўрадиган бўлсак, қуйидаги манзара ҳосил бўлади. Сайловда 20 798 52 нафар фуқаро сайловчилар рўйхатига киритилган ва унинг 1 фоизи 207 980 нафарни

ташкил этади, битта маъмурий ҳудуддан сиёсий партия 16 638 нафар (8%) сайловчининг имзосини тўплаши керак бўлади.

Қонунчиликка киритилган мазкур ўзгартишлар бевосита сиёсий партияларга кенг имкониятлар очиб берди. Бу умумхалқ сайловларида кўп ва кам сонли партияларга тенг имконият яратиб, сайловчиларнинг танлов ҳуқуқини кенгайтиришга хизмат қилади. Шунингдек, номзод кўрсатиш имкониятининг фақат сиёсий партияларга берилиши, сайловларда иштирок этиш билан боғлиқ муайян тадбирларнинг либераллаштирилиши унинг фуқаролик жамияти институти сифатидаги мақоми кучайишига, партиялар ўртасида ўзаро рақобат муҳити янада ортишига, сайловларнинг янада очиқ ва адолатли тарзда ўтказилишига имкон яратмоқда.

ЎЗРнинг Биринчи Президенти Ислон Каримов «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» деб номланган маърузасида сайлов тўғрисидаги айрим қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни таклиф этди. Бу эса мамлакатимизда партиялараро рақобатнинг кучайиши, сайловолди ташвиқотининг шакл ва усуллари тобора хилма-хил ва кенг миқёсли бўлиб бораётгани билан изоҳланади. Ҳар қандай сайловларда сиёсий партиялар иштирок этади ва улар сайлов жараёнининг асосий субъекти ҳисобланади.

Сиёсий партиялар сайловчиларнинг хоҳиш-иродасидан келиб чиқиб, қонунчилик ва ижро ҳокимияти фаолиятига конструктив таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлади. Мамлакатимиз сайлов қонунчилигига боғлиқ сайловолди ташвиқоти жараёнида номзодлар ва сиёсий партияларга давлат бюджетидан маблағ ажратилади. Сиёсий партияларга ушбу жараёнда, парламентда тутган ўрни ва мавқеидан қатъи назар, оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг эфир вақти ва шароитлар яратилади. Чунончи, 2016 йил 4 декабрда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови муносабати билан Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиялардан келиб тушган таклиф ва истакларни инобатга олиб, ҳар бир номзодга ўз сайловолди дастурларини аҳолига етказиш учун Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Ўзбекистон» ва «Ёшлар» теле- ва радио-

каналларида 638 дақиқадан, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 12 та ҳудудий телеканалларида 206 дақиқа, «Тошкент» телерадиоканалида 286 дақиқадан бепул эфир вақти ажратди. Номзодларга «Халқ сўзи», «Народное слово» ва «Правда Востока» газеталарида 6 саҳифадан, «Нурлы жол» ва «Овози тожик» газеталарида 5 саҳифадан иборат нашр майдони бепул берилди. Бундан ташқари, ҳудудлардаги 30 та маҳаллий газетада ҳар бир номзод учун 55,5 саҳифа нашр майдони бепул тақдим қилинди.

Шу ўринда айрим хорижий мамлакатлардаги сайловолди ташвиқотига тўхталиб ўтамиз. Жумладан, Бразилиянинг 1965 йилдаги «Электорал кодекси»да сайловолди ташвиқотига кенг ўрин берилган. Унга кўра, умумий партиялараро битим асосида сайланадиган номзодларнинг ташвиқотига рухсат берилади ва амалга оширилади. Бразилияда овоз бериш бошлангунига қадар 24 соат ва овоз беришдан кейин 24 соат давомида радио, телевидение, умумий йиғилиш ва графика кўринишидаги тасвир орқали сиёсий ташвиқот олиб борилиши тақиқланган. Ҳар қандай сайловолди ташвиқотини сиёсий партиялар ўтказди.

Франциянинг Сайлов кодексида сайловолди ташвиқоти билан боғлиқ бир қатор рухсат ва тақиқлар белгиланган. Кодекснинг L-51 моддасига кўра, маҳаллий органларга номзодлар учун сайлов даври давомида сайловолди материалларини жойлаштириш учун махсус жойлар ташкил қилиш мажбурияти юклатилган ва бу ҳамма номзодлар учун тенг миқдорда бўлиши кўзда тутилган. Мазкур моддага кўра, сайловолди материалларининг мазмунига ўзгартириш киритиш сайлов кунига 3 ой қолганида тақиқланиши белгиланган.

Корея Республикасининг «Халқ мансабдор шахсларини сайлаш тўғрисида»ги (1994 йилги) қонунида сайловолди ташвиқотининг турлари эълон қилинган. Булар: сайлов постери (реклама палакати), сайлов буклети, оммавий ахборот воситалари орқали реклама қилиш, номзодларнинг телерадио мурожаатлари, очиқ майдондаги ташвиқот, сайловолди баҳс-мунозаралари ва шу кабилардир. Қонунда номзодларнинг телерадио мурожаатлари регламенти аниқ белгиланган. Президентликка номзод 11 марта чиқиш қилиши ва уларнинг ҳар

бири 20 дақиқадан ошмаслиги керак. Миллий Мажлис депутатлигига сиёсий партия рўйхати бўйича кўрсатилган номзод бир марта 10 дақиқали чиқиш қилади. Лекин бир рўйхатдан икки нафардан ортиқ номзод мурожаат қилмаслиги лозим. Миллий Мажлис депутатлигига бир мандатли округдан кўрсатилган номзод тегишли сайлов округидан бир марта 10 дақиқали ҳамда муниципал birlik раҳбарлигига кўрсатилган номзод тегишли сайлов округидан уч марта 10 дақиқадан мурожаат қилиши белгиланган. Мамлакатда сайловолди ташвиқотининг бошқа шакл ва усулларига ҳам аниқ вақти, жойи, муддати белгилаб қўйилган. Бу эса сайловолди ташвиқотини олиб боришда ноаниқликлар келтириб чиқармайди. Таъкидлаш жоизки, бизнинг қонунчилигимизни янада такомиллаштириш учун бундай тартибларнинг киритилиши ижобий натижа беради.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 41-моддаси ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 38-моддасида муддатидан олдин овоз бериш тартиб-қоидаси ўз аксини топди. Ушбу қонунларга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга мувофиқ, сайловчи сайлов куни ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган тақдирда муддатидан олдин овоз бериш ҳуқуқига эга бўлади. Муддатидан олдин овоз бериш сайловга ўн кун қолганида бошланади ва сайловга бир кун қолганида тугалланади. Муддатидан олдин овоз беришни ўтказиш вақти округ сайлов комиссияси томонидан белгиланади ва сайловчиларнинг, кузатувчиларнинг, оммавий ахборот воситалари вакилларининг эътиборига етказилади. Муддатидан олдин овоз беришни амалга ошириш учун сайловчи сайлов кунида бўла олмаслигининг сабаблари (таътил, хизмат сафари, чет элда бўлиши ва ҳоказо) ёзма шаклдаги аризада кўрсатилади. Бу қўшимчалар фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари амалга оширилишини, уларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришини, участка комиссиялари фаолияти ошқоралигини таъминлаш ва сайлов қонунчилиги бузилиши мумкин бўлган ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Таъкидлаш керакки, миллий қонунчилигимизнинг такомиллаштирилиши вакиллик органларига, мамлакат президентлигига сайлов

Ўтказишда қамоқда сақлаш жойларида ҳам сайлов участкалари ташкил этилишига олиб келди. Бу билан қамоқда сақланаётган, суд ҳукми эълон қилинмаган ЎЗР фуқаролари ҳам сиёсий ҳуқуқидан фойдаланиш имконига эга бўлди. Бу эса инсон ҳуқуқлари тўлиқ таъминланишининг кафолати бўлиб хизмат қилади.

Шунингдек, мамлакатимизда аёлларнинг сайловда фаол иштирок этишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Сайлов бўйича қонунларда аёллар номзодларнинг камида 30 фоизини ташкил этиши қатъий белгилаб қўйилган. Хорижий мамлакатларда ҳам хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масаласи устуворлик касб этмоқда. Жумладан, Корея Республикасининг 2004 йилда «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонунига киритилган ўзгартишларга мувофиқ, вакиллик органларига номзодлар рўйхатининг 50 % ини аёллар ташкил этиши, рўйхатнинг юқори қисмидаги номзодларнинг камида иккитаси аёл бўлиши шартлиги белгиланган.

Мамлакатимизда сайлов якунида берилган овозларни ҳисоблаш жараёнида сиёсий партияларнинг ишончли ва ваколатли вакиллари иштирок этиши белгиланган. Сиёсий партиялар кузатувчи ва ваколатли вакил институтининг имкониятларидан самарали фойдаланиши натижасида у ўз олдига қўйган мақсадга эришади. Бу барча сиёсий партияларга тенг шароит ва имкониятлар яратган ҳолда сайловларнинг ошқора ўтказилишини таъминлайди ҳамда кўппартиявийлик миллий модели ривожига ижобий таъсир кўрсатади.

Умуман олганда, фуқаролик жамиятини ривожлантиришда сайлов тизимини тўғри ташкил эта билиш муҳим бўлиб, у мамлакат тараққиётининг келажақда гуллаб-яшнашига ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Хуллас, кўппартиявийлик тизими шароитида сиёсий партияларга билдирилаётган ишонч ҳамда яратилаётган кенг шароит, имкониятлар демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Шунингдек, сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар халқимизнинг ҳозирги ҳаёти ва анъаналарининг ўзига хос жиҳатларини мужассам этади.

Хулоса қилиб айтганда, сиёсий партиялар сайлов жараёнини энг муҳим субъектларидан ҳисобланади. Айниқса, Ўзбекистон қонунчилигига биноан номзодлар кўрсатиш ҳуқуқи фақат сиёсий партиялар этиб белгиланганлиги бунинг яққол исботидир. Бу эса сиёсий партиялардан янада фаол бўлишни талаб этади.

Иккинчидан, мамлакатда сиёсий партиялар фаолияти, уларнинг сайлов жараёнларида иштирок этиши учун зарур ижтимоий-ҳуқуқий база яратилган.

Учинчидан, сиёсий партиялар фуқароларнинг сайлов тизимидаги иштироки ҳамда оқилона қарор қабул қилишлари учун имконият яратиши зарур, яъни сайловчини партиянинг дастури ва шу асосда амалга оширилиши режалаштирилаётган тадбирлар тўғри эканлигига ишонтира олиши муҳимдир.

Тўртинчидан, сиёсий партиялар сайлов кампаниясида ўз ғоя ва мафқурасини сайловолди дастури орқали билдириш имконига эга бўлади. Демак, партиялар ўз дастурларида халқ «дардини», унинг муаммоларини қамраб олган, мафқураси доирасидаги вазифалар ва уларнинг ечимларини кўрсатиб беради. Бу эса электоратни ўзига жалб этиб, сиёсий партиялар мақомининг ўсишига ёрдам беради ва кўппартиявийлик тизимининг ривожланишига хизмат қилади.

Бешинчидан, сайлов жараёни сиёсий партиялар фаолиятига баҳо берувчи мезон ҳисобланади. Сайловлар якуни бўйича кўпчилик депутатлик ўрнини қўлга киритган сиёсий партия ҳукумат раҳбари лавозими бўйича номзод тавсия этиш, қонун ижодкорлиги жараёнида ўз дастурларида белгилаб қўйган вазифаларни амалга ошириш имкониятларига эга бўлади.

Олтинчидан, сайлов қонунчилигимизни янада такомиллаштириш учун хорижий мамлакатлар амалиётида қўлланилаётган сайловолди ташвиқоти билан боғлиқ (масалан, телерадио мурожаатлари) муайян тартиблардан миллий менталитетимиздан келиб чиқиб, унга танқидий ёндашган ҳолда жорий этилиши ва амалий ижроси ижобий натижалар беради.

Шундай экан, сайлов жараёнлари фуқароларимизнинг демократик кўникмаларига айланиши зарур. Хусусан, Қонунчилик палата-

сида ўз вакилларига эга бўлган ҳар бир сиёсий партиёга бошқарувчи элитани шакллантириш, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш имконияти туғилади. Шунинг учун ҳам сиёсий партиёлар бўлажак сайловларда қонунлар доирасида фаолият юритиб, ўз олдларига қўйган мақсадларига эришишлари улкан аҳамият касб этади.

Такрорлаш учун савол ва топшириқлар

1. «Сайлов – демократия дегани. Демократия – бу сайлов дегани» ғоясининг мазмунини тушунтириб беринг.
2. Кўппартиявийлик тизими сайлов билан боғлиқлигини кўрсатувчи қандай омилларни биласиз?
3. Француз сиёсатшуноси М. Дюверже сайлов тизимининг кўппартиявийликка таъсирини кўрсатувчи элементлар тўғрисида қандай фикр билдирган?
4. Испания ва Дания қонунларида сайловда иштирок этаётган сиёсий партиёларга қандай ваколатлар берилган?
5. Буюк Британиянинг «Халқ вакиллиги тўғрисидаги Акт»ида кимларнинг сайлов ҳуқуқи чекланган?

Бобга оид адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2014. – 76 б.
2. «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрдаги 194-сон қонуни // URL – <http://www.lex.uz>
3. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси // Одам савдосига қарши кураш соҳасидаги миллий ва халқаро ҳуқуқ нормалари. –Тошкент: Yurist-media markazi, 2010. – 312 б.
4. Каримов И. А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т. 7. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999. – 413 б.
5. Каримов И. А. Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмади. Т. 13. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – 440 б.
6. Каримов И. А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодийтимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т. 16. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – 368 б.
7. Каримов И. А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т. 19. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – Б. 360 б.

8. Ахмадшоева М., Мухитдинова Ф. Умумэйтироф этилган тамойилларга мос // Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилиги: халқаро тажриба ва амалиёт: Давра суҳбати материаллари. – Тошкент: ТДЮИ, 2009. – 230 б.
9. Барамидзе С. М. Конституционно-правовой статус политических партий: законодательное регулирование и его развитие: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Казань: Казанский федеральный университет, 2012. – 27 с.
10. Джанда К. Сравнение политических партий: исследования и теория // URL – ravgoz.ru/files/jandaparties.pdf
11. Дюверже М. Политические партии // URL – http://bookz.ru/authors/duverje-moris/duverje_m01.html.
12. Желтов М.В. Институты избирательного права и выборов: социальные функции и роль в политическом устройстве общества. Автореф. дис. ... д-ра социол. наук. – Кемерово, Кемеровский государственный университет, 2005. – 48 с.
13. Политическая конкуренция и партии в государствах постсоветского пространства. – М.: ИНИОН РАН, 2009. – 272 с.
14. Пугачев В.П., Соловьёв А.И. Сиёсатшуносликка кириш. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2004. – 456 б.
15. Современные избирательные системы. Вып. 3: Испания, США, Финляндия, Япония / А.Г. Орлов, В.И. Лафитский, И.А. Ракитская. – М.: РЦОИТ, 2009. – С. 68.
16. Современные избирательные системы. Вып. 4: Австралия, Венесуэла, Дания, Сербия / [Т.И. Чурсина, А.Г. Орлов, И.А. Ракитская]. – М.: РЦОИТ, 2009. – С.251-253.
17. Современные избирательные системы. Вып. 8: Бразилия, Франция, Чехия, Южная Корея / А.Г. Орлов, М.А. Мещерякова, С.Я. Павлов. – М.: РЦОИТ, 2013. – С. 68.
18. Якубов Ш. Сайловлар жараёнларида сиёсий партиянинг ваколатли вакили ва кузатувчисининг иштироки // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. – 2014. – №3. – Б. 28-33.
19. Beetham D. Parliament and democracy in the twenty-first century: A guide to good practice. – Geneva: Inter-Parliamentary Union, 2006. – 216 p.

КЎППАРТИЯВИЙЛИК МИЛЛИЙ МОДЕЛИНИНГ ДЕМОКРАТИК ИНСТИТУТЛАРИ

4-§. Кўппартиявийлик миллий моделида демократик бошқарувнинг ўзига хослиги

Бошқарув масаласи ҳамisha жамият аъзоларини қизиқтириб келган. Кишилик жамияти тараққиётида бошқарувнинг турли шакл ва усулларидан фойдаланилган. Глобаллашув – бу аввало ҳаёт суръатларининг беқиёс даражада тезлашуви бўлиб, бу даврда фан-техника тараққиёти, кишилик жамиятида инсонлар ўртасидаги мулоқот маданиятининг ўзгариши бошқарувнинг иерархик ўсишига, яъни бирмунча мураккаб тус олишига сабаб бўлди. Демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қурмоқчи бўлган барча халқлар бошқарувни либераллаштириш ва демократлаштириш йўлини танлайди. ЎзРнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов таъбири билан айтганда, демократия – бошқарувнинг барча босқичларидаги эркинликдир. Албатта, жамият тараққиётида шу нарса кўзга ташланадики, қаерда бошқарув масаласи яхши йўлга қўйилган ва тартибга солинган бўлса, ўша ерда ижобий натижаларга эришилади.

Маълумки, бошқарув ўз мазмун-моҳияти, шакли, амал қилиш кўламига қараб фарқланади. Турли идора, ташкилот, муассасалар бошқарув институти орқали яқин муддатга ва узок истиқболга мўлжалланган режаларни амалга оширадилар. Сиёсий партиялар ҳам шулар жумласидандир. Кўппартиявийлик тизимида сиёсий партия давлат ва жамият бошқарувида иштирок этиш орқали ўз олдига қўйган мақсадга эришишга ҳаракат қилади. Айниқса, демократик бошқарувга таянган сиёсий партия ўзгача (олигархик, авторитар) бошқарувни амалга оширадиган партияга қараганда муҳим ютуқларга эришаётгани маълум. Шундай экан, сиёсий партияларнинг демократик бошқарув қоидаларига амал қилиши ижобий аҳамиятга эга. Афлотун бошқарув ҳақида фикр юритиб шундай деган: «...Яхши бошқарувни, агарда у мавжуд бўлса, бир, икки ёки нари борса айрим одамлардан

излаган маъкул. Бинобарин, биз бу кишиларнинг бошқаруви эзгу ниятларимизга, мавжуд қоидаларга мос ёки мос эмаслиги, улар бой ёки камбағаллигидан қатъи назар, муайян бошқарув санъатига мувофиқ идора этиптилар, деб ҳисоблашимиз керак бўлади». Ҳақиқатан ҳам, бошқарувчи шахс ёки бошқарувчилар гуруҳи (субъект) томонидан бошқарув объекти (инсон ёки жамият) мақсадга мувофиқ бошқарилганда объект тараққиётга эришади.

Афлотун бошқарув санъатини таъбатга ўхшатади. Яъни бемор табибга ишонса ва табиб уни яхши даволаса, бемор соғайиб боради, аксинча, табиб билимдон бўлмаса ва бемор унга ишонмаса соғлиғи ёмонлашиб боради. Бошқарув санъати ҳам ана шу жараёнга ўхшайди. Бошқарув объекти (шахс) бошқарув субъектига ишонган ҳолда унга бошқариш ваколатини беради. Субъект қанчалик моҳир бўлса, бошқарувдан кўзланган мақсадга эришилади.

Албатта, бундай жараёнда ҳар доим ҳам объектнинг фикрлари, ҳис-туйғулари субъект томонидан ҳисобга олинавермайди. Яъни субъект ижро учун қарорларни муайян шахс нуқтаи назаридан эмас, балки умум манфаати, давлат эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда қабул қилиши керак бўлади. Шу нуқтаи назардан, «яхши бошқарув – қонунийлик ва эркинлик кафолати, қонунийлик ва эркинлик эса яхши бошқарув сақлаб қолишининг кафолатидир» (Болингброк).

Бошқарув функцияси идора қилишни амалга оширишда ижро учун зарур бўлган бошқарув ҳаракатлари мажмуасини англатади. Бошқарув жараёни бирор вазифанинг бажарилиши кейингиси учун асос бўладиган вазифалар бажарилишининг кетма-кетлигидир. Агар кетма-кетлик жараёнида узилиш содир бўлса, бошқарув ўз функциясини тўлиқ бажара олмайди. Бунинг учун, албатта, бошқарувни амалга ошириш кетма-кетлигини тўғри белгилаш зарур бўлади. В. И. Кнорринг: «Кенг маънода, бошқарув – вақт ва ресурсларни камроқ сарфлаб, энг яхши натижага эришиш учун бошқарув объектига (шахс, жамоа, технологик жараён, корхона, давлатга) узлуксиз таъсир этиш жараёни», – дея фикр билдиради. Ҳақиқатан ҳам, идора этиш жараёнида олдинга қўйилган мақсадга эришиш учун кам вақт ва ресурслардан фойдаланилса, у ўзининг ижобий натижасини беради. Бунинг

учун эса субъект объектга тўғри йўл кўрсатиши, яъни вазифани топшириб, ижросини кузатиши талаб этилади. Бошқарув жараёни субъект ёки бир неча субъектлар томонидан қарор қабул қилишдан тортиб мақсадга эришишгача бўлган йўлни қамраб олади. Шунини эътиборга олиш керакки, бугунги кунда субъект (субъектлар)дан ташқари, айрим объектлар ҳам қарорлар ижросини назорат этишда иштирок этмоқда. Жамоатчилик назорати, ҳукумат раҳбари (Бош вазир), маҳаллий давлат органлари биринчи раҳбарлари (ҳоким)нинг ҳисобдорлиги бунга мисол бўла олади. Хусусан, ЎзР Конституциясининг 98-моддаси 5-бандида Бош вазир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳар йили мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан маърузалар тақдим этиши белгиланган бўлса, 103-моддаси ўзгартирилиб, унга «вилоят, туман ва шаҳар ҳокими тегишли халқ депутатлари Кенгашига вилоят, туман, шаҳар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан ҳисоботлар тақдим этади, улар бўйича халқ депутатлари Кенгаши томонидан тегишли қарорлар қабул қилинади», деган норма киритилди. Бундай янгилик халқ ўз вакиллари орқали ҳукумат раҳбари ҳамда вилоят, туман, шаҳар ҳокимлари фаолияти юзасидан жамоатчилик назоратини амалга оширишини таъминлайди. Шунингдек, парламент назорати, парламент сўрови, парламент тергови институтлари орқали ҳам бошқарув субъектларининг фаолияти назорат қилинади.

Фалсафий даражада бошқарув ҳақиқати жуда оддий: инсонларни бошқаришга қаратилган барча тизимлар фақат бир сабабга кўра, яъни одамлар ёлғиз ўзлари уддалай олмайдиган ишни бажаришда уларга кўмаклашиш учун мавжуд. Демак, ҳар қандай бошқарув пировардида бирлашишга интилаётган одамларни фаолликка рағбатлантиришга хизмат қилади. Бу жараён инсоният жамияти вужудга келганидан то ҳозирга қадар давом этмоқда. Жамият ривожининг илк даврларида одамзот фақат табиий жараёнлар туфайли уюшишга интилган ва ўзларига бошқарувчи белгилаган бўлса, бугун нафақат табиий, балки ижтимоий жараёнлар ҳам объектларнинг бирлашиши ва субъект томонидан идора этилишини келтириб чиқармоқда. Кишилик жамиятининг қадимги даврларида одамлар яшаш учун курашиб,

тирикчилик учун уюшганлар ва бу жамоани ёши улуғ уруғ ёки қабила оқсоқоли бошқарган. «Бу анча содда, давлатгача бўлган демократия ёки жамоавий ўзини ўзи бошқариш эди»¹.

Бугунги кунда инсонлар ўзининг иқтисодий-моддий аҳволини яхшилаш, хавфсизлигини таъминлаш, умуман айтганда, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ҳуқуқларини амалга ошириш мақсадида бир-бирларига таянмоқда. Демократик тартиб ўрнатилган жамиятда субъект сайланиш орқали кишилар уюшмасига раҳбарлик қилади. Бошқарув жараёнининг юзага келиши ҳақида О. Гелих ўз фикрини билдириб, бошқарув инсон фаолиятининг махсус тури бўлиб, кучларнинг ҳамкорликдаги ҳаракатини онгли-ақлий лойиҳалаштирувчи ва уюштирувчи сифатида пайдо бўладиган ўзига хос ижтимоий индивид – раҳбарнинг шаклланишига олиб келади, дейди. Таъкидлаш лозимки, бошқарувни амалга ошираётган раҳбарда ёки раҳбарларда бошқариш санъати вужудга келиши ва унинг асосида маънавий фазилатлар мажмуасига асосланган демократик бошқарув тартиби қарор топиши лозим. Демократик бошқарув деганда, инсон ҳақ-ҳуқуқларига дахл қилмайдиган, қонун устуворлигига асосланган, «янгиликка интилиш, талабчанлик, фидойилик» маънавий-ахлоқий фазилатларига таяниш тушунилади. М. Вебернинг фикрича, инсонлар оммаси сифатида тушуниладиган «демос» ҳеч қачон катта ижтимоий тузилмаларни мустақил идора эта олмайди, аксинча, унинг ўзи бошқарув объекти ҳисобланади ва ҳукмронлик қиладиган бошқарувчи элиталарнинг тури ҳамда унга таъсир этиш даражасини белгилайди, холос. Тўғри, кишилар оммаси жамиятдаги муайян тузилмаларни бевосита бошқармайди, аммо улар ўз вакилларини, яъни бошқарувчи субъектларни шакллантиришда бевосита иштирок этадилар.

Репрезентатив демократия (вакиллик демократияси)нинг элитар демократик концепциясида халқ сайлов орқали элитани юзага келтириши ва унинг фаолиятини назорат қилиши кўзда тутилади. Демак, демократия бу ҳолда халқнинг розилиги билан амалга оширилувчи элита бошқарувидир. Демократиянинг ушбу тури ўтиш даври мам-

¹ Пугачев В. П., Соловьёв А. И. Сиёсатшуносликка кириш. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2004. – Б. 241.

лакатларида бирмунча афзалликларга эга бўлиб, ўзига хос тартибни юзага келтиради, яъни бошбошдоқлик ва тартибсизликнинг олдини олади. Ҳақиқатан ҳам, элитар демократик концепция ушбу хусусиятлари билан бошқаларидан ажралиб туради.

Партиципатор демократия (бевосита иштирокчилик) эса ривожланган ҳамда фуқароларининг ҳуқуқий ва сиёсий маданияти юксак бўлган мамлакатларда ўз самарасини беради. Ушбу демократик бошқарувда халқ нафақат ўз вакилларини ҳокимиятга олиб келади, балки «қарорларни тайёрлаш, қабул қилиш ва амалга оширишда, шунингдек уларнинг бажарилишини назорат қилишда ҳам фаол қатнашишлари керак... Кўпчилик одамларнинг бошқарувда қатнашиши қарорлар қабул қилиш учун интеллектуал имкониятни, уларнинг мувофиқлашув эҳтимолини кенгайтиради. Демак, сиёсий тизимнинг барқарорлиги ва бошқарувнинг самарадорлигини оширади».

Демократик бошқарув кенг доирада, яъни давлат ва жамият даражасида ҳамда тор доирада, яъни муайян гуруҳ, оила, ташкилотлар ичидаги ўзаро муносабатлар асосида юзага келади. Фикримизча, кенг кўламдаги демократик бошқарув, аввало, тор доираларда амалга оширилади ва бунинг айрим жиҳатларини М. Вебернинг: «Демократик бошқарув ижтимоий табақаланиш кескин бўлмаган... муайян чегараланган шароитда бўлиши мумкин», деган фикри тасдиқлаши мумкин. Умуман олганда, «демократик бошқарувнинг принципиал асосини яхши ривожланган қонунчилик, фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ҳамда давлат ҳокимияти тузилмаларининг ҳуқуқий фаолияти ифодалайди». Ҳокимият хилма-хил бўлиб, *тури* бўйича – «сиёсий, иқтисодий, давлатга оид, оилавий», *шакли* бўйича – «ҳуқмронлик, раҳбарлик, бошқарув, ташкил қилиш, назорат», *амалга ошириш шакли* бўйича эса «обрў, ҳуқуқ, зўрлик» каби кўринишларда намоён бўлади. Демак, сиёсий ҳокимият институтларининг ижтимоий мақсади – жамият ташкилотларига хизмат қилиш, умумий ишларни бошқариш, давлат ва ижтимоий ҳаётнинг энг муҳим соҳаларини ривожлантиришга хизмат қилишдир. Уларнинг олий мақсади жамиятда ижтимоий-сиёсий барқарорлик, хавфсизликни сақлаш, зиддиятларни бартараф этиш орқали инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъмин-

лаш ҳисобланади. Бирор мамлакатда ушбу масала ижобий ҳал этилган бўлса, у ерда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий соҳаларда тараққиётга эришилмоқда. Ўзбекистон ҳам, «The World Justice Project» мустақил халқаро ташкилоти маълумотларига кўра, ҳуқуқ-тартибот ва хавфсизликни таъминлаш бўйича етакчи беш мамлакат қаторидан ўрин олганлиги диққатга сазовордир (2014 йил 24.04). Ёки иловадаги жадвал орқали 2015 ва 2016 йилларнинг 1-чораги бўйича Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий соҳаларида ўсиш бўлаётганлигини кузатиш мумкин.

Буларнинг барчаси Ўзбекистонда сиёсий ҳокимият ва унинг институтлари, шу жумладан, сиёсий партиялар «ўзбек модели»га асосланган тараққиёт моделини амалга оширишда муҳим ўрин тутаётганидан далолат беради. Чунки сиёсий партиялар бошқарув объекти сифатида субъектни шакллантиришда асосий воситачи ҳисобланади. Бошқарув субъекти ёки субъектлар номзоди сиёсий партиялардан кўрсатилганлиги учун ҳам партиялар дастури доирасида халқ ва жамият манфаатларини ифодалайдиган қарорлар қабул қилинади. Шубҳасиз, бу ўринда дастур жамият тараққиётини, унинг порлоқ келажаги ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфатларини қарор топтиришни, давлат ва жамият хавфсизлигини қамраб олган тақдирда бошқарув субъектининг сайловчи томонидан қўллаб-қувватланишига сабаб бўлади. Айниқса, кўппартиявийлик тизими шароитида партиялар ўртасида бошқарув субъектини шакллантириш жараёнида рақобат муҳити қарор топади. Ҳар бир партия парламентда кўп миқдорда депутатлик ўрнини эгаллашга ҳаракат қилади. Партиянинг парламентда энг кўп депутатлик ўрнини эгаллаши ҳукумат раҳбарининг номзодини таклиф этиш ҳуқуқини таъминлайди. Хусусан, Буюк Британия (икки партияли тизим), Ҳиндистон (етақчи партия мавжуд бўлган кўппартиявийлик тизими) мамлакатларида ҳукуматни эгаллаган партияга нисбатан муҳолафат институти – «соядаги ҳукумат» юзага келади. Таъкидланганидек, «соядаги ҳукумат» (муҳолафат) амалда ҳукуматни бошқараётган сиёсий партия фаолиятида йўл қўйилаётган камчиликларни халққа кўрсатиб беради. Партия олиб бораётган сиёсатнинг самара бермаётганини кўрсатиб, танқид қилади ва шу йўл

билан электорат ёки сайловчининг ҳукумат партиясига нисбатан ишончсизлигини юзага келтиради ёки, камида, келгуси сайловларда мазкур партияни қўллаб-қувватловчилар сони камайишига олиб келади. Шу сабабли ҳукумат тепасидаги партия, ўз фаолиятида хато ва камчиликларга йўл қўймасликка ҳаракат қилади. Демак, шундай амалий рақобат натижасида партия билан боғлиқ бошқарув объектлари ўзгариши ёки фаолияти таъминланиши мумкин.

Ёки парламентдаги озчилик (шунингдек, мухолафат) томонидан ҳукуматга нисбатан билдирилган ишончсизлик бошқарув субъектининг ўзгаришига олиб келади. Яъни, бу институтнинг қўлланилиши туфайли парламентда озчиликни ташкил этувчи партия вакиллари (ёки мухолафат)нинг манфаати ҳам эътибордан четда қолмайди. Парламентдаги кам сонли партия вакиллари учун ҳам бошқарув субъекти (Ҳукумат раҳбари)га муайян таъсир кўрсатиш механизмидан фойдаланиш имкони яратилган.

Маълумки, сиёсий партия ўз электоратининг манфаатини рўёбга чиқариш учун сиёсий ҳокимиятни эгаллайди, фуқаролар ва жамиятнинг давлат органлари билан алоқасини амалга оширади, сиёсий тизим, шунингдек давлат бошқаруви ҳамда фуқароларнинг сиёсий таълимини амалга ошириш учун муносиб вакилларини ажратади¹. Демак, сиёсий партиялар давлат ҳокимиятини шакллантиришда сайлов демократик институти орқали иштирок этади. Ўзбекистонда бошқарув субъектлари – Президент, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари (135 нафар), ҚР Жўқорғи Кенгеси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар, шунингдек, туман, шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари депутатлари сиёсий партиядан кўрсатилган номзодлардан халқ томонидан овоз бериш орқали бевосита сайланади. Давлатнинг бошқарув органларида фаолият олиб бораётган партия вакили партия ва электоратнинг манфаатини ифодалашга ҳаракат қилади. Ушбу ҳаракат натижаси қабул қилинаётган қонунлар ва қарорларда ўз аксини топади. Кўппартиявийлик тизимида давлат бошқарувини амалга оши-

¹ Партийная и политическая система России и государственное управление. Актуальный анализ: научная монография / Под общ. ред. С. С. Сулакшина. – М.: Научный эксперт, 2012. – С. 28.

раётган партия давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларида кам сонли вакилларга эга бўлган бошқа сиёсий партияларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига зид ҳаракатларни амалга ошириши салбий оқибатларга олиб келади. Шу боис улар ўзаро келишиб, ҳамкорликда фаолият кўрсатишлари мақсадга мувофиқдир.

Таъкидлаш жоизки, *ташқи демократик бошқарув* деганда сиёсий партия сайловларда иштирок этиши, давлат ҳокимиятини шакллантириши, ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи органида фаолият кўрсатиши, ижро ҳокимияти раҳбарини сайлаш жараёнларида иштирок этиши тушунилади. *Ички демократия* деганда партия таркибида демократик бошқарувнинг барча элементлари мужассамлашган бўлиши назарда тутилади. Чунки сиёсий партиялар демократиянинг муҳим элементи сифатида ички демократик тартибларни, аввало, ўзида амалга оширади. Албатта, бунда халқнинг ўзига хос менталитетини ҳисобга олиш муҳим. Масалан, АҚШдаги бошқарув асосида индивидуализм ва масъулият, назорат механизмлари ҳамда бошқарув тузилмаларини шакллантириш, ихтисослашув ва ташаббускорлик, хизмат поғоналарида кўтарилиш ва юксак ҳаракатчанлик кузатилса; япон бошқарув принципи, хитой ва корейсларники каби, жамоавийлик ва иерархия (қуйи мансабдорларнинг юқори мансабдорларга босқичма-босқич бўйсунуши)га асосланади. Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар эса, ўзбек халқининг менталитетидан келиб чиққан ҳолда, партиянинг ички бошқарув демократиясини қарор топтириши айти мумкин бўлади. Ўзбекистон сиёсий партияларининг ички бошқарув демократиясида ўзига хос модель кўзга ташланади. Буни партиялар бошқарув органларининг ташкилий тузилишидан билиш мумкин.

Жумладан, Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган иккита сиёсий партия – Ўзбекистон ХДП, «Адолат» СДПнинг юқори (олий) раҳбар органи қурултойдир. Қурултой ушбу партияларнинг беш йиллик фаолияти давомида камида бир марта чақирилиши белгилаб қўйилган. ЎзЛиДеП ва «Миллий тикланиш» ДПнинг олий раҳбар органи съезд ҳисобланади. У ЎзЛиДеП томонидан камида уч йилда, «Миллий тикланиш» ДП томонидан беш йилда бир маротаба ўтказилади.

Партиялар томонидан навбатдан ташқари қурултой ёки съездлар чақирилиши ҳам кўзда тутилган. «Адолат» СДПнинг навбатдан ташқари қурултойи Сиёсий кенгаш ташаббуси билан ёки партия аъзолари умумий сонининг камида учдан бир қисмини бирлаштирган партия ташкилотларининг талабига мувофиқ чақирилади. ЎзЛиДеПнинг навбатдан ташқари съезди Сиёсий кенгаш Ижроия қўмитасининг таклифи, Марказий назорат-тафтиш комиссияси ёки ҳудудий партия ташкилотлари учдан бир қисмининг талаби билан Сиёсий кенгаш қарори асосида чақирилади. Навбатдан ташқари съезд «Миллий тикланиш» ДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси, Марказий назорат-тафтиш комиссиясининг таклифига кўра ёки партия аъзолари умумий сонининг камида учдан бир қисмини бирлаштирувчи бир нечта партия ташкилотларининг талабига кўра Марказий Кенгаш қарори билан чақирилади. Ўзбекистон ХДПнинг уставида бу масала белгилаб ўтилмаган.

ЎзЛиДеП ва «Адолат» СДПнинг Сиёсий кенгашлари, Ўзбекистон ХДП ва «Миллий тикланиш» ДПларнинг Марказий кенгашлари съездлар оралиғидаги даврда партиянинг марказий раҳбар органи ҳисобланади.

ЎзЛиДеП ва «Адолат» СДП Сиёсий кенгашларининг Ижроия қўмиталари доимий фаолият юритувчи марказий бошқарув, ижроия ва мувофиқлаштирувчи органлар ҳисобланади. Жорий фаолиятни ЎзЛиДеП Сиёсий кенгашининг Ижроия қўмита аппарати, «Адолат» СДП Сиёсий кенгашининг Ижроия қўмита Марказий аппарати, «Миллий тикланиш» ДП Марказий Кенгашининг Ижроия қўмитаси девони, Ўзбекистон ХДП Марказий кенгашининг Ижроия қўмитаси Ҳайъати амалга оширади.

ЎзЛиДеП, «Миллий тикланиш» ДП, «Адолат» СДПнинг Марказий назорат-тафтиш комиссиялари ва Ўзбекистон ХДПнинг Марказий тафтиш комиссияси марказий назорат органлари бўлиб, молиявий-хўжалик фаолияти, партия бюджети масалалари юзасидан назорат-тафтиш ишларини амалга оширади.

Учта сиёсий партия, яъни ЎзЛиДеП, «Миллий тикланиш» ДП, «Адолат» СДПнинг ҳудудий ташкилотлари – «ҳудудий партия таш-

килоти» деб, Ўзбекистон ХДПники эса «минтақавий партия ташкилоти» (вилоятлар даражасидаги) деб номланади. Барча партиялар ҳудудий ташкилотларининг олий органи – конференция бўлиб, улар оралиғида ҳудудий партия ташкилотининг Кенгаши фаолият олиб боради.

Бошланғич партия ташкилотлари мамлакатимиздаги барча сиёсий партияларнинг негизини ташкил этади. Бошланғич партия ташкилоти тузиш учун «Миллий тикланиш» ДП, Ўзбекистон ХДП, «Адолат» СДПда – уч нафардан, ЎзЛиДеПда эса беш нафардан кам бўлмаган партия аъзолари талаб этилади.

Дарвоқе, бошқарув доирасини кенг ўлчамларда оладиган бўлсак, аввало бу жараён қуйи ташкилотлардан бошланади. Партиянинг қуйи ташкилотларида унинг самарали тартиби йўлга қўйилган бўлса, у партиянинг нуфузини оширади. Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган сиёсий партияларнинг бошқаруви бошланғич партия ташкилотларидан бошланади. Фикримизча, партия ташкилоти раҳбарида ғоявий эътиқод шаклланган бўлиши зарур. Ғоявий эътиқод, аслида, ташкилотнинг барча аъзоларида бўлиши талаб қилинади. Зотан, инсонда ғоявий эътиқод шаклланмаган экан, ўз олдига қўйган мақсадларини амалга ошириши учун ишонч бўлмайди. Партия етакчиси партия дастурида илгари сурилаётган ғояга қаттиқ эътиқод ва амал қилсагина уларга бошқаларни ишонтира олади. Партия аъзосида инсоний фазилатларни кучайтиришда айнан партия етакчисининг ўрни алоҳида аҳамиятга эга.

Сиёсий партия раҳбари (етакчиси) бошқарувда партия дастурига таянади. Шу билан бирга, қабул қилинаётган қарорлар ижросини таъминлашда назоратнинг ҳам, масъулиятнинг ҳам бўлиши қўйилган вазифаларнинг самарали бажарилишига имкон беради. Шунингдек, «бошқарувчи ўз олдига қўйган вазифаларни муваффақиятли бажариши учун ўзи бой маънавиятга, шунингдек, ташкилотдаги маънавий-ахлоқий муҳитнинг хусусиятлари, уни шакллантириш йўллари ва усуллари тўғрисида муайян билимларга эга бўлиши лозим».

Дарҳақиқат, партияга қабул қилишда илк танлов мезони – ғоявий эътиқодлилиқ. Шунингдек, партия аъзосида ватанпарварлик,

халқпарварлик фазилатлари ҳам бўлиши керак. Ватанпарвар, халқпарвар бўлмаган инсон ўз қобиғига ўралиб қолади, халқ дардига шерик бўла олмайди. Ҳозирги ўтиш даврида жамиятимиз сиёсий партиялар ҳамда аъзоларидан ана шу фазилатни кутади.

Ҳалоллик ва ростгўйлик кишилик жамиятида ҳар доим кадрлаб келинган. ЎзРнинг Биринчи Президенти Ислон Каримов ҳам: «Ҳалол турмуш кечирадиган инсон ҳаётидан мамнун ва рози бўлиб, қалби ва юраги осойишта, виждони пок, руҳий олами барқарор бўлиб, элнинг ҳурматини қозониб яшайди», – деб таъкидлаган. Партия раҳбари (раис, етакчи)да ҳалол ва ростгўйлик фазилатлари юксак даражада шаклланган бўлсагина, у ўзи бошқараётган жамоани етакчи ўринга олиб чиқади. Жамият аъзоларини ўзи эътиқод қиладиган ғояларга ишонтириб, муайян мақсадларни амалга оширишга сафарбар эта олади. Фақат «...ўз низомига ва жамият олдида турган муаммоларни ҳал қилиш борасида ўз нуқтаи назари аниқ ифода этилган ҳаракат дастурига эга бўлган сиёсий партиялар» буни уддалай олади.

«Ҳалоллик ва адолат билан ҳаёт кечириш каби олижаноб фазилатларнинг маъно-мазмунини нафақат чуқур англаш, балки ана шундай хусусиятларга эга бўлиш, уларга амал қилиб яшаш»¹ партия сафларидаги, шунингдек номзодлар учун дастуруламал бўлиб хизмат қилиши лозим.

Сиёсий партиялар фуқаролик жамиятининг субъекти сифатида фаолият олиб борар экан, асосий эътиборни давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорлик қилишга қаратиши муҳим. Демократик бошқарувнинг амал қилиши давлат ва жамият ўртасида субъект-субъект муносабатлари ўрнатилишига олиб келади. Натижада муҳим аҳамиятга эга ўринларни жамоатчилик сектори ва давлат-ижтимоий структуралар эгаллайди. Яъни сиёсий партиялар (улардан сайланган вакиллар) давлат ҳокимиятига келганидан сўнг, аввало, жамоатчиликка, уни қўллаб-қувватлаган электоратга «юқоридан» эмас, балки ўзи билан тенг қараб, корпоратив бошқарувни амалга оширади. Социолог С.М.Елисеев фикрига кўра, «...бундан кейин бошқарув анъанавий

¹ Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 25.

социал гуруҳларнинг имтиёзи бўлиб қолиши керак эмас. Фуқаролик ҳуқуқларининг кенгайтирилиши, ўз навбатида, маъмурий органлар томонидан барча шахсларга бир хил муносабатда бўлишни талаб этади». Яъни, фуқаролик жамиятида давлатнинг ижтимоийлашуви кенгайиб бораверади. Бу эса сиёсий партияларнинг фуқаролик жамиятининг субъекти сифатидаги мавқеини янада оширади. Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек: «Янгича ва мустақил фикрлайдиган, масъулиятли, ташаббускор, илғор бошқарув усулларини пухта ўзлаштирган, ватанпарвар, ҳалол кадрларни танлаш ва тайёрлаш бўйича самарали тизим»¹нинг айнан сиёсий партиялар сафида бошланиши ўзининг ижобий натижасини беради.

Демак, сиёсий партия вакиллик демократиясининг элементи бўлиб, ўзининг ички демократик тузилмаси, яъни бошланғич, ҳудудий (минтақавий) партия ташкилотлари орқали жамият учун зарур эҳтиёжларни аниқлаш, муаммоларни ҳал этиш имконини яратади. Шу сабабли ҳам, партиянинг ички тузилмасида, яъни «вертикал ўқ»да, унинг қуйидан то юқоригача бўлган органларида демократик бошқарув қарор топиши муҳим. Айниқса, кўппартиявийлик шароитида демократик бошқарув тизимининг қарор топиши бир неча омилларга сабаб бўлади. Яъни, партия ичида демократик бошқарувнинг йўлга қўйилганлиги вазифанинг самарали амалга оширилишини таъминлайди. Бу эса партиянинг жамият, халқ, шунингдек ўз электорати олдидаги мавқеини оширади.

Халқ эътирофига сабаб бўлган сиёсий партия давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органларини шакллантиришда бошқасига нисбатан катта имкониятларга эга бўлади. Кўппартиявийлик тизимини ривожлантиришдан кўзланган мақсадлардан бири ҳам ўзаро рақобат муҳитини қарор топтириб, электорат учун мақбул бўлган маконни юзага келтиришдир. Зеро, Ислом Каримов таъкидлаганидек, ҳар қандай ислоҳот биринчи навбатда инсон манфаатларини кўзлаб,

¹ *Мирзиёев Ш. М.* Демократик ислоҳотларни изчил давом эттириш, халқимиз учун тинч ва осойишта, муносиб ҳаёт даражасини яратиш – барқарор тараққиёт кафолатидир // URL – <http://uzlidep.uz/uzc/news/demokratik-islokhotlarni-izchil-davom-ettirish-halkimiz-uchun-tinch-va-osoyishta-munosib-khayot>

ҳаётимизни янги босқичга кўтариш учун амалга оширилади. Демак, кўппартиявийлик тизимида демократик бошқарувни юзага келтиришдан мақсад инсон манфаатларини таъминлаб беришдан иборатдир.

Таъкидланганидек, бошқарувнинг қуйида оқилона ташкил этилганлиги унинг нуфузини оширади. Шу билан бирга, бошқарув жараёни барча бўғинларда демократик тартибларга амал қилади. Бу эса партиянинг ҳам ички, ҳам ташқи демократик бошқарувини таъминлайди.

Хулоса қилиб айтганда, кўппартиявийлик тизимида демократик бошқарувга таянган сиёсий партия олигархик, авторитар партиядан муҳим ютуқларга эришиши билан фарқланади. Шу нуқтаи назардан, сиёсий партияларнинг демократик бошқарувга амал қилиши алоҳида аҳамият касб этади.

Сиёсий партияларнинг бошқарув органларида ички демократия ривожланиши учун, биринчидан, улар ўртасида вертикал алоқалар эмас, балки горизонтал «субъект-субъект» муносабатлари қарор топиши; иккинчидан, партия йиғилишларида озчилик ва кўпчилик фикрларини уйғунлиги асосида қарор қабул қилиниши; учинчидан, қарор ижросига ҳар бир партия аъзоси масъул бўлиши, уни ижросини таъминлашда сиёсий партиянинг юқори органлари қуйи, қуйи органлари юқори органларини назорат қилиши лозим.

Такрорлаш учун савол ва топшириқлар

1. «Демократия – бошқарувнинг барча босқичларидаги эркинликдир» деган фикрни изоҳланг.
2. Бошқарув нимани рағбатлантиради?
3. Демократик бошқарув деганда нимани тушунасиз?
4. Репрезентатив ва партиципатор демократиянинг маъносини изоҳлаб беринг.
5. Демократик бошқарувнинг кўлами ҳақида нималарни биласиз?
6. Кўппартиявийлик тизимида бошқарув самарасини нима билан белгиланади?
7. Партия бошқарувчиси (раис, етакчи)да қандай фазилатлар шаклланган бўлиши керак?

Бобга оид адабиётлар

1. Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б.302.
2. Каримов И. А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – Б. 240-241.
3. Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 12.
4. Каримов И. А. Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти куриш – ёруғ келажакимизнинг асосий омилидир //URL – <http://press-service.uz/uz/news/report/>
5. Болингброк. Письма об изучении и пользе истории. – М.: Наука, 1978. – С. 215.
6. Гелих О.Я. Управление и власть: философско-социологический анализ // Философия права. – 2012. – №4 (53) // URL – <http://elibrary.ru/item.asp?id=20139349&>
7. Катаев Д.В. Типы демократического управления в социологии М.Вебера / Известия Волгоградского гос. пед. ун-та. – 2009. – №8. – С. 73.
8. Кнорринг В. И. Теория, практика и искусство управления. – М.: НОРМА, 2001. – 528 с.
9. Леонова О. О., Костылева С. Ю. Специфика формирования современной модели управления // Политическое управление: научный информационно-образовательный электронный журнал. Сетевое электронное издание. – 2013. – № 03.
10. Мейтус В., Мейтус В. Политическая партия: стратегия и управление. – Киев: Эльга, Ника-Центр, 2004. – С.103.
11. Партийная и политическая система России и государственное управление. Актуальный анализ: монография. – М.: Научный эксперт, 2012. – С. 28.
12. Платон. Политик диалоги // URL – http://www.gumer.info/bogoslov_Buks/Philos/Platon/polit.php
13. Пушкарев Е.А. Критерии эффективности политико-правового взаимодействия в управлении // Власть. – 2010. – №12. – С. 135.

5-§. Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорғи Кенгеси, Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларида партия гуруҳлари фаолиятини мустаҳкамлаш усул ва воситалари

«Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги ЎЗР қонунининг 24-моддасида халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларининг асосий ваколатлари белгиланган. Депутатларнинг мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий соҳалардаги ислохотлар, ўзгаришлар билан ҳамнафас бўлишлари ўзлари фаолият олиб бораётган ҳудуддаги муайян тадбирларни амалга оширишларида ижобий натижага эришиш имконини беради. Қонунчилик нуқтаи назаридан, уларга яратилаётган шарт-шароитлар, ўз навбатида, жамиятда сиёсий партияларнинг мавқеини оширишга, кўппартиявийлик тизимини ривожлантиришга хизмат қилади. Ислом Каримовнинг: «Жойлардаги давлат бошқаруви органлари фаолиятини назорат қилиш бўйича ҳокимият вакиллик органларида депутатлар гуруҳларининг роли сезиларли равишда оширилган», деган сўзлари ҳам бунинг тасдиғидир.

Таъкидлаш жоизки, жаҳон мамлакатлари қонунчилигида ҳам маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик институтига алоҳида эътибор қаратилган. Чунончи, Италиянинг «Вилоят органлари тўғрисида»ги қонунида вилоят кенгашига сайланган депутатлар эълон қилингандан уч ҳафта ўтгандан сўнг, биринчи иш куни илк мажлисига йиғилишади. Кенгашнинг биринчи йиғилишига ёши улуғ маслаҳатчи раислик қилади¹. Бизнинг қонунчилигимизда ҳам мазкур нормага амал қилинади. «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонуннинг 17-моддасида: «Янги сайланган халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг биринчи сессияси ҳоким томонидан сайловдан кейин кечи билан уч ҳафталик муддат ичида чақирилади ва у кекса депутатлардан бири томонидан очилади» - деган норма ўз ифодасини топган. Ушбу норма билан мамлакатимизда ёши улуғларга нисбатан ҳурмат-эҳтиром намунаси кўрсатилмоқда. Ҳақиқатан ҳам, ёши улуғ

¹ Закон Италии об областных органах // Закон Италии № 62 от 10 февраля 1953 г. С изменениями, внесенными законами № 1084 от 23 декабря 1970 г.; № 281 от 16 мая 1970 г. // URL - <http://constitutions.ru/?p=5554>

инсоннинг ҳаётини тажрибаси ва малакаси амалга ошириладиган фаолиятга ижобий таъсир кўрсатади.

Халқ депутатлари Кенгашининг ҳар бир депутати ўз ваколатларидан самарали фойдаланиши учун, энг аввало, олдида турган ишлар кўлами ҳамда сайловчилар ишончини оқлаш борасида нималарни амалга ошириши лозимлигини аниқ тасаввур қилиши керак. Бунда ўз фаолиятини пухта режалаштириш катта аҳамиятга эга бўлади. Депутат ўз фаолиятини қуйидаги йўналишларда амалга ошириши мумкин: халқ депутатлари Кенгашининг сессияларида, шу жумладан, кўриладиган масалалар бўйича овоз беришда иштирок этиш; халқ депутатлари Кенгашининг ўзи аъзо бўлган доимий комиссияларида ишлаш; халқ депутатлари Кенгашида ташкил этилган партия гуруҳида ишлаш; депутатларнинг сайловчилар билан, уни халқ депутатлари Кенгаши депутатлигига номзод қилиб кўрсатган сиёсий партия ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ишлаши. Депутат юзага келадиган турли муаммолар ва уларни ҳал қилиш бўйича ўз таклиф ва мулоҳазаларига эга бўлиши керак. Албатта, ушбу вазифаларни бажариш учун депутат ўзига берилган ваколатлардан фойдалана олиши, ўзи мансуб партия мафкурасидан келиб чиқиб, электорат манфаатини ҳимоялайдиган қарорларни таклиф этиши, ўзи сайланган ҳудуддаги муаммолар ҳамда уларнинг ечимини кўрсата олиши керак. Бу эса депутатнинг, шу жумладан, унинг номзоди кўрсатилган сиёсий партиянинг жамиятдаги нуфузи ошириб беришига имкон беради. Чунки қонунчилигимизда маҳаллий халқ депутатлари Кенгашига номзодлар сиёсий партиялар (туман, шаҳар халқ депутатлари Кенгаши депутатлигига номзодлар сиёсий партиялар билан бирга фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари) томонидан кўрсатилиши белгилаб қўйилган. Бу эса аксарият депутатларнинг сиёсий партиялар кўрсатган номзодлардан сайланишига олиб келади ва Кенгашларда партия билан боғлиқ депутатлар бирлашмалари ташкил топишини таъминлайди.

Дарҳақиқат, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар корпуси муайян гуруҳлар ҳамда доимий ва муваққат комиссияларга аъзо бўлиши мумкин. Шулардан бири партия гуруҳидир. Маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар корпусининг партия гуруҳига бирлашишини белгилайдиган ҳуқуқий ҳужжат – «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги

қонуннинг 14-моддасида: «Партия гуруҳи – сиёсий партиядан кўрсатилган депутатлар томонидан партия манфаатларини ҚР Жўқорғи Кенгесиде, халқ депутатлари Кенгашида ифодалаш мақсадида тузилдиган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган депутатлар бирлашмасидир», деб белгиланган. Шунга мувофиқ, сиёсий партиялардан кўрсатилган номзодлар депутат бўлганларидан сўнг халқ депутатлари Кенгашларида ўз партиялари манфаатларини ифода этиш мақсадида партия гуруҳларига бирлашадилар. Чунки, депутатликка номзод партиянинг сайловолди дастури орқали сайловчига танилади. Маҳаллий Кенгашга сайланган депутат партия дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш орқали электорат манфаатини ифодалайди. Албатта, бунда партия гуруҳи аъзолари Кенгаш таркибида қанча кўп бўлса, электорат манфаатларини ифодаладиган шунча кўп қарорлар қабул қилинишига эришилади. Шундай қилиб, ҚР Жўқорғи Кенгесиде, вилоят, туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашларида муайян партиядан сайланган камида беш нафар депутатдан иборат партия гуруҳи ташкил этилади.

Маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳининг фаолияти партия манфаатидан келиб чиққан ҳолда электоратни қизиқтирадиган, муаммолар ечимини таъминлайдиган қарор лойиҳаларини кун тартибига киритиш, қарорлар қабул қилишда жонбозлик кўрсатишга қаратилади. Бу жараён электорат ва партия гуруҳининг ўзаро муносабатида янада аниқроқ акс этади. Шу нуқтаи назардан, *партия гуруҳи деб сиёсий партиянинг сайловолди дастурини маҳаллий ижро ҳокимияти қарорларига сингдириш мақсадида маҳаллий Кенгашларга сайланган камида беш нафар депутатдан иборат уюшмага айтилади.*

Партия гуруҳини тузишдан мақсад ҳам сиёсий партиялардан сайланган депутатлар орқали тегишли халқ депутатлари Кенгашларида ўз партиялари манфаатларини ифода этиш бўлиб, ҳар бир депутат, таъкидланганидек, партиянинг сайловолди дастури асосида сайланади ҳамда фаолият олиб боради. Партия манфаатининг асосини, шубҳасиз, биринчи навбатда, электоратини қизиқтирадиган, улар учун муаммо бўлиб келаётган масалалар ечимини келтириб чиқарадиган қарорлар лойиҳаларини кун тартибига киритиш, қарорларни қабул

қилишда жонбозлик кўрсатиш ташкил этади. Бугунги кунда «халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари фаолиятида сиёсий партиялар гуруҳларининг ролини кучайтириш, айниқса, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятини назорат қилиш борасидаги ваколатларини кенгайтириш»¹ масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда.

2014 йилнинг 20 январида қабул қилинган «ЎзРнинг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуннинг 12-моддасига асосан, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонуннинг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатда кўппартиявийлик тизимининг такомиллаша бориши ҳамда сиёсий партиялар ролининг ошишига хизмат қилди. Қонун партиялараро рақобат муҳитини фақат «юқори»да эмас, балки қуйи бўғинларда ҳам таъминлайди, партия гуруҳларининг ваколатлари ва ҳуқуқларини аниқлаштириш ҳамда кенгайтиришни назарда тутди.

Шу мақсадда, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонунга ҳам ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, 14-моддаси янги тахрирда қабул қилинди, 14¹-модда ишлаб чиқилди ва амалда қўлланилмоқда. Қонунда маҳаллий Кенгашларда фаолият юритаётган партия гуруҳи, унга аъзолик, рўйхатдан ўтказиш, тузиш, фаолиятининг тугатилиши (14-модда) кўзда тутилган.

Партия гуруҳи аъзоси маҳаллий Кенгашларга фақат шу партиядан номзоди кўрсатилган ва кўпчилик овоз тўплаб сайланган депутат бўлиши мумкин. Яъни, маҳаллий Кенгашларга партия томонидан номзод сифатида кўрсатилган партия аъзолари ҳам, партиясизлар ҳам сайланиши мумкин ва у фақат шу партия гуруҳига аъзо бўлиб кириши белгиланган. ЎзР Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2010 йил 30 декабрдаги «Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг намунавий регламенти»нинг 69-моддасига мувофиқ фақат фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашларига кўрсатилган депутатлар гуруҳга бирлашишлари мумкин.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг дастури // URL – <http://uzlidep.uz/uzc/news/uzbekiston-respublikasi-prezidentligiga-nomzod-shavkat-miromonovich-mirziyoevning-dasturi>

Партия гуруҳи депутатларнинг таъсис йиғилишида тузилади. Таъсис йиғилишида ташкилий масалалар ҳал этилади ва бу депутатларнинг ваколат муддати давомида самарали фаолият олиб боришига хизмат қилади. Демак, таъсис йиғилишига қадар муайян партиянинг халқ депутатлари Кенгашида белгиланган сондаги депутатлар корпуси шаклланган бўлсагина, унинг таркибини, сайланган депутатларнинг профессионал фаолиятини ўрганиш, партия гуруҳи раҳбарлигига номзодларни кўриб чиқиш мумкин бўлади.


Партия гуруҳини рўйхатга олиш масаласи ҚР Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари Кенгашларининг биринчи мажлисида кўриб чиқилади. Бунинг учун партия гуруҳи раҳбарининг аризаси ва таъсис йиғилиши баённомаси маҳаллий Кенгашларга топширилиши керак. ЎзР Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2010 йил 30 декабрдаги «Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг намунавий регламенти»нинг 70-моддасига асосан, «Партия гуруҳлари партия гуруҳи раҳбарининг тегишли аризаси ва таъсис ҳужжатларига асосан халқ депутатлари Кенгаши томонидан рўйхатга олинади».

Агар сиёсий партия маҳаллий Кенгашда белгиланган талабларга жавоб берадиган ва етарли миқдордаги депутатлик корпусига эга бўлса, партия гуруҳи тузилишини рад этиш учун ҳеч қандай асос бўлмайди. Партия гуруҳи тузилиши учун зарур бўладиган депутатларнинг энг кам сони ҳам кўзда тутилган. Чунончи, Қонуннинг 14-моддаси тўртинчи қисмига асосан: «ҚР Жўқорғи Кенгесидаги, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳамда шаҳарлар (вилоят марказлари) Кенгашларидаги партия гуруҳлари уларда тегишли сиёсий партиядан ҚР Жўқорғи Кенгесига ёки халқ депутатлари Кенгашига сайланган камида беш нафар депутат бирлашган тақдирда тузилади». Қонунда партия гуруҳи тузилиши учун зарур депутатларнинг аниқ сони белгилаб қўйилиши муҳим бўлиб, сиёсий партиялардан маҳаллий Кенгашларда партия гуруҳини шакллантириш мақсадида муайян депутатлик ўринларини қўлга киритиш учун фаол ҳаракат қилишлари талаб этилади.

Маҳаллий Кенгашларда партия гуруҳини ташкил қилиш учун етарли миқдорда (камида беш нафар) депутатнинг сайланганлиги, биринчидан, партиянинг сайловчилар томонидан қўллаб-қувватлан-

ганлигини англатса, иккинчидан, рўйхатга олинган партия гуруҳи томонидан таклиф этилган қарор лойиҳасининг қабул қилинишига самарали таъсир кўрсатади. Қуйидаги диаграмма орқали сиёсий партияларнинг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларида эгаллаган депутатлик ўринлари берилган.

2-диаграмма



Партия гуруҳининг фаолиятини тугатиш тартиби ҳам қонунда белгилаб қўйилган. Унинг фаолияти тугатилишига бир қанча сабаблар бўлиши мумкин. Бу, биринчидан, халқ депутатлари Кенгашлари томонидан рўйхатга олинган партия гуруҳининг ташаббуси билан бўлиши мумкин (партия гуруҳи аъзолари томонидан қабул қилинган қарор бунинг учун асос бўлиб хизмат қилади); иккинчидан, ҚР Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари Кенгашининг ваколат муддати тугаганда юз бериши мумкин (ЎЗР Конституциясининг 101-моддаси учинчи қисмига биноан халқ депутатлари Кенгашларининг ваколат муддати беш йил этиб белгиланган); учинчидан, тегишли сиёсий партиянинг фаолияти тугатилиши сабабли бўлиши мумкин.

Партия гуруҳларининг ҳуқуқлари «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонуннинг алоҳида (14¹) моддасида берилган. Жумладан, давлат ҳокимиятининг тегишли вакиллик органи Кенгашлар сессияси кун тартибини тузишда иштирок этади. Вакиллик органи сессия қўмиталари ёки комиссиялари раислари, раис ўринбосарлари ва аъзолигига номзодлар кўрсатиш юзасидан таклиф киритади ҳамда белгиланган ҳар бир масала юзасидан партия гуруҳи аъзосига сўз берилишини кафолатлайди.

Партия гуруҳларининг тегишли равишда ҚР Жўқорғи Кенгеси ва маҳаллий халқ депутатлари Кенгашига киритиладиган масалалар бўйича таклифи албатта кўриб чиқилади. Партия гуруҳлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

ҚР Жўқорғи Кенгеси ҳамда халқ депутатлари Кенгашларидаги партия гуруҳларининг фаолиятига ташкилий, техникавий ва бошқа хизматлар кўрсатиш Жўқорғи Кенгеснинг девони ва ҳокимликларнинг тегишли таркибий бўлинмалари томонидан таъминланади. Ҳар қандай маҳаллий Кенгаш депутати, Кенгашда партия гуруҳи тузилган ёки тузилмаганлигидан қатъи назар, бу ҳуқуқдан фойдаланади.

Давлат бошқарув органлари ва ижроия ҳокимиятда амалдаги қонунчиликка риоя этилишининг таъсирчан назоратини амалга ошириш жуда муҳим. Бунинг учун амалиётда ўз самарадорлигини кўрсатган депутат сўровидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонуннинг 14¹-моддасига асосан партия гуруҳи «тегишли равишда ҚР Жўқорғи Кенгесининг Раисига ва Вазирлар Кенгашига, вазирларига ҳамда бошқа давлат органлари раҳбарларига, ҳокимларга, ҳоким ўринбосарларига, ҳокимликлар бўлимлари ва бошқармаларининг раҳбарларига, шунингдек тегишли халқ депутатлари Кенгаши ҳудудида жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарларига сўров билан мурожаат қилиш» ҳуқуқига эга.

Масалан, Ўзбекистон ХДПнинг партия гуруҳлари томонидан давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига қарийб 4 мингга яқин, 2013 йил давомида ЎзЛиДеПнинг партия гуруҳлари томонидан мутасадди раҳбарларга 1 760 та, «Миллий тикланиш» ДП партия гуруҳлари томонидан 351 та, «Адолат» СДПнинг Тошкент ва Сирдарё вилояти Кенгашлари депутатлари томонидан 30 та депутатлик сўрови юборилган. Партия гуруҳлари орқали бу тадбирларнинг амалга оширилиши сиёсий партияларнинг жамиятдаги нуфузи юксалишига хизмат қилади. Шунингдек, электорат манфаати учун хизмат қиладиган қарорларни қабул қилиш, уларга кенг имконият яратиб бериш, ўз навбатида, партиянинг сайловолди платформасида белгиланган вазифаларни бажаришда алоҳида аҳамият касб этади.

«Сийсий партиялар тўғрисида»ги қонунга 2014 йил 20 январда киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар депутатлар ва улар орқали партия гуруҳлари томонидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш имконини яратади. Ҳақиқатан ҳам, партия гуруҳи, қонунга кўра, тегишли ҳудудда жойлашган давлат органи раҳбарининг ўз фаолияти масалалари юзасидан ҳисоботини ёки ахборотини маҳаллий Кенгашларнинг сессияларида эшитиш ҳақида таклиф киритади. Таклифни маҳаллий Кенгаш депутатларининг ярмидан кўпи қўллаб-қувватлаган тақдирда у кучга киради.

Мазкур янгилик сийсий партиянинг маҳаллий Кенгашдаги партия гуруҳи орқали электорат манфаатини ифода этиш имкониятини беради. Бугун партия электоратини кўпроқ сийсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий-маърифий муаммоларнинг ечими ташвишга солмоқда. Ушбу муаммолар ечими учун кўп ҳолларда жойлардаги биринчи раҳбар масъул эканлигидан келиб чиқсак, қонунчиликка киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар нафақат партия гуруҳларининг фаоллигини таъминлайди, балки мутасадди раҳбарларнинг масъулиятини оширишга ҳам хизмат қилади.

Бу борада республикамизда сийсий партияларнинг партия гуруҳлари томонидан бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Масалага биргина Ўзбекистон ХДПнинг партия гуруҳлари мисолида ёндашсак, фикримиз ўз исботини топади. Чунончи, партия томонидан 2014 йил давомида фуқаролардан тушган мурожаатлар ўрганилиб, уларда кўтарилган муаммоларнинг ечими партия гуруҳлари иштирокида 186 маротаба муҳокама қилинган. Партия гуруҳлари ташаббуси билан маҳаллий Кенгашлар сессияларида тегишли соҳаларга оид масалалар юзасидан мансабдор шахсларнинг 50 маротаба ҳисоботлари эшитилиб, партия электорати манфаатларига жавоб берувчи қарорлар қабул қилинган. Шунингдек, 30 маротаба тегишли вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари ва 20 маротаба ижтимоий, коммунал соҳа вакилларининг ҳисоботларининг тингланиб, партия дастури мақсадларидан келиб чиққан ҳолда чоратадбирлар амалга оширилган.

Ёки «Миллий тикланиш» ДП партия гуруҳлари томонидан ҳам мансабдор шахслар ҳисоботларини эшитиш йўлга қўйилган. Масалан,

халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгашидаги «Миллий тикланиш» ДП партия гуруҳи ташаббуси билан вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, «Қишлоқ қурилиш инвест» масъулияти чекланган жамияти инжинеринг компанияси Навоий вилоят филиали, вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси раҳбарларининг ҳисоботлари тингланган. Унда мутасадди раҳбарлар партия гуруҳига ечими кутилаётган баъзи масалалар борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирганлар. Чунончи, вилоят Ногиронларни реабилитация қилиш маркази учун янги бино қуриш, вилоятнинг чекка ҳудудларида истиқомат қилаётган аҳолини тўлиқ тиббий кўриқдан ўтказиш, таълим муассасалари, хусусан спорт мажмуаларида фаолият кўрсатаётган тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш мақсадида улар учун махсус ўқув курслари ташкил этиш, намунавий турар жойлар қурилишида иштирок этаётган ташкилотларнинг тажриба ва имкониятлари, қурувчилар учун яратилаётган шарт-шароитлар, Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази туман бўлимлари билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳамкорлигини янада кучайтириш ана шундай масалалардандир.

Бу эса партиянинг маҳаллий миқёсдаги роли ортиб боришига хизмат қилмоқда.

Дарҳақиқат, партиялар томонидан жойларда бир қатор ишлар амалга оширилаётганини кузатиш мумкин. Лекин шуни қайд этиш керакки, сиёсий партияларнинг жамиятдаги ўрнига, фаолиятига ҳақиқий баҳони сайловчи беради. Сайлов натижаларига кўра, маҳаллий халқ депутатлари Кенгашларида партия гуруҳлари ташкил этилади. Масалага 2014 йил 21 декабрда бўлиб ўтган сайлов якуни бўйича ҚР Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашлари депутатлигига сайланган депутатлар бўйича қарайдиган бўлсак, барча сиёсий партиялар маҳаллий Кенгашларда партия гуруҳларини тузиш имконига эга бўлишди. Республикадаги жами 806 та депуталик ўрнининг 305 тасини (37,8 %) ЎзЛиДеП, 214 тасини (ўртача 26,5 %) Ўзбекистон ХДП эгаллаган. Депутатлар сони бўйича кейинги ўринларни 178 депутати билан «Миллий тикланиш» ДП

(ўртача 22,0 %), 109 депутати билан «Адолат» СДП (ўртача 13,5 %) эгаллади. «Миллий тикланиш» ДП Тошкент вилояти ҳамда «Адолат» СДП Бухоро ва Қашқадарё вилоятлари Кенгашларида энг кам 5 нафарлик депутатлик ўрнини эгаллаб, партия гуруҳини шакллантиришди.

ЎзЛиДеП, Ўзбекистон ХДП маҳаллий Кенгашларда энг кўп депутатлик ўринларига эгаллиги билан ажралиб туради. Лекин шуни таъкидлаш зарурки, ушбу партиялар ҳам сайлов натижалари бўйича 2009 йилдагига нисбатан 2014 йилда кам депутатлик ўринларини эгаллаган. Чунончи, ЎзЛиДеП 2009 йилда 330 та депутатлик ўрнига эга бўлган бўлса, 2014 йил натижасига кўра 305 тагача (– 25 та), Ўзбекистон ХДП тегишлича 285 тадан 214 тага (– 71 та) камайган. Ва аксинча, «Адолат» СДП 69 тадан 109 тага (+ 40 та), «Миллий тикланиш» ДП 143 тадан 178 тага (+ 35 та) кўпайган. Дарвоқе, ҚР Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашларига бўлган сайлов яқунлари бўйича ЎзЛиДеП, Ўзбекистон ХДП ўз позицияларидан бирмунча чекинганлигини, «Адолат» СДП ва «Миллий тикланиш» ДП эса позицияларини мустаҳкамлаш учун ҳаракат қилганликларини кўрамыз. Буни ЎзЛиДеП, Ўзбекистон ХДП жойларда хотиржамликка берилиб қолганлиги, ўзига нисбатан ишончи ҳаддан зиёд ортиб кетганлиги билан изоҳлаш мумкин. «Адолат» СДП ва «Миллий тикланиш» ДП эса бу имкониятдан оқилона фойдаланишга ҳаракат қилиб, ўз мавқеларини бирмунча яхшилаб олишган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, барча партиялар шу жиҳатдан янада юқори натижаларга эришиш йўлларини топиши зарур. Бунинг учун партиялар, биринчидан, электоратни ўзига кенг жалб қиладиган сайловолди дастурлари тақдим этишлари, иккинчидан, фуқарога ўзини яқиндан таништириш имконини берадиган тадбирларни ташкил қилиши, учинчидан, фуқаролар билан партия ўртасидаги муносабатларни фаоллаштириши муҳим.

Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларига сайланган 5181 нафар депутатдан 1775 нафарини (34,2%) – ЎзЛиДеП, 1657 нафарини (31,9%) – Ўзбекистон ХДП, 912 нафарини (17,6%) – «Миллий тикланиш» ДП, 721 нафарини (13,9%) эса «Адолат» СДП вакиллари ташкил қилди. Шу жиҳатдан қараганда, ЎзЛиДеП – ҚР, Бухоро,

Наманган, Самарқанд, Тошкент, Хоразм вилоятларида; Ўзбекистон ХДП – Андижон, Навоий, Наманган, Сирдарё, Тошкент, Хоразм, Қашқадарё вилоятларининг барча туман ва шаҳар Кенгашларида партия гуруҳи тузиш учун белгиланган энг кам (беш нафар) миқдордаги депутатлик ўринларини қўлга киритишди. «Миллий тикланиш» ДПнинг фақат Навоий вилоятининг халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларида (10 та) тўлиқ партия гуруҳи шаклланди. «Адолат» СДП эса республикамиз вилоятлари халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларининг барчасида ҳам партия гуруҳи туза олмади. Партия Самарқанд вилояти халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларида энг кўп (16 тадан 12 тасида) ва Сирдарё вилоятида энг кам (битта – Ширин шаҳри халқ депутатлар Кенгашида) партия гуруҳи тузиш имконига эга бўлди. Бу кўрсаткич партиянинг жойларда етарли даражада фаоллик кўрсата олмаётганидан далолат беради.

Таъкидлаш жоизки, сиёсий партиялар юқоридаги натижалардан тегишли хулоса чиқариб олишлари керак. Чунки, партиянинг нуфузи, ривожини, истиқболини белгилаш куйидан бошланади. Шу сабабли ҳам сиёсий партиялар истиқболда ўзларининг сайловолди дастурларида белгиланган вазифаларни маҳаллий Кенгаш қарорларига киритишлари лозим. Шубҳасиз, уларнинг ижросини жамоатчилик назорати орқали таъминлаш ҳам муҳим. Иккинчидан, партия ўз имижини шакллантиришга катта аҳамият қаратиши лозим. Бу партиянинг аҳоли орасидаги мавқеи янада юксалишига олиб келади. Учинчидан, партиялар жойларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш бўйича шартномалар (дастурлар) ишлаб чиқишлари ва уларни ҳаётга татбиқ этишлари керак. Чунки, ҳозирги пайтда фуқаролик жамияти институтларининг электорати катта сиёсий кучга эга. Тўртинчидан, ҳокимларни тайинлаш ва лавозимидан озод қилишдан мақсад ҳокимликларнинг талаб даражасида оқилона ва самарали фаолият кўрсатишини таъминлашдир. Яъни, улар томонидан қонунларнинг, мамлакат Президентининг қарорлари, фармонлари ва фармойишларининг ҳамда ҳукумат қарорларининг ўз вақтида ва тўлиқ ижро этилишини бажариш асосий мақсад бўлиб қолмоғи керак.

Фикримизча, кўппартиявийлик миллий модели ривожини ҳамда истиқболини белгилашда сиёсий партияларнинг маҳаллий Кенгашлардаги фаолиятига катта эътибор қаратилади. Бунинг натижасида жамиятда партия гуруҳларининг ўрни ва роли сезиларли даражада юксалиб бормоқда. Партия гуруҳлари ҳуқуқ ва ваколатларининг кенгайтирилиши жойларда юзага келган муаммоларнинг ҳал этилишига олиб келади. Фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш, партия гуруҳларининг фаоллигини янада ошириш, манфаатдорлигини кучайтириш мақсадида вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари сайловида энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партияларга ёки тенг миқдордаги депутатлик ўринларига эга бўлган бир нечта сиёсий партияга вилоят (Тошкент шаҳар) ҳокими номзодини Бош вазирга тавсия қилиш ҳуқуқини бериш мақсадга мувофиқ. Бош вазир эса, ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-бандига биноан вилоятлар ҳокимлари ва Тошкент шаҳар ҳокими номзодини Президентга тақдим этади.

Туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашларида партия гуруҳини шакллантириш учун белгиланган миқдордаги депутатларига ҳамда туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашига бўлган сайловда энг кўп депутатлик ўринларига эга бўлган сиёсий партиялар ёки тенг миқдордаги депутатлик ўринларини қўлга киритган бир нечта сиёсий партияга туман, шаҳар ҳокими номзодини тегишли вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимига тавсия этиш ҳуқуқи берилиши ҳам мақсадга мувофиқдир.

Бунга сабаб, давлат ҳокимиятининг қуйи бўғинлари раҳбарлари номзодларининг сиёсий партиялар томонидан кўрсатилиши жамиятда партиялар мавқеининг кўтарилишига, сайлов жараёнида улар ўртасида ўзаро рақобат муҳити ривожланишига, энг муҳими, кўппартиявийлик миллий моделининг истиқболи таъминланишига хизмат қилади.

Шунингдек, сиёсий партияларнинг маҳаллий Кенгашдаги партия гуруҳлари ва парламентдаги фракциялари ўртасидаги алоқаларни таъминлайдиган механизмни ишлаб чиқиш лозим. Бу, ўз навбатида, сиёсий партиянинг дастурларида белгиланган ғоялари, олдига қўйган мақсадларини рўёбга чиқаришда муҳим стратегик омил бўлиб хизмат

қилади. Чунки, сиёсий партияларнинг маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари жойларда юзага келган муаммоларни ҳал қилиш имконига эга бўлмаса, уни юқори – парламентдаги фракцияси доирасида ечиш чораларини кўриш керак бўлади.

Кўппартиявийлик тизими шароитида партия гуруҳлари фаолиятининг ҳуқуқий таъминланиши жамиятда соғлом рақобат юзага келишига, ҳар бир партия ўз вакиллари орқали ўз дастурида белгиланган вазифаларни маҳаллий Кенгашларда кўриб чиқиш ҳамда ижросини таъминлаш имконига эга бўлади. Бундан халқ манфаатдор бўлади, жамият тараққиёти юксалаверади.

Такрорлаш учун савол ва топшириқлар

1. Депутатларга яратилаётган шароитлар нимани таъминлайди?
2. Депутат ўз фаолиятида нималарга эътибор бериши зарур?
3. Партия гуруҳи деганда нимани тушунасиз?
4. Партия гуруҳи нима мақсадда тузилади?
5. Партия гуруҳининг фаолияти нима асосида тугатилади?
6. Партия гуруҳи фаолиятини ривожлантириш омилларини айтиб беринг.

Бобга оид адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2014. – 76 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 2014. – № 4. – 45-модда.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. – 2005. – № 3–4. – 20-модда.
4. ЎзР «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонуни // URL – http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=112170&query=undefined
5. Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // URL – <http://press-service.uz/uz/news/5084/>
6. Закон Италии об областных органах // Закон Италии № 62 от 10 февраля 1953 г. С изменениями, внесенными законами № 1084 от 23 декабря 1970 г.; № 281 от 16 мая 1970 г. // URL – <http://constitutions.ru/?p=5554>

7. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари, уларнинг доимий комиссиялари ҳамда маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари депутатлари фаолиятини ташкил этишнинг айрим жиҳатлари бўйича услубий тавсиялар: Амалий қўлланма. – Тошкент, 2012. – 192 б.
8. Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги сиёсий париялар гуруҳлари фаолиятини ташкил этиш: Методик қўлланма. – Тошкент: Navro'z, 2014. – 80 б.
9. Закон Украины «О статусе депутатов местных советов» // URL – <http://pravoved.in.ua/section-law/83-zuosdms/495-glava04.html>
10. Закон Кыргызской Республики «О статусе депутатов местных Кенешей» // URL – http://www.prokuror.kg/index.php?option=com_content&view=article&id=763&catid=82&Itemid=109&lang=ru
11. Закон Республики Беларусь от 27 марта 1992 г. №1547-XII «О статусе депутата местного Совета депутатов» // URL – <http://pravo.levonevsky.org/bazaby/zakon/zakb1395.htm>
12. Регламент представительного органа сельского поселения // URL – http://zrko.ru/municipalities/sokolovskoe_poselenie/files/reglament_predstavitelno_ogo_organa.php
13. Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг намунавий регламенти. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2010 йил 30 декабрдаги 154–II-сонли Қарорига 1-илова // URL – <http://www.senat.uz/uz/kengash/xalq-deputatlari-viloyat-tuman-shahar-kengashi-namunaviy-reglament.html>
14. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари ваколатлари кучайтирилди // URL – <http://sharh.uz/siyosat/item/672-xalq-deputatlari-mahal-liy-kengash-partiya-guruhi>

6-§. Сиёсий партия фракцияларининг қонун ижодкорлиги жараёнидаги фаолиятини такомиллаштириш

Таъкидлаш лозимки, «кишиларнинг иродаси, манфаатларини давлат органлари вакиллик фаолиятига айлантиришга асосланган партияларнинг ўрни жуда муҳим (ҳозирги пайтда партиявий тизим ҳокимиятнинг вакиллик органларида партиявий бирлашма кўринишида ташкил этилган). ...Партиялар фаолияти бошқа сиёсий тизимнинг субъектлари ваколатларини кенгайтириши зарур, яъни бу депутатлар ва фуқароларнинг тўғридан-тўғри муносабатларини, фуқароларнинг манфаатларини партия маъмурияти манфаатларига алмаштириш керак дегани эмас. Бундай урғу депутатлар ва сиёсий партияларнинг, шунингдек, вакиллик ҳокимияти органларидаги партиялар фракциялари муносабатларининг ҳуқуқий тартибга солинишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади» (А.Т.Карасев).

Сиёсий партиялар фракциялари «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги қонуннинг 25-моддасига биноан ўз ваколатларини амалга ошириш жараёнида фуқароларнинг манфаатларини ифодалайди. Чунки, сайловчи ўз иродасини ифода этган ҳолда давлатнинг олий вакиллик органида сиёсий партиялар фракцияларининг юзага келишига сабаб бўлади ва ўз манфаатларини рўёбга чиқариш учун хизмат қиладиган қонунлар қабул қилинишига ҳаракат қилади. Умуман, сиёсий партияларнинг фракциялари ўз ваколатларини амалга ошириш жараёнида партия маъмуриятининг манфаатини эмас, балки электорат ва халқ манфаатининг уйғунлаштирилишини ифодалайдиган қонун лойиҳалари борасида таклифлар киритиши зарур.

ЎзР Конституциясининг 83-моддасига мувофиқ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга. Германияда Бундестаг Регламентининг 75-моддаси а-бандига асосан Бундестаг фракциялари қонун лойиҳаси ташаббускори бўлиши, мамлакат Асосий қонунининг 76-моддаси биринчи қисмига биноан Бундестаг депутатлари томонидан илгари сурилган қонун лойиҳаси Бундестаг фракцияларидан бири ёки Бундестаг депутатларининг 5

фоизи (ҳозирги кунда 31 нафар) томонидан имзоланиши шартлиги кўрсатиб ўтилган. Асосий қонуннинг 38-моддаси биринчи қисмига кўра фракция томонидан илгари сурилган қонун лойиҳасини фракция қўллаб-қувватлаганидан ва фракция етакчиси имзолаганидан кейин у расмий мақомга эга бўлади. Швейцарияда ҳам фракция томонидан илгари сурилган қонун лойиҳаси ёки қонунчилик таклифи (мазкур мамлакатда қонун лойиҳаси таклифидан ташқари, қонунчилик таклифи ҳам киритилиши белгиланган) фракция раҳбари томонидан имзоланиши керак. Жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари (Германия, Польша, Чехия, Швейцария)да фракцияларга қонун ижодкорлиги жараёнида кенг ваколатлар берилганлигини кузатиш мумкин.

Маълумки, Ўзбекистонда сиёсий партиялар фракцияларига қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи берилмаган. Тадқиқотчи И. А. Котеловскаянинг фикрига биноан, «аслида, кўмиталар ҳамда фракциялар фракцион ёки сиёсий депутатлар бирлашмасини ташкил этади, шунинг учун уларга қонунчилик ташаббуси ҳуқуқининг берилиши конституциявий нормаларни бузмайди». Фикримизча, Ўзбекистонда сиёсий партиялар фракцияларига қонунчилик ташаббуси ҳуқуқининг берилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки, «сиёсий партия фракцияларига қонунчилик ташаббуси ҳуқуқининг берилиши конституциявий нормалар билан мустаҳкамланган қоидаларга зид эмас ва Қонунчилик палатаси депутатининг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига дахл қилмайди, балки уни амалга оширишдаги камчиликларини тузатади». Бу қонунларда белгиланган (ЎЗР Конституциясининг 83-моддаси, ЎЗР Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисидаги Конституциявий қонуннинг 27-моддаси ва ҳ.к.) «қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари эга», деган тушунчага аниқлик киритади. Иккинчидан, фракция томонидан таклиф этилаётган қонун лойиҳаси бошқа фракциялар ва масъул кўмита томонидан ўрганиб чиқилиб, фикр, таклиф ва хулосалар берилишини таъминлайди. Бу эса қонун лойиҳасининг қизгин муҳокама қилинишига сабаб бўлади. Парламентда камчиликни ташкил этган (кам сонли) фракцияни ҳам фаолликка ундаб, таклиф, тавсия, хулосалар беришига олиб келади. Учинчидан, Парламентда муҳолафат деб

эълон қилинган фракцияга ҳам катта имконият яратиб беради. Яъни, улар қонунларда белгиланган (қаранг: ЎзР Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисидаги Конституциявий қонуннинг 25¹-моддаси, Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисидаги Конституциявий қонуннинг 2-моддаси, ЎзР Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисидаги қонуннинг 9¹-моддаси) қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган субъект томонидан илгари сурилган қонун лойиҳасининг муқобил тахриринигина эмас, балки ўзи ҳам муҳолафатдаги фракция сифатида жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий соҳаларида юзага келган ҳуқуқий бўшлиқни бартараф этувчи қонунлар лойиҳасини таклиф этиш ҳуқуқини қўлга киритади. Фикримизча, бундай қоиданинг қонунчиликка киритилиши фракциялар фаолиятини яхшилаш, рақобат муҳитини қарор топтириш билан бирга, муҳолафат институтининг янада такомиллашувини таъминлайди.

Бундан ташқари, айрим хорижий мамлакатларда халқнинг қонунчилик ташаббуси билан чиқиши амалиёти қўлланилади. Хусусан, Австрия, Испания, Италия, Швейцария, Бразилия, Филиппин давлатларида ушбу амалиёт умумдавлат даражасида амалга оширилади. Масалан, Бразилияда парламент томонидан халқ қонунчилик ташаббуси таклифи қонун лойиҳаси сифатида қабул қилиниши учун мамлакатнинг камида бешта штатидан 1 фоиздан кам бўлмаган имзолар тўпланиши зарур. Швейцарияда 100 минг сайловчи Иттифоқ конституциясига ўзгартиш киритиш бўйича халқ қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин. Испанияда 500 минг сайловчининг таклифи билан халқ қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи амалга оширилиши мумкин.

Шунингдек, Испания Асосий қонунида мамлакат фуқаросига яқка тарзда ёки жамоа бўлиб ёзма мурожаат қилиш ҳуқуқи берилган. Италия Конституциясининг 71-моддасига биноан 50 мингдан кам бўлмаган сайловчилар Парламент палаталаридан бирига қонун моддалари шаклидаги лойиҳани тақдим этиши кўзда тутилган. Референдум тўғрисидаги ЎзР қонунининг 11-моддаси иккинчи қисмида Ўзбе-

кистон фуқаролари референдумга қўйиладиган қонун лойиҳасини белгилашда тенг ҳуқуққа эгаллиги белгиланган. Демак, Ўзбекистонда фуқаролар қонуннинг референдум орқали ҳам қабул қилинишига эришишлари мумкин.

Таъкидлаш жоизки, фуқаролар қонун лойиҳасини парламентга хорижий мамлакатлардаги каби бевосита эмас, балки билвосита, яъни сиёсий партиялар орқали таклиф этиши масаласини кўриб чиқиш керак. Парламент қўйи палатаси сайловларида иштирок этиб, етарли овоз тўплаб, фракциясини тuzган сиёсий партияларга қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи берилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Бу, биринчидан, жамиятда сиёсий партиялар халқнинг дардига қулоқ тутадиган, уларнинг муаммоларини ҳал этишда ёрдам берадиган субъект сифатидаги ролини бажаришида катта аҳамиятга эга бўлади. Иккинчидан, бу амалиёт жамиятда сиёсий партияларнинг нуфузи ошишига хизмат қилади, уларнинг аморф ва турғун ҳолатдан чиқиб, ҳаракатчан ва ишчан ҳолатга келишига сабаб бўлади. Учинчидан, сиёсий партияларнинг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланиши демократиянинг муҳим элементи ҳисобланиб, фуқаролик жамиятини ривожлантиришга халақит бермайди, аксинча, тараққиётини янада тезлаштиради. Тўртинчидан, кўппартиявийлик тизими шароитида сиёсий партиялар ўртасида қонун лойиҳасини таклиф этишдан то уни қабул қилишгача бўлган жараёнларда рақобат муҳитини юзага келтириб, қонунларнинг сифати янада яхшиланишига олиб келади.

Х. Т. Одилқориев таъкидлаганидек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари қонун чиқариш фаолиятида таъсирчан қатнашиб, шу тариқа давлат бошқарувида муносиб ҳисса қўшиш имконига эга бўладилар. Сиёсий партиялар фракциялари муҳокама этган ва парламент томонидан қабул қилиниши кўзда тутилган қонуннинг сифати келажакда давлат механизмининг мукамал фаолиятини таъминлаб бериш учун хизмат қилади.

С. М. Барамидзе Россия Федерацияси қонунчилиги мисолида «депутатлар фракцияси амалдаги қонунларга мувофиқ қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга эмас, лекин қонунчилик ташаббуслари оқимини тартибга солиш ва регламентини белгилашга жиддий таъсир

кўрсатади», – деган фикрни билдиради. Бизнинг қонунчилигимизда ҳам айнан шу ҳолат кўзга ташланади. Яъни, фракциялар қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлмаса-да, муайян даражада қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш, муҳокама этиш, таклиф ва мулоҳаза ҳамда хулосалар бериши белгиланган.

Партиянинг парламентдаги вакиллари фракцияларни ташкил этади. Партия ва фракцияларнинг етакчилари, одатда фундаментал сиёсий эътиқодлари орқали гуруҳ ва уюшмаларни ҳосил қилади. Сиёсий партия ва фракция ўртасида камдан-кам ҳолларда барқарор низо содир бўлади. Партия лидерлари (парламент гуруҳи етакчилари ёки фракциялар) одатда катта таъсир кучига эга бўладилар. Улар парламентдаги вазифаларидан ташқари, партия ва унинг парламентдаги фракциялари ўртасида юзага келиши мумкин бўлган кескин муносабатларни юмшатишга ҳаракат қиладилар. Фракциялардаги бирдамлик ҳамда тартиб зарурий ва қонуний ҳолатда бўлиши лозим¹. Бундай соғлом ҳолат муҳокама ва қабул қилинаётган қонунларда ўз ифодасини топади. Айтиш жоизки, фракциялар томонидан муҳокама қилинаётган қонунлар кескин мунозараларга сабаб бўлиши мумкин. Лекин бундай жараёнларда фракция аъзоларининг муаммони партиялар дастурларида белгиланган вазифаларни ҳисобга олиб ҳамда электорат манфаатидан келиб чиққан ҳолда ҳал этиши ижобий натижа беради. Шунингдек, муҳокама қилинаётган қонун бўйича фракция аъзоларининг ҳамфикрлиги партия фракцияси ички демократиясининг устунлигидан далолат беради.

«Сиёсий партиялар ўзларининг парламентда эгаллаган салмоқларидан келиб чиқиб, ўз фракциялари воситасида қонунларни қабул қилиш, ҳокимият органлари фаолиятини назорат қилиш каби халқаро меъёрлардаги фаол сиёсий жараёнларга тортиладилар». Ўзбекистон қонунчилигига мувофиқ, муайян депутат қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланиб, муҳокама учун қонун лойиҳасини киритиши мумкин. Лекин, депутат томонидан киритилган (у ўз ҳуқуқидан фой-

¹ Hofmeister, Wilhelm. Political parties: functions and organisation in democratic societies / Wilhelm Hofmeister and Karsten Grabow. – Singapore: Konrad Adenauer Stiftung, 2011. – P. 70-71.

даланиб, ҳеч қандай фракцияга аъзо бўлмаса-да) қонун лойиҳаси фракция мажлисларида муҳокама қилиниши шартлиги белгилаб қўйилган. Чунончи, ЎзР Олий Мажлис Қонунчилик палатаси регламенти тўғрисидаги Қонуннинг 13-моддасида Қонунчилик палатаси Кенгаши Мувофиқлаштирувчи гуруҳнинг ахборотини эшитиб, қонун лойиҳасини дастлабки тарзда кўриб чиқиши учун бир вақтнинг ўзида масъул қўмита ва фракцияларга қонун лойиҳаси ҳамда унга илова қилинган материалларни топшириши белгиланган. Тақдим этилган қонун лойиҳалари муҳокамаси сиёсий партияларнинг фракциялари ва масъул қўмита томонидан бир вақтда кўриб чиқилади. Қонунда кўзда тутилганидек, фракцияларнинг қонун лойиҳалари бўйича фикр ва таклифларисиз масъул қўмита ўз хулосасини чиқариш ҳуқуқига эга эмас. Келтирилган мисолдан масъул қўмита сиёсий партиялар фракциялари фикри билан ҳисоблашиш механизми акс этган: биринчидан, қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш масъул қўмита ва фракцияларга бир вақтнинг ўзида белгиланган, иккинчидан, фракцияларнинг фикр ва таклифларисиз масъул қўмита хулоса чиқариш ҳуқуқига эга эмас.

Депутатлар фракциясининг қонун ижодкорлиги фаолияти сиёсий партияларнинг дастурий кўрсатмалари, мақсад ва вазифалари, ғоявий-сиёсий ва ташкилий асоси ҳамда таркиби ва фаолияти сингари бир қанча омилларга боғлиқ. Бундан ташқари, умумманфаат нуқтаи назарини ҳам ҳисобга олиши зарур. Чунки, қабул қилинаётган қонун муайян сиёсий партиянинг дастурида акс этган ғояларни ёки унинг электорати манфаатинигина ифодалаши бир томонлама ёндашувни келтириб чиқаради. Бу эса ижтимоий-сиёсий барқарорликка салбий таъсир этиб, ижтимоий норозилик юзага келишига замин яратади. Шу сабабли, депутатлар томонидан сиёсий партиянинг дастурлари, сайловолди платформаларида илгари сурилган ғояларга асосланган қонун лойиҳалари ишлаб чиқилиб, қонунчилик ташаббуси тартибида (фракция, парламент доирасида) муҳокамага қўйилиши умумхалқ манфаатига уйғунлаштириш ижобий натижа беради. Ҳақиқатан ҳам, сиёсий партиялар бир қатор муҳим вазифаларни, жумладан, давлат ҳокимияти органларида фуқаролар манфаатини ифодаловчи вакилликни амалга оширади. Мазкур фикрдан ҳам кўриш мумкинки, сиё-

сий партиялар номзод сифатида кўрсатган ва сайланган депутатлар давлат ҳокимиятининг маҳаллий ва олий органларида фуқаро манфаатини ифодалайдиган қарорлар ёки қонунлар қабул қилинишида фаол иштирок этади.

Айниқса, сиёсий партияларнинг давлат ва фуқаро ўртасида юзага келадиган диалектик ўзаро муносабати қонун ижодкорлиги жараёнида яққол намоён бўлади. Яъни, сиёсий партиялар дастури ва электорат манфаатидан келиб чиқиб, қонун ижодкорлиги фаолиятини амалга оширади. Тадқиқотчи С. Е. Заславский сиёсий партияларнинг қонунлаштириш ва жамлаш функцияларини ажратади. Сиёсий партиянинг *қонунлаштириш функцияси* фуқаролик жамиятининг маълум қисми манфаатларини давлат ҳокимияти органлари фаолиятида қатнашиш орқали амалга оширилишини аниқлаётганда, *жамлаш функцияси* доирасида аҳолининг ижтимоий, этник, ёш тоифаси манфаатларини ўзлаштириш, синтезлаш ҳамда кейинчалик, партия томонидан ишлаб чиқиладиган мафкуравий таълимот ва сиёсий дастурларда ифодалаш амалга оширилади.

Юқоридаги функциялардан келиб чиқиб, сиёсий партиялар электорат манфаатларини амалга оширишни ўз дастурларига олиб чиқади ҳамда давлат ҳокимияти (парламент ва ижро этувчи ҳокимият) фаолиятида иштирок этиб, белгиланган мақсад ва вазифаларни қонунчиликка татбиқ этишга ҳаракат қилади. Сиёсий партиянинг функцияси шу билан тўхтаб қолмайди: у қабул қилинган қонуннинг ижросини таъминлаш билан ҳам шуғулланади. Ўзбекистонда ҳукумат раҳбари номзодини парламент кўйи палатасида энг кўп ёки тенг миқдорда депутатлик ўрнини қўлга киритган сиёсий партия таклиф этиши белгиланган. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ҳукумат раҳбари Вазирлар Маҳкамасининг аъзоларини ЎзР Президентига тасдиқлаш учун тақдим этишда ўз номзодини илгари сурган сиёсий партиядан кўрсатиши мумкинлиги ҳам эҳтимолдан холи эмас.

ЎзР Биринчи Президенти Ислон Каримов таъкидлаганидек, «...қонун лойиҳаларини шошилмасдан, атрофлича муҳокама қилиш даркор. Такрор айтишга тўғри келади, «вақтни тежаш» деган сўз бу залда бўлмаслиги керак. Қонунлар пухта ишланиши, бу палатада ишчанлик муҳитини қарор топтириш лозим». Ҳақиқатан ҳам,

қонунларнинг пухта ишланиши бевосита сиёсий партиялар фракциясининг ишчан фаолиятига боғлиқдир. Парламент қуйи палатасидаги тортишув ва баҳслар қонун қабул қилиш жараёнларида яққол кўринадди. Ҳар бир партия фракцияси партия дастурида белгиланган, электорат манфаатига мос келадиган қонун ва қарорлар қабул қилинишига ҳаракат қилади.

Юқоридагилардан кўриш мумкинки, сиёсий партия ҳамда унинг парламентдаги фракцияси олий вакиллик органи фаолиятига таъсир кўрсатади. Чунончи, партияларнинг парламентдаги фракциялари қонун ижодкорлиги жараёнида амалий фаолликни намоеън этади.

Жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол ҳаракатларни амалга ошираётган сиёсий партиялар электорат ҳаракатларини тақиклайдиган, қийинчиликлар келтириб чиқарадиган ёки тўсиқлар ҳосил қиладиган эмас, балки уларнинг манфаатларини ифодалайдиган, фуқаролар фаровонлиги учун хизмат қиладиган сифатли қонунлар қабул қилишни асосий мақсад қилиб кўяди. Бунда асосий қонунимиз – Конституциянинг ўрни бекиёсдир. Дарвоқе, ҳуқуқий давлат шароитида Конституция Парламентда вакилларига эга бўлган ҳар қандай партия учун қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини бериши керак. Бу, биринчидан, фуқаролик жамияти доирасида турли ижтимоий гуруҳлардаги тангликни юмшатиш имконини беради. Иккинчидан, ҳар бир парламент партияси фуқаролик жамияти манфаатларини эътиборга олиб, уни яққол намоеън қилади. Учинчидан, ҳозирги пайтда сиёсий партиялар фақат ўз позицияси ҳақида сиёсий баёнот бериш билан чекланиб қолишини эмас, балки уларнинг қонун ижодкорлиги фаолиятини рағбатлантиради. Демак, парламент партиялари томонидан чиқариладиган қонунлар умумхалқ манфаатига хизмат қилиши лозим.

Ф. Мусаевнинг фикрича: «Парламентда қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш чоғида турли фракциялар ўртасида қизғин баҳс-мунозаралар бўлаётгани партияларнинг сиёсий фаоллигига мисол бўла олади». Шубҳасиз, парламентда фаолият юритаётган партия фракцияси аъзолари маълум бир қарор, қонунларни қабул қилиш жараёнларида ўз партияси манфаатидан келиб чиққан ҳолда ёндашади. Бу эса ўз-ўзидан партия фракцияси фаоллигини юзага кел-

тиради. Акс ҳолда, партия фракцияси аъзоларининг муайян норматив ҳужжат қабул қилиш жараёнларидаги суствлиги ёки ҳаракатсизлиги икки томонлама, яъни партия фаоллигига ҳам, парламент фаолиятига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

ЎзР Биринчи Президенти Ислон Каримов шундай қайд қилади: «Ҳаётий зарур бўлган қонунларни киритиш ташаббуси билан чиқишда ва уларнинг қабул қилинишини тезлаштиришда депутатлар корпусининг суствкашлиги, бу борада етарлича фаоллик кўрсатмаётгани жиддий камчилик ҳисобланади. Кейинги беш йил мобайнида (2005-2009 йй. – С. Б.) Қонунчилик палатасига тақдим этилган 297 та қонун лойиҳасидан атиги 44 таси депутатлар ташаббуси билан киритилган». Ушбу танқиддан Парламент қуйи палатасида фаолият олиб бораётган партия фракциялари тўғри хулоса чиқариб олишлари лозим. «...Сиёсий фракциялар ўз ташаббуслари билан бирорта ҳам долзарб ва муҳим қонун лойиҳалари тайёрламаган. Демак, парламент фаолияти расмий характер касб этган. Парламентаризм халқ вакиллиги, халқ ҳокимиятчилигининг асосий белгисини ифодалаб, парламентарийларни ўз сайловчиларининг манфаатлари борасида реал, самарали фаолият юритишга мажбур қилади. Агар халқ томонидан сайланганлар парламентда расмий иштирок этса, унда улар мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳолатига қандай таъсир кўрсата олади?».

Дарҳақиқат, фракция аъзолари ўз фаолиятларини тўғри ташкил этса, жамият тараққиётини таъминловчи қонун қабул қилинади. Шу сабабли фракция аъзолари томонидан муҳокама қилинаётган қонун лойиҳаларида ватанпарварлик, халқпарварлик, қонун устуворлиги руҳи устун бўлиши муҳимдир. Фракция аъзолари ўз фаолиятига жиддий ёндашиб, тенглик, адолат принципларига таяниши шарт. Шунингдек, партия фракцияларининг фаолияти баъзи ҳолларда декларатив хусусият касб этмоқда. Мамлакат ва ҳудудлар манфаатини ифодаловчи қонун лойиҳалари ташаббуси билан чиқишда фракциялараро жонли ва соғлом баҳслашув ҳамда сиёсий ғоя ва ёндашувлар рақобати, афсуски, яққол кўзга ташланмайди. Дарҳақиқат, Қонунчилик палатасининг 2005-2009 йиллардаги фаолияти таҳлили шунни кўрсатадики, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи депутатларда эмас, балки ушбу ҳуқуққа эга бошқа субъектларда бўлган. Депутатлар эса аксар

ҳолларда амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш билан кифояланиб қолганлар.

ЎЗР Биринчи Президенти Ислон Каримов Қонунчилик палатаси фракцияларининг 2010-2014 йиллардаги фаолиятига баҳо бериб айтганидек, «ўтган беш йил мобайнида парламент томонидан қабул қилинган 140 дан зиёд қонуннинг атиги 19 таси Қонунчилик палатаси депутатлари ташаббуси билан қабул қилинганини қониқарли, деб бўлмайди. Қолаверса, ана шу қонунларнинг бор-йўғи 3 таси янги қонунчилик ҳужжатлари бўлиб, 16 таси амалдаги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш билан боғлиқ, асосан юридик-техник хусусиятга эга бўлган қонун ҳужжатларидир. Бугунги шароитда фракциялар ва депутатларнинг мамлакатимиз учун зарур бўлган қонунларни ишлаб чиқишда ташаббус кўрсатиш ва уларни қабул қилиш бўйича фаолиятини принципиал жиҳатдан қайта кўриб чиқиш керак... Фракциялар ва депутатлар фаолияти янада фаол ва мазмунли бўлиши, ўз сиёсий партиялари ва уларнинг электорати манфаатлари ҳамда кўрсатмаларини ҳисобга олган ҳолда йўлга қўйилиши лозим. Айни пайтда партия ва фракцияларнинг у ёки бу қонун бўйича позицияси, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётнинг муҳим масалаларига доир фракциялараро баҳс-мунозаралар мазмун-моҳиятидан кенг жамоатчилик ва сайловчиларни ҳар томонлама тўлиқ хабардор қилиб бориш даркор. Ҳокимият, халқ ҳокимияти ва парламентаризмни демократик асосда ташкил этишнинг моҳияти ҳам шундан иборат».

Мамлакатимизда кўппартиявийлик миллий модели қарор топиб ривожланиш босқичида экан, бу тизим Парламент фаолиятида ҳам ҳаракатлантирувчи кучга эгаллиги билан ажралиб туради. Айниқса, ҳозирги пайтда қуйи палата вакиллари асосан сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган номзодлар ҳисобидан шаклланаётгани ҳам бунинг яна бир тасдиғидир. Яъни, сиёсий партиялар фракциясидан электорат ҳам, жамият ва давлат ҳам мамлакатни ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқадиган қонунлар қабул қилинишини кутади.

Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш, давлат ҳокимияти ва бошқарувини

либераллаштириш, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилиш жараёнларида сиёсий партиялар фаоллигини оширувчи ва таъсирини кучайтирувчи ҳамда мамлакатда кўппартиявийлик тизимини ривожлантирувчи ҳужжатлардан бири 2011 йил 18 апрелдаги ЎзР Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги (мавзуга тегишли 93-модданинг 15-банди ва 98-модда) қонундир. Мазкур Конституциявий қонун ва қонунлар Ўзбекистонда сиёсий партиялар фаоллигининг ошишига, конструктив рақобат муҳитининг қарор топишига, айниқса, парламентда юзага келган ҳуқуқий маконда қонун ижодкорлиги жараёнининг қизғин муҳокама-сига шарт-шароит ва имконият яратмоқда. Шунингдек, мазкур қонунларнинг амалда қўлланилиши натижасида сиёсий партиялар марказ ва жойларда, давлат ва ҳокимият органларини шакллантириш билан бирга жамоатчилик назоратини рўёбга чиқаришда ҳам катта имкониятларга эга бўлдилар. Шунингдек, ҳокимият вакиллик органларининг ижро ҳокимияти фаолиятини назорат қилиш борасидаги самардорлиги ортди. Парламентдаги сиёсий партиялар фракцияларининг парламент назоратини янада фаоллаштириш орқали ҳукуматга таъсир этиш имконияти кенгайди.

Келгусида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фракцияларига қонунчилик ташаббуси ҳуқуқининг берилиши, фракциялар томонидан таклиф этилаётган қонунлар лойиҳасининг бошқа фракциялар ва масъул қўмита томонидан ўрганиб чиқилиши қонун лойиҳаларининг қизғин муҳокама қилинишига сабаб бўлади, парламентда камчиликни ташкил этган фракцияни ҳам фаолликка ундаб, улар томонидан таклиф, тавсия, хулосалар берилишига олиб келади. Бу эса парламентдаги муҳолафат деб эълон қилинган фракцияга ҳам катта имконият яратиб, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга субъект томонидан илгари сурилган қонун лойиҳаларининг муқобил таҳриринигина эмас, балки жамиятда юзага келган ҳуқуқий бўшлиқни бартараф этувчи қонунлар лойиҳасини ҳам таклиф этиш ҳуқуқини беради. Бу эса фракциялар фаолиятини яхшилаши, улар ўртасида соғлом рақобат муҳитини қарор топтириши билан бирга, муҳолафат институтининг янада такомиллашувини таъминлайди. Парламентдаги сиёсий партиялар

фракциялари томонидан муҳокама қилинадиган қонун лойиҳалари келгусида умумхалқ манфаатига самарали хизмат қилиши лозим.

Сиёсий партияларнинг фракциялари мамлакатнинг стратегик тараққиёт йўлини белгилаб берадиган ҳамда тезлаштирадиган, жаҳондаги ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олишини таъминлайдиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қиладиган асосий субъектдир. Шундай экан, сиёсий партиялар фракцияларидан янада катта ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий фаоллик, ташаббускорлик талаб этилади. Ушбу талабларнинг амалда бажарилиши эса юқорида таъкидланган стратегик режаларнинг рўёбга чиқишини таъминлайди. Булар: биринчидан, давлат ҳокимиятининг ижро этувчи тармоғи органларини шакллантириш ва уларнинг фаолиятига таъсир ўтказишнинг реал вазиятидан келиб чиқиб, партия дастурларида белгиланган йўналишларни уюшқоқлик билан ҳаётга татбиқ этиш борасидаги имкониятларини кенгайтиради, яъни Парламентдаги фракцияларнинг ўз партиялари олдидаги, партияларнинг эса электорат олдидаги масъулиятини оширади.

Иккинчидан, ижро этувчи ҳокимият органларига таъсир қилишнинг янги имкониятлари очилганлиги муносабати билан депутатлик корпуси ва партия фаолларининг шошма-шошарликка йўл қўймасликлари муҳим.

Учинчидан, сиёсий партиялар томонидан Қонунчилик палатасининг ваколати муддати давомида яқин ва узоқ истиқболда қабул қилиниши мўлжалланаётган қонун лойиҳалари режасининг ишлаб чиқиши ҳамда сайловчиларга очиқ тақдим этилиши мақсада мувофиқ.

Тўртинчидан, сиёсий партиялар фракциялари фаолиятининг жадаллашуви Қонунчилик палатасида янги мазмун касб этади. Бу қуйи палатанинг фаолиятида ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислохотларнинг мақсадли вазифалари билан чамбарчас боғлиқ қонун ижодкорлиги бўйича ўрта ва узоқ муддатли дастур ва концепциялар шакллантириш ҳамда уларни амалга ошириш учун шарт-шароит яратиш заруратини келтириб чиқаради.

Шунингдек, буларнинг барчаси, сўзсиз, ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи тармоқлари орасида оптимал мувозанат

ўрнатилишига ёрдам беради. Ҳозирги пайтда ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохотларга ижро этувчи ҳокимият таъсирининг ҳокимиятнинг вакиллик органлари таъсиридан анча кучли эканлиги сир эмас.

Бешинчидан, жамият ва давлат қурилиши тизимида, яъни ижро этувчи ҳокимият органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини таъминлашда сиёсий партияларнинг роли янада кучайтирилса, у ёки бу партиянинг аъзоси бўлган раҳбарларнинг ўз бурчларига бўлган муносабатлари муайян даражада ўзгаради. Умуман олганда, бу замонавий раҳбарнинг сиёсий фаоллигини оширишга ёрдам беради.

Олтинчидан, хорижий мамлакатлардаги каби Парламентга фуқаро қонун лойиҳасини бевосита эмас, балки билвосита сиёсий партиялар орқали таклиф этиши масаласини кўриб чиқиш керак. Бунинг учун Парламент куйи палатаси сайловларида иштирок этиб, фракциясига эга бўлган сиёсий партияларга ушбу ҳуқуқ берилиши мақсадга мувофиқ. Мазкур вазифани партиянинг Марказий (Сиёсий) кенгашлари мувофиқлаштириши мумкин. Натижада, сиёсий партияларнинг ижтимоий муаммоларни ҳал этишда ёрдам берадиган субъект сифатидаги роли, жамиятдаги нуфузи ошади, кўппартиявийлик тизими шароитида сиёсий партиялар ўртасида қонун лойиҳасини таклиф этишдан то уни қабул қилишгача бўлган жараёнларда рақобат муҳити юзага келиб, қонунлар сифати янада яхшиланади.

Такрорлаш учун савол ва топшириқлар

1. Ўзбекистон сиёсий партиялари қандай типдаги партиялар сирасига киради?
2. Сиёсий партиялар фракциялари қонун лойиҳаларини таклифини берилишини ижобий томонларини кўрсатинг.
3. Сиёсий партия фракцияларига қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи берилишига қандай қарайсиз?
4. Қайси хорижий мамлакатларда халқ қонунчилик ташаббуси амалиёти қўлланилади?
5. Фракция ички демократиясида бирдамлик таъминланиши нималарга олиб келади?
6. Ўзбекистондаги сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасида фракцияларидан нималар кутилмоқда?

Бобга оид адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2014. – 76 б.
2. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт // <http://taraq-qiyot.uz/fuarolik-va-siyosiy-uular-t2>.
3. Ўзбекистон Республикасининг Референдум тўғрисидаги қонуни // URL – http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=81253&query=undefined
4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламенти тўғрисидаги Қонун // URL – http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=39573&query=undefined.
5. Аристотель. Сочинения: В 4-х т. Т. 4 / Пер. с древнегреч.; Общ.ред. А.И. Доватурова. – М.: Мысль, 1983. – 830 с.
6. Джавакова К. В. Институты народовластия в Республике Узбекистан. – Ташкент: Академия МВД Республики Узбекистан, 2006. – 252 с.
7. Дюверже М. Политические партии. – М.: Академический Проект, 2000 // URL – http://bookz.ru/authors/duverje-moris/duverje_m01.html.
8. Исмаилов Б.И. Реализация права законодательной инициативы в правоприменительной практике зарубежных стран и Республике Узбекистан, 2008 // URL – <http://www.allpravo.ru/library/doc117p0/instrum6914/print6915.html>
9. Карасев А.Т. Депутат в системе представительной власти (Конституционно-правовое исследование): Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. – Екатеринбург, Уральская государственная юридическая академия, 2009. – 55 с. // URL – <http://law.edu.ru/book/book.asp?bookID=1353220>.
10. Керимов А.Д. Парламентское право Франции. – М.: Норма, 1998. – С.120-125.
11. Кордик Д.Н. Законодательный процесс в европейских государствах: Россия, Германия, Австрия, Швейцария (сравнительно-правовой анализ): Дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2007. – С. 66-69.
12. Нисневич Ю.А. Компромисс и конформизм. – М.: ЛИЦ, 2001. – С. 247-248.
13. Одилқориев Х.Т. Конституция ва фуқаролик жамияти. – Тошкент: Шарқ, 2002. – Б. 96.
14. Усмонов М. Новые подходы во фракционной деятельности и межфракционной конкуренции в парламенте // Демократизация и права человека. – 2014. – №4. – С.103.
15. Hofmeister, Wilhelm. Political parties: functions and organisation in democratic societies / Wilhelm Hofmeister and Karsten Grabow. – Singapore: Konrad Adenauer Stiftung, 2011. – P. 70-71.

ХУЛОСА

Мамлакатда демократик янгиланишлар жараёни устувор йўналиш сифатида белгиланиб, бу жараёнда кўппартиявийлик тизими, унинг жамият тараққиётида, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий онги ва тафаккури юксалишида тутган ўрни ниҳоятда катта эканлиги ўз исботини топмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда «ўзбек модели»га асосланган миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлашган демократик сиёсий тизим шакллантирилиб, бир партияли тизимдан кўппартиявийлик тизимига ўтилди. Бу юртимизда плюрализм, баҳсмунозаралар, соғлом рақобатга асосланган сиёсий муҳитни вужудга келтириш орқали ижтимоий адолат ва қонун устуворлигига эришиш, ижтимоий-сиёсий барқарорлик ҳамда ҳокимиятнинг демократик асосда алмашишини таъминлаш, фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш кафолати бўлмоқда.

Партиянинг обрўси, ривожи, истиқболини белгилаш қуйидан бошланади. Шу сабабли ҳам сиёсий партияларимиз истиқболда ўзларининг сайловолди дастурларига муайян ўзгартиш ва қўшимчалар киритишлари, самарали ва оқилона йўл тутишлари айни муддаодир. Иккинчидан, партия ижтимоий рекламага катта аҳамият қаратиши лозим. Учинчидан, жойларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш бўйича шартномалар (дастурлар) ишлаб чиқишлари ва уларни амалиётга самарали татбиқ этиши керак. Чунки, ҳозирги пайтда фуқаролик жамияти институтларининг электорати сиёсий жиҳатдан катта кучга эга.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда сиёсий партияларга берилаётган ваколат ва имкониятлар, билдирилаётган ишонч уларга жуда катта масъулият юклайди. Мустақиллик йилларида вужудга келган сиёсий партиялар ўзининг демократик табиати, электорат манфаатини ифодалаши, конструктив рақобат йўлини танлаб олганлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш жараёнида кураши каби ижобий жиҳатлари билан фарқ қилади.

Бугунги кунда сиёсий партиялар фаолиятининг кўлами янада кенгайиб бораётгани, уларга кенг имкониятлар яратилгани фуқароларнинг сиёсий фаоллиги, ҳуқуқий онги ва маданияти ўсишига ижобий таъсир кўрсатди. Сиёсий партияларга нафақат парламент ва маҳаллий кенгаш депутатлигига номзод кўрсатиш, қонун чиқариш жараёнида ўз фракциялари орқали иштирок этиш, балки ижро ҳоқимияти, яъни ҳозирда мамлакатнинг стратегик йўлини амалга оширувчи субъект – Бош вазир номзодини кўрсатиш ваколатининг берилиши сиёсий партиянинг жамият сиёсий ҳаётидаги ўрнини мустаҳкамлайди.

Хулоса сифатида шуни айтиш жоизки, ҳозирги кунда Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизимини ривожлантириш жараёни бир қатор масъулиятли вазифаларни амалга ошириш, халқ манфаатини кўзлаш, уларнинг эҳтиёжларини қондиришга қаратилиши лозим. Бу жараёнда сиёсий партиялар фаолияти такомиллашади ҳамда охиросида жамият ривожига муносиб ҳиссаларини кўшади. Шундай экан, мамлакатда кўппартиявийлик тизими Ўзбекистон халқининг манфаатини ифодалаб, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишда иштироки улкан аҳамият касб этади.

МУНДАРИЖА

СЎЗ БОШИ	3
----------------	---

I боб.

КЎППАРТИЯВИЙЛИК МИЛЛИЙ МОДЕЛИ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ

1-§. Кўппартиявийлик тизими назариясининг умумий ва хусусий жиҳатлари	5
2-§. Ўзбекистонда кўппартиявий тизим ҳуқуқий муносабатларини такомиллаштириш	23
3-§. Кўппартиявийлик миллий модели ва сайлов тизимининг ўзаро боғлиқлиги	48

II боб.

КЎППАРТИЯВИЙЛИК МИЛЛИЙ МОДЕЛИНИНГ ДЕМОКРАТИК ИНСТИТУТЛАРИ

4-§. Кўппартиявийлик миллий моделида демократик бошқарувнинг ўзига хослиги	63
5-§. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларида партия гуруҳлари фаолиятини мустаҳкамлаш усул ва воситалари	77
6-§. Сиёсий партия фракцияларининг қонун ижодкорлиги жараёнидаги фаолиятини такомиллаштириш	91
ХУЛОСА	105

БЕРДИКУЛОВ Сирожжон Насипкулович

**ЎЗБЕКИСТОНДА КЎПАРТИЯВИЙЛИК МИЛЛИЙ
МОДЕЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

Ўқув қўлланма

Муҳаррир С.А.Раззаков

Техник муҳаррир Д.Р.Жалилов

Босишга рухсат этилди 19. 12. 2016 й. Нашр-ҳисоб табоғи 6,0.

Адади 20 нусха. Буюртма №

Келишилган нарҳда.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68.